

456

Ўттиз тўйқузинчи йил чиқиши

Муҳаррам 1446ҳ

Август 2024м



Al-Baqi

Кенг кўламли,
фикрий, сақоғий журнал

Ал-Бақій сўзи

Ғазо уруши Ислом Умматидаги етакчилик инқирозини биринчи ўринга олиб чиқди

Ақсо тўғони... Ҳа-
зоратлар кураши йў-
лидаги фавқулодда
тариҳий бурилиш
нуқтаси

15

Ҳарбий доктринада...
мусулмон армияларнинг
Ғазога ёрдам кўрсати-
шига нима тўскىнлик
қиласди?

34

Исломий Умматдаги ва
унинг қўшинларидаги
қувват аҳлига қайноқ
нидо

43

Аллоҳ Таоло Ўз
Росулига ҳиж-
рат жойини
билдириши

70

Пайғамбаримиз ҳижрати
талаби нусранинг ва иккинчи
ақаба байъатининг самараси бўл-
ган эди, унинг натижаси эса, Ислом
давлатининг тикланиши бўлди

48



456

Ўттиз тўққизинч
йил чиқиши
Мухаррам 1446ҳ
Август 2024м

Ливан 1000 лира
Яман 30 риёл
Туркия 1 доллар
Покистон 1 доллар
Австралия 2,5 доллар
Америка 2,5 доллар
Канада 2,5 доллар
Германия 2,5 евро
Швеция 15 крон
Бельгия 1 евро
Швейцария 2 франк
Австрия 1 евро
Дания 15 крон

Чибуб сонга

- **Ал-Ваъӣ сўзи:** Ғазо уруши Ислом Умматидаги етакчилик инқирозини биринчи ўринга олиб чиқди 3
- Ақсо тўғони... Ҳазоратлар кураши йўлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нуқтаси..... 15
- Ҳарбий доктринада... мусулмон армияларнинг Ғазога ёрдам кўрсатишига нима тўсқинлик қиласди? (1) 34
- Исломий Умматдаги ва унинг қўшинларидағи қувват аҳлига қайноқ нидо..... 43
- Пайғамбаримиз ҳижрати талаби нусранинг ва иккинчи ақаба байъатининг самараси бўлган эди, унинг натижаси эса, Ислом давлатининг тикланиши бўлди 48
- **Оlam мусулмонлари хабарлари** 58
- **Қуръони Карим суҳбатида** 65
- **Жаннат боғлари:** Аллоҳ Таоло Ўз Росулига ҳижрат жойини билдириши 70
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Нуайм ибн Масъуд – «Уруш ҳийла эканини биладиган киши» 81
- **Сўнғги сўз:** Саудия Арабистони раввини Сисийни ҳарбий тўнтаришдан огоҳлантириди... 87
- Эрдоган: Туркия-Сурия муносабатларини қайта тиклаш учун Асадга ўз таклифимизни юборамиз 88



ФАЗО УРУШИ ИСЛОМ УММАТИДАГИ ЕТАКЧИЛИК ИНҚИРОЗИНИ БИРИНЧИ ЎРИНГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Исом Шайх Фоним

Яҳудийларнинг ғазога қарши уруши бошланишидан олдин, Уммат фарзандларининг оммаси Ислом Умматида етакчилик қанчалик ёмонлашганини кўра олмаган эди. Кўпчилик Ислом Умматига фақат мавжуд халқаро низом доирасидагина етакчилик қилинади деб тасаввур қиларди. Масалан, баъзилар халқ ёки Умматнинг айрим ҳукмдорлар томонидан ҳимоя қилинишини умид қилди. Бошқалар эса оммавий ахборот воситаларида кўриниб турадиган баъзи «мўътадил» исломий ташкилотлар етакчиларидан умид қилишди. Бироқ, яҳудийларнинг ғазога қарши уруши ва улар содир этган жиноятларнинг оғирлиги исломий минтақадаги етакчиликнинг жиддий инқирозини кўрсатди. Бу инқироз ғазога қарши урушдан кейин очиқ кўзга ташланган икки жиҳатда намоён бўлди:

Биринчи жиҳат кучсиз ҳукмдорларда намоён бўлди. Чунки Туркия, Миср, Покистон ва бошқа давлатлар аҳолисининг сони кўп бўлсада, ғазодаги урушга таъсир қилиш жиҳатидан уларнинг халқаро майдондаги таъсири нольга teng. Масалан, Туркия президенти Эрдоган Туркияning ғазо учун кафил давлат эканлиги, яъни ғазо аҳлиниң яҳудий вужудига қаратса ўқ отишини олдини олишга тайёрлиги ҳақида гапирди. Покистон армияси қўмондони Осим Мунир «икки давлат ечими» ҳақида гапирди. Яъни у ечимни яҳудий вужудини мустаҳкамлаш мақсадидаги «Америка» формуласида деб билади. Миср президенти Сисий эса, уларнинг ҳаммасидан ўзиб кетди. Чунки яҳудийлар очарчиликка мажбуrlаган ғазога ҳар қандай ёрдам карvonларини фақат уларнинг рухсати билангина киргиза олди. Бу ҳукмдорларнинг позицияси мусулмонлар онгига момақалдироқдек урилди. Улар урушни тўхтатиш учун яҳудийлар ёки Америка учун таъсирли бирон-бир сўзни айта

олишмади. Бундан ташқари, Уммат бу ҳукмдорларнинг Америкага малайлигини, у билан маслаҳатлашгандан кейингина ҳаракатга келиб, ўз позицияларини билдиришларини ва у белгилаган доирадан чиқмасликларини ўз кўзи билан кўрди. Америка Ғазога қарши урушдаги энг муҳим масала у ердаги «гаровга олинган яҳудийлар» деб ҳисоблайди. Шунинг учун Миср ва Қатарнинг гаровдагиларни озод қилиш, шунингдек, яҳудийлар вақтинча бўлса ҳам урушни тўхтатишга рози бўлади деган умидда, гаровдагиларни озод қилиш борасида Ҳамасга босим ўтказишга қаратилган саъй-ҳаракатлари Американинг ҳаракатлари билан ёнма-ён бўлди. Америка урушдан кейинги кунни муҳокама қилишни истади. Шу боис, Ҳамас Фаластин Озодлик Ташкилотига кириб, Ғазодаги ҳокимиятни тарк этиши учун бу ҳукмдорлар унга босим ўтказа бошлашди. Улар уни ҳар қандай сиёсий келажаги Озодлик Ташкилоти доирасида эканлигига ишонтириш учун ҳам унга босим ўтказишмоқда. Ҳолбуки, бу ташкилот яҳудийларга таслим бўлиб, Фаластин маъмурияти хавфсизлик хизматини уларнинг хизматига топширишини, шунингдек, яҳудийлар ўнлаб йиллардан кейин бўлса ҳам Фаластиннинг бир қисмини беришга рози бўлади деган умидда, бу борада у билан музокара олиб боришини эълон қилган эди.

Шундай қилиб, одамлар аниқ-равshan англаb етдиларки, бу ҳукмдорлар, гўё бу давлатлар мавжуд эмасдек, Умматни сиёсий ва ҳалқаро обрўнинг энг паст даражасига етаклашди. Уларнинг Ғарбга малай ва тобе эканлиги ҳамда тўғридан-тўғри ўз ҳалқлари манфаатига қарши ишлайдиган хоинлиги ҳақида айтмаса ҳам бўлади. Айтиш мумкинки, Ғазо уруши одамларнинг сўнгги қатлами олдида ҳукмдорларнинг қулашига олиб келди. Ҳукмрон партиялар, уларни қўллаб-қувватловчилар, манфаатдор кишилар ва армия зобитлари орасидаги бу қатлам ҳукмдорлардан яхшиликни умид қилишар эди. Ғазо уруши бу қатламнинг ҳукмдорлар билан бирга бўлиш ва уларни қўллаб-қувватлашдан фойда йўқлигига ишончини кучайтирди. Чунки бу ҳукмдорлар жуда паст мақомда бўлиб, яҳудийлар ва Америкага тобе ва малайлик қилишларига қарамай, уларга таъсир ўтказа олишмайди. Чунки улар сиёсий

жихатдан шу даражада заифки, буни бу одамлар тасаввур ҳам қила олмайдилар.

Ғазо уруши натижасида юзага келган ушбу янги воқелик билан, зобитлар, аскарлар, иш бошқарувчилар, вазирликлардаги хизматчилар ва ҳукмрон партиялар издошлари орасидаги ҳукмдорларни қўллаб-қувватлаган қатлам олдида раҳбарият оғуши ва бу ҳукмдорларнинг етакчилигини қабул қилиш ғояси қулади. Улар бу пасткаш раҳбариятдан, заиф ва бечора етакчиликдан халос бўлишни кутишмоқда. Кимдир, бу одамларнинг қўпчилиги манфаатдор бўлгандари учун ҳукмдорларга содик қолишади, деб айтиши мумкин. Лекин ғазо уруши уларга ўрнак бўлди, деб айтиш тўғрироқ. Чунки бу одамларнинг ғазода Аббос ҳокимиятининг тарафдорлари ҳам худди бошқа аҳоли каби ўлдирилганига ва уйлари бошлари узра вайрон қилинганига гувоҳ бўлишди. Бу эса араб ва мусулмон ҳукмдорларнинг издошлари онгига бало уларга қарши осонлик билан бурилиши мумкинлигини ва бу ҳукмдорлар уларни қутқаришга мутлақо қодир эмаслигини сингдирди. Бу муҳим туйғу бўлиб, у кишини манфаатга энг паст даражада эътибор берадиган қилиб қўяди.

Ғазо урушидан кейин Умматда, жумладан ҳукмдорлар издошлари орасидаги ушбу қатламда ҳар куни қадр-қиммати оёқ-ости қилинаётгани, анави ҳукмдорларда сиёсий ҳис-туйғу йўқлиги ҳақида умумий ҳис пайдо бўлди. Бу ҳукмдорларнинг Америка бошқараётган глобал тизимга тўлиқ бўйсунишларини ҳисобга олмаганда, улар ҳеч нарсага эга эмас. Америка ва яхудийлар ҳукмдорларнинг ўзларига бўйсунувчи хизматкорлари бўлишини хоҳлашади. Бугун зобитлар ўз казармаларида, иш бошқарувчилар ўз вазирликларида ушбу раҳбарлар давридаги ақл бовар қилмайдиган даражадаги заифлик ҳақида гапиришмоқда. Чунки ғазо уруши уларнинг раҳбарлик ишидан бирор нарсага эга эмасликларини исботлади. 2023 йил 7 октябрдан кейин халқаро позиция тўлиқ яхудий вужуди томонда бўлди. Фаол давлатлар уни қўллаб-қувватлаш ва қурол-яроғ билан таъминлаш учун мусобақалашди ҳамда ғазо мужоҳидларининг 7 октябрда қилган ишларини қоралашди. Яхудийларнинг ғазони вайрон қилиши ва ўн минглаб бегуноҳ тинч аҳолини ўлдиришини эса,

икки миллиард мусулмонларнинг ҳукмдорлари халқаро масалага айлантира олишмади. Лекин Америка ва Европа университетлари бу жиноятларга қарши бош кўтарди. Бизнинг ҳукмдорлар эса, улкан армияларга, нефть ва газга, халқаро савдони назорат қилувчи бўғозларга ва бошқа халқаро таъсир воситаларига эга бўлишларига қарамай, бирон-бир арзирли иш қилмасдан Американинг яхудийларга босим ўтказишини кутиб жим туришди.

Иккинчи жиҳат эса, ғазода содир бўлаётган воқеаларга нисбатан кучли позицияга эга бўлиши керак бўлган исломий ташкилотларда намоён бўлди. Агар Исломни ечим деб ҳисобладиган одамлар қатлами исломий минтақада кўпчиликни ташкил этса, демак, бу қатлам ушбу ташкилотлар раҳбарларидан кучли позицияларни кутган. Лекин у бу раҳбарларнинг гўё йўқдек бўлишидан, балки иллюзияларни тарғиб қилаётганидан ҳайратда қолди. Чунки бу раҳбарлар «Ислом ечим» деган шиорга асосланиб издошларини сайловларда ўзларига овоз беришга чақиришади. Кейин уларни сайласалар Исломни кўрмайдилар. Бугун ғазодаги уруш соясида одамлар шуни кўрдики, бу раҳбарларнинг Иордания, Тунис, Жазоир, Покистон ва бошқа кўплаб давлатлардаги каби парламентда ва баъзи вазирликларда иштирок этиши уларни ҳукмдорлар қаноти остига, ҳукмдорларни эса Америка ва Фарбнинг қаноти остига киритиб қўйди. Шу маънодаки, бошқарувдаги ушбу иштироқдан келиб чиқсан ҳеч қандай Исломнинг борлиги кўринмади. Мана, яхудийлар ғазо секторини бомбардимон қилишмоқда. Иорданиядаги Ихвонул Муслимин эса, халқнинг парламентга ва вазирликларга кирмаган, ҳокимиётда иштирок этмаган ҳар қандай қатлами каби норозилик намойишларига чиқишдан бошқа иш қилмади. Покистон парламентидаги Исломий партиялар ҳам ғазо аҳлига Покистондан ҳеч қандай ёрдам кўрсатишмади. Қолаверса, армия қўмондони Американинг «кikki давлат ечими» ҳақидаги сўзини такрорлаб, яъни яхудий вужудини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласиган малайи бўлиб қолаверди. Жазоир парламентидаги Исломий партия ва ҳаракатларнинг аҳволи ҳам шундай.

Дарҳақиқат, ҳокимиятга келган Исломий партия сифатида кўриладиган энг катта партия Эрдоганинг «Адолат ва Тараққиёт» партияси. Унинг раҳбари Эрдоган аввал бошда ғазо аҳли ва фаластинликларни қўллаб-қувватлаши ҳақидаги ҳайқириқлари билан дунёни тўлдирганидан кейин кўздан ғойиб бўлди. У ғазода Туркияning «кафил давлат» бўлишини талаб қила бошлади. Чунки Туркияning бундай роли Сурияда муваффақиятли бўлиб, қуролли гуруҳларнинг Башар режимини қулатишига йўл бермаган эди. У ғазодаги қуролли Фаластин гуруҳларининг яхудий вужудига таҳдид солишига йўл бермасликни хоҳламоқда. Шундай қилиб, Эрдоган ва унинг раҳбари ётиришни қулади. Ҳукмдорлар билан бирга парламентда, вазирликларда ва сайловларда иштирок этиш Исломни ечим сифатида майдонга олиб чиқади деган сохта тасаввурни одамларга берганларнинг кўпчилиги у каби қулади. Мана, ғазо уруши ғазоликларни қирғин қилмоқда ва биз ушбу «мўътадил» ҳаракатлар гавдалантирган Ислом ғазо аҳлининг бу муаммосини ҳал этганини кўрмаяпмиз. Яъни бу шиорлар бирон бир қийматга эга бўлмаган қуруқ гапдир. Албатта, бу Ислом ечим эмас деган маънони англатмайди. Балки бу шуни англатадики, бу раҳбарлар одамларга ҳукмдорлар билан ҳамкорлик қилиш юртнинг сиёсий ҳаётида Исломнинг мавжуд бўлишига олиб келади деган сохта тасаввурни беришмоқда.

Ғазо уруши давомида одамлар ўта ҳайратланарли ишларга гувоҳ бўлишди. «Мўътадил» исломий ташкилотларнинг барча етакчилари, гўё улар йўқдек ёки ҳукмдорлар билан ҳамкорлик қилиш назарияси барбод бўлганини ўзлари ҳам, одамлар ҳам кўргандек, кўздан ғойиб бўлди. Чунки уларнинг юртларида ишлар бутунлай ҳукмдорга боғлиқ. Агар яхудий давлати каби демократик юртларда Бен Гвир ва Смотричларнинг партияларига ўхшаган кичик партиялар парламентдаги ваколатларига таяниб, ушбу партияларнинг раҳбарлари хоҳлаганидек давлатга кучли таъсир ўtkазаётган бўлса, ҳукмдорлар билан ҳамкорлик қилаётган «мўътадил» исломий ташкилотлар бу ҳукмдорлар сояси остида исломий минтақа нолларининг яна бир нолига айланиб қолишиди. Бу эса айни раҳбарларни қулатди. Чунки улар ўз тарафдорларига ёлғон гапириб, уларга бу ҳукмдорлар давридаги сайловлар Исломни

ечим сифатида майдонга олиб чиқади, деган соҳта тасаввурни беришган эди. Ҳукмдорлар қаноти остидаги бу «мўътадил» ташкилотлар рухсат берилган доирадагина гапириши ва ғазодаги мусибат оғир бўлишига қарамай, ҳукмдорларга таҳдид қилишмаслиги тўсатдан кўриниб қолди.

Буларнинг тафсилотига келсак, Уммат Исломни истайди ва бу очик айтилиши керак бўлган нарсадир. «Мўътадил» Исломий ташкилотлар ва улардаги етакчиларга пул ёмғирдек оқиб келди. Одамлар уларни кўра олиши, уларга раҳбар ва етакчи деган назар билан қараши учун бу ташкилотлар етакчиларига Ал-Жазира каби оммавий ахборот воситаларининг эшиги очик. Қатар ва ундан бошқасига боғланган исломий ташкилотларнинг барчасида шу ҳолат кузатилади. Чунки улар Қатарнинг пуллари билан ташкил этилган. Ал-Жазира каби Қатар оммавий ахборот воситалари уларни куч ва етакчи сифатида кўрсатади. Агар бу молиявий имкониятлар, медиа платформаси ва ҳукмдорларнинг сиёсий ҳимояси бўлмаганида, бу ташкилотлар биз кўрган катта ҳажмда бўлмас эди. Шунинг учун бу раҳбарларнинг барчаси Қатарнинг қаноти остида. Қатар эса Америка ва Британиянинг қаноти остида. Қатарга улар йўл кўрсатади. Дарҳақиқат, яхудий вужудининг Қатарни Ҳамас ва терроризмни қўллаб-қувватловчиси сифатида кескин танқид қилиши уни ҳақиқатни айтишга мажбур қилди. Қатар Давҳада Ҳамас офисининг очилиши у билан сўзлашув олиб боришга эшик очиш учун АҚШ разведкаси буйруғи билан бўлганини айтди. Буларнинг барчасига қарамай, ғазодаги мужоҳидларнинг сабот билан туриши ва мардонаворлиги яхудийларнинг ғазабини қўзғаётганига гувоҳ бўласиз.

Халил Ҳайя каби хориждаги баъзи етакчилар мақсад «икки давлат ечими» эканини ва агар Фаластин масаласи Америка ечимиға мувофиқ ҳал этилса, Ҳамаснинг ҳарбий қаноти йўқ бўлиб кетиши мумкинлигини айтишмоқда. Усома Ҳамадонда фикри ҳам шунга яқин. Дарҳақиқат, Ҳамас етакчилиги Қатар ҳукмдори ва бошқа ҳукмдорлар истагига мослашиш учун ўзининг 2019 йилдаги низомига ўзgartириш киритди. Гёё жиҳоддан мақсад – Америка хоҳлаганидек – Фаластиннинг кичик бир қисмига эришиш ва каттароқ қисмига (1948 йилдаги

чегараларга) яхудийларни ўрнатишдек. Шу боис, ҳукмдорлар сояси остида бўлган етакчилар юзига ғазодаги жиҳодда одамларнинг шаҳид бўлиши, уйлар ва инфратузилманинг вайрон этилиши фақат Фаластин озодлиги учундир, дея ҳайқириш керак. Жиҳод – Ислом Умматининг жиҳодидир. Чунки курашаётган, зиён кўраётган ва энг бебаҳо нарсаларини қурбон қилаётган Умматдир. Натижа ҳам Америка режа қилган «икки давлат ечими»га мувофиқ эмас, балки Ислом аҳкомларига мувофиқ бўлиши керак.

Мусулмонларни қаттиқ огоҳлантириш керакки, Қатар бераётган пуллар «ечим – Ислом» мантиғига кўра эмас, балки Америка бошқараётган халқаро тизимга кўра ишлаш шарти билан берилади. Масалан, мусулмонлар Толибоннинг Афғонистондаги жиҳодига, унинг йигирма йил давомида мардонавор курашганига гувоҳ бўлдилар. Америка Толибонни ҳарбий жиҳатдан мағлуб эта олмагач, уни Қатар ва унга ўхшаган ҳукуматлар ўз назоратига олди. Қатар у учун Давҳада офис очди ва 2018 йилда уни Америка билан музокара олиб боришга ишонтиргунига қадар унинг устидан пул ёғдирди. Кейин Қатар воситачилигида Толибон билан тузилган келишувга кўра, 2021 йилда Америка Афғонистондан чиқиб кетди. Бугун Толибон ҳаракати ичидаги холис кишилар билан Қатар тарафдорлари Афғонистонда ҳокимият учун курашишмоқда. Холис даъватчилар Ислом бошқарувига чақирганлари учун Толибон ҳаракати қамоқхоналарига ташланмоқдалар. Шунинг учун одамлар ҳукмдорлар бераётган пуллар ўлдирувчи заҳарлигини, уларни мусулмонларни қўллаб-қувватлаш баҳонасида олиш мумкин эмаслигини тушунишлари керак. Бу ҳукмдорлар Америка ва Европа сиёсатига мувофиқ қўллаб-қувватлашади. Ғазо урушида улар ҳеч қандай таъсирга эга эмас. Америка расмийси яхудийларни ғазодаги жиноятларини тўхтатишга ишонтиради деган умидда, бу ҳукмдорлар унинг келишини кутишмоқда. Гарчи казармаларга жойлашган армиялар ғазодаги қирғинни тўхтатишга ва бутун Фаластинни озод қилишга қодир бўлсада, ҳукмдорлар уларнинг буни қилишларига тўсқинлик қилишмоқда.

Буларга асосланиб, «мўътадил» исломий ташкилотлар етакчилари яна бир бор қулади деб айтиш мумкин. Уларнинг

қулаши ҳукмдорларга ва уларнинг «икки давлат ечими» каби лойиҳаларига қанчалик қарамликлариға қараб бўлди. Газодаги шок таъсирида Уммат шуни англаб етдики, бу ташкилотлар сайловларда одамлар уларни сайлашлари ва улар ҳукмдорлар билан ҳамкорлик қилишлари учун ёлғондан «ечим – Ислом» деган фикрни тарғиб қилишган. Кейин парламентга ҳам, вазирликларга ҳам, сиёсий ҳаётга ҳам Ислом келмади. Балки, куфр бошқарувида ҳукмдорлар билан ҳамкорлик қиласидиган ва ҳеч қандай фойда келтирмайдиган мухолафат номи остида уларнинг айбини яшириб турадиган «соқолли шайх» келди. Бугун Уммат ўзининг ҳақиқий етакчиси келишини кутмоқда.

Сурияда одамлар «Ҳайъат Таҳрируш Шом» ташкилоти ва унинг кетма-кет жиҳодлардан кейин ўзини Туркия қаноти остига отган етакчиси Жўлонийга қарши бош кўтарди. Одамлар қўзғолон бошида кўзлаган мақсадларига, яъни Башарни қулатишга уларни бошлаб борадиган етакчиликни хоҳлашмоқда. Улар бу етакчиликнинг онгли ва қўйилган тузоқларга тушмайдиган исломий етакчилик бўлишини хоҳлашмоқда. Ливияда золим Қаззофий ағдарилганидан сўнг, одамлар Ҳафтарнинг жирканч раҳбарияти билан мамлакат ғарбидаги «мўътадил» исломий ташкилотлар раҳбарлари ўртасини фарқламайдиган бўлди. Маълумки, Ал-Жазира канали одамлар эргашишлари учун айрим кишиларни етакчилар сифатида кўрсатганидан кейин Қатарнинг пуллари ушбу ташкилотлар орқали ҳар томонга сочилди. Сўнг одамлар ўзларини Америка билан бўлган нуфуз талашиш мақсадидаги жирканч курашда Европа томонидан қўйилган Қатар тузоқларига тушиб қолганларини кўрдилар. Бу курашда Америка Ҳафтарни қўллаётган бўлса, Европа Триполи ва у ердаги Қатар қўлловига бўйсунган исломий ташкилотларни қўлламоқда.

Одамлар пайқаган нарса шуки, «мўътадил Ислом» номи билан ўзини ҳукмдорлар қаноти остига киритган бу етакчилар наздида сиёсатда ҳеч қандай тақиқланган ҳаром иш йўқ. Улар ҳар қандай ишни ҳалол деб билишади. Сурия жаллоди юз минглаб мусулмонларни ўлдирган бўлса ҳам, улар у билан сулҳ тузишади ва буни жоиз деб ҳисоблашади. У 80-йилларда минглаб Ихонул Муслимин аъзоларини ўлдирган бўлса ҳам,

улар у билан алоқа қилиш ҳаромлигини айтишмайди. Мусулмонлар қонини тўкишни қатъий ҳаром қилган шаръий аҳкомлар ҳам бу етакчиларни Эронга дўст бўлиш ва унга садоқат кўрсатишдан тўхтата олмади. Ҳолбуки, Эрон кечаю кундуз Сурия, Ироқ ва Яманда мусулмонларни ўлдирмоқда. Уларнинг наздида сиёсат аҳкомлари учун «шаръий маржаия» (ҳукмлар олинадиган манба) йўқ. Шунинг учун уларда ҳар қандай сиёсий иш жоиз. Ва ниҳоят, сиёсий ишлар борасида Ислом ҳеч қандай ҳукм белгиламагандек, сиёсатни қалби Қатарнинг пулларига бўлғанганларга ташлаб кўйгандек, баъзилар одамлар олдига чиқиб, Фаластин масаласини ҳал этишда яҳудийлар билан музокара қилиш жоиз дейишмоқда. Умуман олганда, Уммат бу етакчиларнинг Исломнинг сиёсий аҳкомларидан бехабар эканликларини кўрди. Гўёки Ислом илмонийлар ўрнига «соқолли шайх» ҳокимиятга келиб, одамлар ўйлаб топган аҳкомлар, яъни куфр билан ҳукм юритишини мақсад қилгандек, улар «босқичма-босқичлик»ни баҳона қилиб, бунга тарғиб қилишмоқда. Улар қонунчилик борасидаги оятларнинг босқичма-босқич тушиши билан Росууллоҳ ﷺ ва саҳобаларнинг нозил бўлган ҳар қандай ҳукмни босқичма-босқич эмас, дарҳол татбиқ этишга шошилганлари ўртасидаги фарқни англаб этишмаяпти. Шаръий далилларни келтириш учун бу ерда етарлича жой йўқ. Лекин бу ерда мавзуу шу ҳақдаки, ухлаб ётган мусулмонларни туришга мажбур қилган Ғазо уруши «мўътадил» исломий ташкилотлар етакчиларининг қулашига олиб келди. Чунки улар ҳукмдорлар қаноти остига киргандаридан кейин, уларнинг хоҳиш-иродаларидан четга чиқа олишмади.

Етакчилик борасида катта бўшлиқ пайдо бўлган бир шароитда, Уммат ўз йўлини қидириб, янги етакчиликни изламоқда. Биз Идлибдаги одамлар ғайратини ва уларга Ҳизб ут-Таҳрирнинг таъсирини кўрдик. Фаластиндаги юришларни ва Ҳизбга бўлган эътиборни ҳам кўрдик. Чунки Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари Умматни яҳудийларнинг Ғазога қарши ҳужумини қайтариш ва қирғинларни тўхтатиш ҳақида хомхаёллар билан қондириб қўймайди. Балки бунинг пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликни барпо этиш орқали амалга ошишига Умматни қаноатлантиради. Ҳизб Умматни Ливандаги Эрон

ҳизби (Ҳизбуллоҳ) ёки Эрон ўзи амалга оширадиган тўқнашувларга умидлантиrmайди. Эрон ҳизби Фаластин шимолини яҳудийлардан озод қилишга қодир эканига қарамай, Эрон хоҳлаган даражада тўқнашувга киради ва ундан ўтиб кетмайди. Эрон ҳам Фаластинни озод қилишга уринмайди ва унинг ўкиришлари Умматга аниқ маълум. Дарҳақиқат, яҳудийлар Эронга ҳалокатли зарбаларни берди. Эрон эса, Фаластинни тўлиқ озод қилишга қодир бўлишига қарамай, арзимаган жавоб зарбасини йўллашдан нарига ўтмади. У Америка бошчилигидаги халқаро кучлар билан бирга ва мавжуд халқаро тизим доирасида ишлайди.

Ғазо уруши Ҳизб ут-Таҳрир айтган нарса тўғрилигини кўрсатди. Ғазо аҳли очлик, қирғин ва вайронагарчиликдан азоб чекмоқда. Уларга Қатарнинг пуллари ҳам, мусулмонлар жўнатаётган инсонпарварлик ёрдамлари ҳам ёрдам бермайди. Чунки бу ёрдамларнинг уларга етиб боришига яҳудийлар армияси тўсқинлик қилмоқда. Уларга ёрдам берадиган ягона нарса, Миср армиясининг яҳудийларга қарши туришидир. Миср президенти, Америка малайи Сисий бунга йўл бермаётган экан, ғазо аҳлига Миср армиясининг бош кўтариб, Сисийни қулатиши ва саноқли соатлар ичидан мусулмонлар халифасини тайин қилишигина ёрдам беради. Зоро, халифа жиҳодни бошлаб, ғазони ва бутун Фаластинни озод қиласди. Уммат Ҳизб ут-Таҳрир тақдим этган ушбу ечимдан бошқа барча ечимларнинг заиф эканлигига гувоҳ бўлди. Агар яҳудийлар ўт очишни тўхтатишса ҳам, уруш яна аланга олиши, ҳатто қайта-қайта тақрорланиши мумкин. Ғазода 2008, 2012, 2014 ва бошқа йилларда ҳам уруш аланга олган. Ҳатто уруш ҳар йили аланга олади ва уни фақат Фаластиннинг озод қилиниши тўхтатади. Бу эса содик, Исломни қандай татбиқ этишини биладиган кишилар уни бошқарадиган давлатни талаб қиласди. Улар буюк Исломнинг заараркунанда ҳукмдорлар қаноти остида бўлишини қабул қилмайдилар, аксинча, уларнинг ҳаммасини супуриб ташлаш, Исломни татбиқ этиш ва Ислом Умматини бошқа халқлар орасидаги хол каби қайта тиклашга ҳаракат қиласдилар. Бу халқаро тизимга бўйсуниш билан бўлмайди. Уммат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Хавфсизлик Кенгаши, Ғарб судлари бўлган Халқаро Жиноят Суди ва Халқаро Суднинг

самарасизлигига гувоҳ бўлди. Бу халқаро тизим, ундаги судлар ва давлатнинг чегаралари, буларнинг барчаси қулатилиши керак. Ислом Уммати буларни қилишга қодир ягона Умматdir.

Бугун Уммат ўз ичида Исломни портлатиб юбора оладиган етакчини қидирмоқда. Шунда у Росулуллоҳ ﷺ давридан бошлаб то охирги Исломий Халифалик қулатилгунга қадар бўлгани каби таъсирили қувват бўлади. Уммат ҳукмдорлар уни тушириб қўйган позициянинг фойдасизлигини кўряпти. Шунингдек, «мўътадил» исломий ташкилотлар етакчиларининг ҳукмдорлар раҳбариятининг бир қисми эканлигини, яъни мавжуд тузумнинг альтернативаси эмас, балки бир қисми эканлигини ҳам кўряпти. Уммат яна шуни кўряптиki, масжидларда Исломдан гапириб келган бу етакчилар тезда миллий етакчиларга айланишмоқда. Улар сайловлардан кейин, шунингдек, Қатарнинг пуллари ва медиа платформалари уларни халқни тамсил этган расмий шахсларга ва Умматда Исломни портлатишга қодир бўлмаган балога айлантирганидан сўнг Американинг «икки давлат ечими» ҳақида гапиришмоқда. Қолаверса, халқаро тизим томонидан терроризмда айбланишдан қўрқиб, Ислом ҳақида гапиришдан хижолат бўлишмоқда. Ҳатто Тунисдаги Наҳза партияси каби айрим партиялар Ғарбни рози қилиш учун «сиёsat» билан «даъват»ни ажратишга чақиришганида Исломни сиёsatдан расман четлаштиришди. Булар Умматни Ислом билан бошқаришга ожизлик қилган етакчилардир. Уммат учун ўзи етиб борган чуқур зулматдан чиқишида Ҳизб ут-Таҳрирга таянишдан бошқа чора қолмади.

Уммат бу янги етакчиликнинг самимиyllигига, Исломдан гапиришига ва унинг сақофатида фақат шаръий далилга таянган Ислом борлигига гувоҳ бўлди. У ўнлаб йиллар давомида ҳукмдорлар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиб келди ва кеча айтган нарсасини бугун ҳам айтади. Бу етакчилик армия зобитларидан узоқда эмас, балки уларни пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликни барпо этиш учун Ҳизб ут-Таҳрирга нусрат беришга унダメоқда. Бу зобитлар Ғазо уруши нима қилганини кўрганларидан кейин, шунингдек, уларга кофиirlарнинг, хусусан, Америка ва Европанинг душманлиги, ҳукмдорларнинг ўта ожизлиги, яхудий армиясининг ўта

заифлиги, Фаластинни озод қилиш бир неча соат ёки кун масаласи эканини очиб берганидан кейин, Аллоҳнинг изни ила бу даъватга жавоб қиласидилар. Улар Ҳизб ут-Таҳрир етакчилари Умматнинг кучи ва имкониятларини чуқур англаб етганини кўрмоқдалар.

Уммат бошқа халқлар эга бўлмаган энг катта қувватга эга ва бу қувват Исломдир. Уммат унда шу қувватни портлатадиган кишига мұхтоҗ. Ғазонинг Ислом ва ақида қуввати билан душманга қандай қаршилик кўрсатганига, ғазодаги мұжоҳидлар замонавий қуроллар билан қуролланган яхудий армиясига қарши қандай жанг қилганига, ғазо аҳли очлик, зулм ва чанқоқ мاشақатини қандай кўтарганига Уммат гувоҳ бўлди. Буларнинг барчаси уларнинг ичида портлаган Ислом қуввати туфайлидир. Уммат ўзидағи Ислом билан қайнамоқда. У ўзини ушбу дин аҳкомларига мувофиқ бошқарадиган етакчиликка мұхтоҗ. Шунда у халқаро тизимга қарши бош кўтаради ва чегараларни ҳам, яхудий вужудини ҳам тан олмайди. Аксинча, ҳидоятни куфр юртларига етказиш учун жиҳод қиласиди. Аллоҳнинг режаси, нусрат аҳлининг миссияси камолига етганида мусулмонлар бунга эришиш ва зафар қучиш мумкинлегини кўриб ҳайрон қоладилар. Улар Умматни Аллоҳнинг дини билан бошқарадиган халифани тайинлайдилар. Шунда Уммат ўзининг бутун энергиясини, Аллоҳнинг изни ила, портлатиб, барча Ислом юртларини бирлаштиради. Ҳатто Ислом Уммати саноқли йиллар ичида энг буюк Умматга айланади. У ичкарида ҳам, халқаро саҳнада ҳам эзгу ишларга чақириб, мункар ишлардан қайтаради. Унинг армияси, бойлиги ва фарзандлари одамларни Америкага ибодат қилишдан Аллоҳга ибодат қилишга олиб чиқиш учун динга хизмат қиласиди. □

АҚСО ТҮФОНИ... ҲАЗОРАТЛАР КУРАШИ ЙҮЛИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ТАРИХИЙ БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Мұхандис Висом Арташ
Тунис вилояти

Хақ билан ботил, Ислом билан куфр ўртасидаги кураш Ислом Маккада нозил бўлганидан бошлаб, Аллоҳ ер юзи ва ундағи жонзотларга меросхўр бўлгунига қадар давом этадиган ҳақиқатдир. Ер юзида ҳақ устида ғолиб гурӯҳ бор бўлар экан, бу кураш давомий сақланиб қоладиган қонуниятдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا يَرَالُونَ يُقْتَلُونَ كُمْ حَتَّىٰ يَرُدُّوكُمْ عَنِ دِينِكُمْ إِنَّ أَسْتَطَعُوا﴾

«Улар (кофирлар) қўлларидан келса то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан уришаверадилар»[Бақара 217]
Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا الْكَسَرَىٰ حَتَّىٰ تَشْيَعَ مِلَّتَهُمْ قُلْ إِنَّ هُدَى اللَّهِ هُوَ الْهَدَىٰ﴾

«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлмайдилар. Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигини ҳақиқий йўлдир»» [Бақара 120]

Тўғрироғи, ҳазоратлар ўртасидаги умумий суратда давом этा�ётган курашдаги Аллоҳ Таолонинг қонуни ўзгармас барқарор қонундир. Агар Ислом тарихидан олдинги даврга назар ташласак, кўплаб ҳазоратлар бир қатор ғоялар, тушунча ва қаноатларни халқларга татбиқ этиш учун бир-бiri билан курашганини кўрамиз. Форслар, риммиклар, финникийлар ва бошқаларнинг тарих давомидаги курашлари бу қонуннинг исботидир. Аллоҳ Таоло айтади.

﴿وَلَوْلَا دَفْعَ اللَّهِ أَنْتَاسَ بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ لَفَسَدَتِ الْأَرْضُ وَلَكِنَّ اللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْعَالَمِينَ﴾

«Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас экан, шубҳасиз, ер фасодга дучор бўлади. Лекин Аллоҳ барча оламлар устида фазлу карам соҳибидир» [Бақара 251]

Ақсо түфони узоқ вақтдан бери ҳазорий ҳамжиҳатлик ёлғони ортига яшириниб келган салибчи Ғарбнинг юзидан ниқобини олиб ташлаб, ушбу ҳазорий кураш ҳақиқатдаги ҳақиқатни олдинга олиб чиқди. Тўғрироғи, Ақсо түфони дунё жамоатчилиги онгиди мухим тарихий бурилиш нуқтасини ясади. Дунё

Ақсо түфөни... Ҳазоратлар кураши йўлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нұқтаси жамоатчилиги нафақат муборак заминда бўлаётган воқеалар моҳияти ёки яҳудий вужуди табиати ва террорчи армиясининг шафқатсизлигини, балки ҳазорий жиҳатдан банкротга учраган ва барча халқлар қаршилигига қарамай бу вужудни омон қолиш сабаблари билан таъминлашни давом эттираётган Ғарбнинг ҳақиқатини англаб ета бошлади. Бу ҳазорий курашдан мақсад европалик ва америкаликлар онгини забт этиши кутилаётган исломий ҳазоратнинг қайта тикланиши хавфини олдини олишдир. Шундай экан, Ғарб билан бўлган ҳазорий курашнинг келгуси босқичида Ақсо түфөни қандай аҳамиятга эга? Нега буни ушбу кураш жараёнидаги ҳақиқий тарихий бурилиш нұқтаси деб ҳисоблаш мумкин?

Ислом мабдасига қарши ҳазорий кураш тарихи

Исломга қарши кураш асрлар давомида тўхтамаган. Бироқ, Исломга қарши пайт пойлаётган куфр кучларига ва бу кучларнинг ҳақ нурини ўчиришга уриниб қилаётган макрҳийлаларидаги тафовутга қараб, бу курашнинг шакллари, жиҳат ва даражалари вақти-вақти билан турлича бўлиб келган. Аллоҳ Таоло айтади:

(إِنَّهُمْ يَكِيدُونَ كَيْدًا وَأَكِيدُ كَيْدًا فَمَهِلْ الْكُفَّارِينَ أَمْهَلُهُمْ رُؤَيْدًا)

«*Албаттa* (кофиirlар Мұхаммад алаиҳис-саломга қарши турли) ҳийла-найранг қилурлар. Мен ҳам бир ҳийла қилурман (яъни уларнинг ҳийла-найрангларига муносиб жазо берурман). Бас, (эй Мұхаммад), сиз уларга озгина вақт-муҳлат беринг!» [Ториқ 14-17]

Аллоҳ Таоло айтади:

(بُرِيَدُونَ أَن يُظْفِعُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَيَأْبَى اللَّهُ إِلَّا أَن يُتَمَّ نُورُهُ وَلَوْ كَرِهَ الْكُفَّارُونَ)

«Улар Аллоҳнинг нурини (яъни, Исломни) оғизлари (яъни, беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса, гарчи (кофиirlар) хоҳламаслар-да, фақат йўз нурини тўла (яъни, ҳар тарафга) ёйишни истайди» [Тавба 32]

Ислом тонги отганидан бери Ислом Уммати ўз ҳазорати ва давлатининг душманлари билан тарих давомида узоқ курашиб келди. Уммат кўп ҳолларда уларни мағлуб этиб, тажовузини қайтаришга эришган ва иймон аҳли ғолиб бўлган. Аллоҳ Таоло айтади:

(إِنَّ الْأَرْضَ لِلَّهِ يُرِثُهَا مَن يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَالْعَقِبَةُ لِلْمُتَّقِينَ)

Ақсо түфөни... Ҳазоратлар кураши йўлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нуқтаси «(Фиръавнинг сўзларидан даҳшатга тушиб кетганларида) *Мусо қавмига деди: «Аллоҳдан мадад тилаб, сабр-тоқат қилингиз! Бу ер шак-шубҳасиз Аллоҳникидир. Уни йзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижага эса тақвадорларнику* (Аллоҳдан қўрқанларнику) **бўлур»»**

[Аъроф 128]

Хижрий 15, милодий 636 йилда форсликларга қарши Қодисия жанги, айни ўша йилда римликларга қарши Ярмук жанги бўлди. Хижрий 583, милодий 1187 йилда салибчиларни мағлуб этиб, Қуддусни озод қилган қўмондон Салоҳиддин Айюбий бошчилигига Ҳиттийн жанги бўлди. Қуддус Папа Урбан IIning милодий 1095 йилда муқаддас ерларни мусулмонлардан қайтариб олишга қаратилган чақириғига жавобан салибчилар томонидан босиб олинган эди. Хижрий 658, милодий 1260 йилда Сайфиддин Қутз қўмондонлигига Айн Жолут жанги бўлди. Муборак заминдаги Наблус ва Байт-Шан шаҳарлари ўртасида бўлган бу жанг мўғуллар афсонасини парчалаб ташлади ва Ислом тарихида ҳал қилувчи бурилиш нуқтаси бўлди.

Кейинчалик бу ҳолат шунга етиб бордики, Папа Иннокентий XIning чақириғига биноан бир қатор насроний Европа давлатлари Усмоний Халифаликка қарши «Муқаддас иттифоқ уруши»ни олиб боришиди. Чунки Усмоний Халифалик Венани икки бор қамал қилганидан кейин фатҳ қила олмагани туфайли Европа давлатлари Халифалик давлатини заифлашиб қолди деб ўйлашган эди. Бу уруш 1683 йилдан 1699 йилга қадар давом этган бўлса-да, иттифоқчи Европа давлатларининг мағлубияти билан тугади. Дарҳақиқат, Франция республикасининг биринчи раҳбари Наполеон Бонапарт муборак заминдаги ўша пайтда Усмоний давлат вилоятларидан бири бўлган Акка шаҳрини қамал қилиш орқали ўзининг ҳарбий қудратини исботламоқчи бўлди. У 1799 йилда Акка қалъаси билан тўқнашиб, қўмондон Аҳмад Пошо Жаззорнинг ҳарбий стратегик режаси натижасида қалъани енгиб ўтолмади.

Шундай қилиб, очиқ кўриниб туривдикি, Исломга қарши кураш ва мусулмонларга душманлик давомий келмоқда ва бу кураш гоҳида фақат фурсатни кутиш учунгина тинчид турган. Бу курашда черков бошқаруви ва Папа раҳбарлиги билан Франция инқилоби принципларини маҳкам ушлаган, динни ҳаётдан

ажратиш ақидасыга асосланған илмөній давлат бошқаруви үртасида фарқ йүк. Франция армияси Жазоирни босиб олишидан олдин машхұр француз адеби Виктор Гюго үнга «малъүн умматни сўйинг» деб мурожаат қилғанди. Бу ибора Андалусиядаги мусулмонларга қарши инквизиция амалиётини, ү билан бирга содир бўлган шафқатсизлик ва қонхўрликларни такрорлаш учун фалсафий фикрий асос ва жирканч дунёвий назарияни шакллантирди. Унинг мусулмонларга қарши даҳшатли саҳналари турли вақт ва жойларда такрорланди. Аллоҳ Таоло айтади:

(فَدَبَّتِ الْجُغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُحِنِّي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ)

«Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир»

[Оли Имрон 118]

Кофири илмөнійлик ва бузғунчи капитализм Ғарб армиялари учун жанговар доктринани яратади. Шу боис, Ислом ва мусулмонларга қарши ҳазорий курашга кириш учун салибчилик таълимотини қайта жонлантириш керак бўлиб қолди. Европада демократия ва инсон ҳуқуқларини тарғиб қилиб, бу соҳта шиорлар билан ўз халқарини алдаб келган бу бузғунчи ҳазоратнинг мусулмонларга қарши қилған ишлари инсонийликнинг барча маъноларига зид эди. Бундай очиқ зиддиятга Франциянинг 1937 йилда «инсон» музейини барпо этишидан кўра кучлироқ исбот йўқ. Бу глобал ҳазорий шармандалик форматидаги музейдир. Франция бугунги кунга қадар унда Жазоирда боши кесилган мусулмон қўзғолончиларнинг 18 мингта бosh суюгини намойиш қилиши билан фахрланиб келади.

Айтиш мүмкинки, 1648 йилда ўтказилган Вестфалия конференцияси Исломий давлатга қарши туриш учун Насроний Ғарбий Европа давлатлари халқаро ҳамжамиятининг пайдо бўлишига, ундан халқаро қонун келиб чиқишига ва 1815 йилда халқаро ҳамжамият ишларини тартибга солиш учун Вена конференцияси ўтказилишига олиб келди. Кейин 1818 йилда Экс-ла-Шапель шартномаси тузилди. Унда йирик давлатлар Вена конференциясида эришилган натижаларга хавф соладиган ҳар қандай инқилобий ҳаракатни бостириш учун қуролли аралашувга келишиб олишди... Ўша даврдан бошлаб, Исломга

Ақсо түфөни... Ҳазоратлар кураши йўлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нуқтаси душманликни черковдан мерос қилиб олган салибчи давлатлар исломий ҳазоратга қарши қутурган ҳазорий ва эътиқодий кураш олиб бориб келади. Усмоний давлатнинг куч-қудрати пасайиб, XVIII-XIX асрлар давомида босқичма-босқич сиёсий ва ҳарбий заифлашишни бошдан кечира бошланганидан кейин, Европа сиёсатида «шарқий масала», яъни Усмоний давлатнинг ҳолати, деган нарса пайдо бўлди.

Кейин, салибчи давлатлар сўнгги ҳал қилувчи жангни муҳокама қилган ушбу экзистенциал кураш 1907 йилда Лондонда бўлиб ўтган Кемпбелл конференцияси натижалари билан якунига етди. Британия Бош вазири Генри Кемпбелл Беннерманга нисбат берилган, бир қатор Европа давлатларини жамлаган бу хавфли мустамлакачилик конференцияси икки йил давом этди. Бундан ўша пайтда унга Британия бошчилик қилган даҳшатли шайтоний режа келиб чиқди. У Шимолий Африка ва Шарқий Ўрта Ер Денгизи минтақасига ғарб ҳазоратининг (оқ одам ҳазоратининг) эҳтимолли меросхўри деб қарайди. Чунки бу минтақадаги мусулмонлар Европага қарши бирлашиб, унинг манфаатларига хавф туғдириш қобилиятига эга бўлган ягона ҳазорий гуруҳни ташкил этадилар. Шунинг учун бу режа мусулмон юртларини шарқдаги Осиё қисмини ғарбдаги Африка қисмидан ажратиб турувчи бегона жисмни ўрнатишни талаб қилди. Шунингдек, минтақа халқларига душман ва насроний Европа давлатларига дўст бўлган буфер давлатни барпо этиш зарурлигига чақирди.

Шундай қилиб, нефть топилиб, уни ва Исломий юртларни назорат қилиш учун пойдевор қўйилиши билан бу жирканч режа амалга оширилди. Исломий юртлар 1916 йилдаги Сайкс-Пико келишуви, 1917 йилдаги Бальфур декларацияси ва 1919 йилдаги Версаль шартномаси орқали бўлиб, парчаланди. Ўз навбатида Версаль шартномаси бугунги ҳокимлар «халқаро қонунийлик» ва «халқаро ҳуқуқ» номлари билан атаб келаётган қонунлар орқали дунё устидан ғарб ҳукмронлигини ўрнатиш қоидаларига асос солди. Бу ҳокимлар янги мустамлакачиликка «мандат» номини беришди.

Кейин, 1920 йилда Сан-Ремо конференцияси бўлиб ўтди. Унда Британия ва Франциянинг таъсир доиралари белгиланди. Конференция хulosасига кўра, Бальфур декларацияси ижросига содик қолган ҳолда, Сурғия ва Ливан Франция мандати остига,

Ироқ, Фаластин ва Шарқий Иордания Британия мандати остига киритилди.

Франция құмандони Гуро Салоҳиддиннинг қабри устида тұхтаб: «Мана биз қайтиб келдик эй Салоҳиддин», деди. Бу билан у янги салиб уруши бўлган биринчи жаҳон урушида ғалаба қозонишганига ишора қилди. Шундан сўнг Британия армияси Қуддус шаҳрини қуршовга олиб, Усмонийлардан устун келишга эришди. Бу билан яҳудийларнинг Фаластин ерларини босиб олишига замин яратилди. Шунинг учун Британия генерали Эдмонд Алленби 1920 йилда Халил дарвозасидан пиёда юриб кириб борар экан, «Мана энди салиб юришлари тугади», деган сўзларнинг акс садоси мусулмонлар онгига сақланиб қолди.

Кейин тарихий дақиқа келди ва «касал одам»нинг ортидан ҳалокатли зарба берилди. Чунки ичкарида Усмоний Халифалик пойдевори силкиниб, ташқарида таъсир доираси кучсизланиб қолганидан кейин ушбу ҳазорий кураш сиёсий жиҳатдан 1924 йилда унинг құлатилишида ўз ифодасини топди. Уммат Ғарб томонидан фикрий, маданий, сиёсий ва ҳарбий даражаларда қилинган кетма-кет ҳужумлар қарисида ҳимоя қилувчи қалқонидан маҳрум бўлиб, душманлари қарисида бели очилган ҳолда қолди. Шундай қилиб, Ғарб ўз мақсадига эришди ва Умматни ҳазорий мағлубиятга учратди. Чунки у ушбу буюк мабда ва қадимий ҳазорат ҳомийси бўлган Исломий давлатга барҳам берди. Кураш шу нұқтада тұхтамади, балки мусулмонлар вужуди (тузилмаси) ва Ислом ҳокимияти мавжуд бўлмаган ҳолда давом этди. Ҳа, салибчи Ғарб Кемпбелл конференцияси қарорларини ижро қилишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Фаластинни бўлиш қарорини қабул қилиб, 1948 йил 14 майда (Исройл) давлати эълон қилингунига қадар давом эттириди.

У ерда Накба (фалокат) юз берди. Уммат ва унинг динига адсоватдан келиб чиқиб Исройл ва Меъроҳ заминида яҳудий вужудини ўрнатиш жинояти содир этилди. Бу вужуднинг босқичма-босқич минтақага интеграциялашуви учун мухит тайёрланди. Яҳудий вужуди Уммат ва армиялари ҳужумидан уни ҳимоя қиласиган, жиҳодга тўсқинлик қиласиган функционал режимлар томонидан навбатма-навбат қўриқланди. Қолаверса, бу режимлар Умматнинг асосий

Ақсо түфөни... Ҳазоратлар кураши йўлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нуқтаси масалаларини, энг аввало муборак Фаластин замини масаласини қўллаб-қувватлаш сари ҳаракатга келишига йўл қўйишмади.

Тарихни яхши ўрганганларга маълумки, Фаластин масаласи асрлар давомида тарихий ҳазорий жанг рамзи ва ҳазорий кураш таянчи бўлиб келган. Бу гибрид вужудни ўрнатиш учун Фаластиннинг танланиши шунчаки эмас, аксинча, Исломга қарши ҳазорий кураш етакчилари ва инсоният шайтонлари томонидан пухта ўрганилган ишдир. Шунинг учун бу масала Қуддус Фатҳ қилиниб, Умария шартномаси тузилганидан бери Уммат учун синов мавзуси бўлиб қолмоқда. Қачон Уммат заифлашса, бу масала ундан тортиб олинади. Агар у сафларини бирлаштирса, динини маҳкам тутса ва душманларига қарши Аллоҳдан қувват изласа бу масала унга қайтади. Мана бугун кўряпмизки, бу масала Умматнинг энг катта душманлари, яъни Америка ва унинг асрандиси яҳудий вужуди билан бўлган ҳазорий ва экзистенциал кураш марказини қайта эгаллаш учун биринчи ўринга қайта чиқди. Американинг ҳазорий гегемонлиги лойиҳасига қарши туриш мумкинми?

Америка ва Исломга қарши ҳазорий кураш йўналиши

Америка ушбу халқаро «Вестфалия» ҳамжамиятини ва ушбу халқаро назоратни тайёр ҳолда топди. Уни сақлаб қолишга ва ҳатто унинг нусхасини ишлаб чиқишига қаттиқ ҳаракат қилди. Дунёда ҳазорий кураш байроғини кўтариш учун ўзининг ҳарбий устунлигидан ва икkinчи жаҳон урушидан кейин энг кам иқтисодий заарар кўрган давлат бўлганидан фойдаланди.

Америка уруш ва инқирозларни келтириб чиқариб сиёсий масалаларда бутун дунё ишларига аралашиш учун Миллатлар лигаси вайроналари устига Хавфсизлик Кенгаши бошчилигидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотини тузиш орқали халқаро тузилма биносини барпо қилди. Халқаро Валюта Фонди иқтисодий ва валюта масалаларида катта рол ўйнади. Буларнинг барчаси билан у дунёни сиёсий ҳарбий, иқтисодий ва ҳазорий жиҳатдан назорат қилишни кафолатладиган барча ипларни қўлга кирилди. У дунёда биринчи давлат мақомини эгаллаганидан бери, илгари Исломий давлат тенгсиз давлат бўлганидек, у ҳам глобал сиёsatни ёлғиз ўзи шакллантирадиган тенгсиз давлат бўлишга ҳаракат қилди. Ҳатто 1990 йилда Совет Иттифоқи

Ақсо тұғони... Ҳазоратлар кураши йүлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нүктаси бошчилигидаги коммунистик мабданинг мағлубиятга учраши, шунингдек, дунёда сон ва техника томонидан әнг катта армиялардан бирига, бундан ташқари, катта ядрөвий арсеналға әга бўлишига қарамай, унинг шов-шувли қулаши билан у тенгсиз давлат бўлишга эришди. Бироқ, унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалар мажмуасида гавдаланган фалсафа ва ҳазорати халқларга етакчилик қилишда муваффақиятга эришмади. Бу эса қулашга олиб борувчи асосий омилдир. Чунки узоқ умр кўрган давлат ва ҳазоратлар халқларни уларнинг ишларини ғамхўрлик билан бошқаришга ярамайдиган бузук ғояларни қабул қилишга мажбурлайдиган ҳарбий кучга эмас, балки инсонни қаноатлантириб, уни фикран бошқарадиган ғоялар асосига қурилади ва мустаҳкамланади.

Ҳазоратлар уруши контекстида кузатилган нарса шуки, ҳатто Совет Иттифоқи мавжуд бўлган ва мусулмонлар давлати йўқ бўлган пайтда ҳам, Америка бошчилигидаги Ғарб ўз сиёсатини Ислом ва мусулмонларга қарши ҳамон давом этаётган салиб урушлари асосига қурди. Бу эса Американи Ғарб дунёси ва яҳудий вужуди билан бирга туришга мажбур қиласди.

Американинг мусулмон юртлар билан муносабатида юрган йўлини кузатиш натижасида мана шулар кўринмоқда. Бу АҚШ давлат департаментининг режалаштириш бўлими бошлиғи, давлат котиби ёрдамчиси ва 1967 йилгача президент Жонсоннинг Яқин Шарқ масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлган Юджин Ростоу берган баёнотнинг айни ўзидир. У шундай деган эди: «Шуни англаб етишимиз керакки, биз билан араб халқлари ўртасидаги келишмовчиликлар давлатлар ёки халқлар келишмовчиликлари эмас, балки Ислом ҳазорати билан насроний ҳазорат ўртасидаги келишмовчиликдир. Дарҳақиқат, насронийлик билан Ислом ўртасида ўрта асрлардан бери кескин кураш бўлиб келган ва бу кураш ҳозиргача турли кўринишларда давом этмоқда. Бундан бир ярим аср олдин Ислом Ғарб назоратига ўтди ва Ислом мероси насроний меросига бўйсундирилди. Тарихий ҳолатлар шуни тасдиқлайдики, Америка Ғарб дунёсининг, унинг фалсафаси, ақидаси ва низомининг ажralmas бир қисмидир. Бу уни Шарқий Ислом дунёсига, унинг Ислом дунёсида гавдаланган фалсафаси ва ақидасига душманларча муносабатда бўлишга мажбур қилди. Америка бундай

Ақсо түфөни... Ҳазоратлар кураши йўлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нуқтаси позицияни фақат Исломга душман сафда турсагина ҳамда Ғарб дунёси ва сионистик давлат билан бирга бўлсагина эгаллаши мумкин. Чунки, агар у бунинг аксини қилса, ўзининг тили, фалсафаси, маданияти ва муассасаларидан тонган бўлади».

Ростоу Яқин Шарқдаги мустамлакачиликдан мақсад Ислом ҳазоратини йўқ қилиш эканини, яхудий вужудини барпо қилиш шу режанинг бир қисми эканини, бу салиб урушларини давом эттиришдан бошқа нарса эмаслигини шу даражада аниқлик билан таъкидлайди. Шунинг учун Америка ўша пайтдан бери Яқин Шарқ ва Фаластин масаласи билан шуғулланишда давом этиб келади. У икки давлат ечими ҳақидаги қарашини ҳаммага ўтказишга ҳаракат қиласи әкан, Ислом юртлари билан бўлган сиёсатида бу икки масалани устувор масала қилиб белгилади.

Франция ташқи ишлар вазирлиги расмийси 1952 йилдаёқ коммунизмни Исломга солиширганда Европа учун хатарли эмас деб ҳисоблаган эди. Унга кўра, Ислом Ғарб ҳазорати пойдеворларини йўқ қилишга ва унинг миссиясини тарих музейларига қўйишга қодирлиги билан Ғарб ҳазоратига бевосита таҳдид ҳисобланади. Америкалик сиёсатчи ва муфаккирлар эса Совет Иттифоқи қулаши билан Исломни ўзларининг биринчи асосий ҳазорий душмани қилиб олишди.

1990 йил бошида журналист Девид Хауэлл «Вашингтон Таймс» ва «Жапан Таймс» газеталари нашр қилган «Тарих йўналишидаги силжиш» номли мақоласида коммунизм мағлубиятга учраганидан кейин, ҳозирги душман Ислом ва унинг ҳазорати эканлигини таъкидлади. Яхудий вужудининг собиқ бош вазири Шимон Перес: «Фундаментализм коммунизм қулаганидан кейинги даврда энг катта хавфга айланди», деган эди. (Арабий журнали, 514 сон, 2001 йил).

Шу боис ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб Американинг якка ҳокимлик босқичи дунёни бўлиш ва террорга қарши уруш ниқоби остида уни Ислом юртларига қарши сафарбар қилиши билан алоҳида ажralиб туради. Чунки Америка ўз компасини Ислом ва мусулмонларга қарши уруш эълон қилишга қаратди. Кейин терроризм глобаллаштирилганидан ва ҳамма унга қарши урушга сафарбар қилинганидан сўнг кичик Бушнинг «Ким биз билан бирга бўлмаса, у бизга қаршидир» деган сўзи билан Исломга қарши ҳазорий кураш доктринаси белгиланди. Бу 2001

Терроризмнинг яратувчиси бўлмиш Америка бошчилигида эҳтиёт чораси сифатида эълон қилинган бу урушдан мақсад Исломий Халифалик барпо бўлишининг олдини олишдир. Чунки Исломий Халифалик салибчи ғарбни мағлуб этишга ва уни дунё олдида ҳақиқий даражасига қайтаришга қодир исломий ҳазорат тонгини қайтаради. Америка сиёсати доҳийиси Генри Киссинжер 2004 йил 6 ноябрда Ҳиндистонда бўлиб ўтган «Хиндустан Таймс» конференциясида сўзлаган нутқида бунга ишора қилиб шундай деган: **«11 сентябрда кўрганимиз каби таҳдидлар терроризмдан келмайди.** Аммо таҳдид экстремистик ва фундаменталистик Исломдан келади. Чунки экстремистик Ислом Исломий Халифалик масаласида фундаменталистлар қарашига зид бўлган мўътадил Исломни бузишга ҳаракат қиласди. Асосий душман Исломда фаол бўлган фундаменталист қатламдир. У бир вақтнинг ўзида мўътадил исломий жамиятларни ҳамда ўзи уларни Халифалик барпо бўлиши олдидаги тўсиқ деб ҳисоблаган бошқа барча жамиятларни ўзгартиришни истайди». (Ньюсвик журналининг 2004 йил ноябр ойидаги 8-сони).

Бу дунёning биринчи давлати томонидан Умматнинг уйғониши ва фаоллашишига, шунингдек, ўзини ва лойиҳасини англаб етаётганига қаратилган жиддий сиёсий эътибордир. Бу эса Америка кўпроқ ҳарбий базаларни жойлаштириш орқали тарқататётган демократик қадриятлар ва инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш даъвоси билан Ислом юртларини катта қисмига қарши оммавий ахборот воситалари ва ҳарбий кучларни сафарбар қилишига олиб келди. Бу, шубҳасиз, келажакда унга акс таъсир қиласди. Лекин айни пайтда у ғоялар жангидага мағлубиятга учраб, фикрий кураш майдонидан эрта чекинган Ғарбнинг психолого-мағлубияти кўламини ва ҳазорий банкротлиги даражасини акс эттиromoқда. У Исломни бузиб кўрсатиб, уни терроризм деб атаб, исломий юртларда Исломга қарши уруш эълон қилган ҳолда мусулмонларни қора курсига ўтқизишдан бошқа қарши туриш йўлини топа олмади. Мақсад – Исломнинг инсон воқелиигига мос келадиган фикрлари Ғарб юртларига етиб бориб, ғарблик инсонни қайта тиклаши, унинг онгини

Ақсо түфөни... Ҳазоратлар кураши йўлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нуқтаси

Америка бошчилигидаги капиталистик ҳамжамият илларини тўқиган алдов ва чалғитувлардан узоқда янгидан шакллантиришининг олдини олиш.

Ғарб раҳбарлари унинг аччиқ аламини ҳар куни тотаётган бу мағлубият уларни Уммати Мұхаммад  қарши адоват қиличини кўпроқ қайрашга ундади. Сэмюэл Хантингтон ўзининг шу мавзудаги машҳур тадқиқотида буни ифода этган. У шогирди Фукуяманинг «либерал демократия инсониятнинг мутлақ мағкуравий тараққиётини ва ҳар қандай инсоний ҳукуматнинг мутлақ шаклини ташкил этиш имконига эга», деган тор фикрига раддия билдириб, «**Ислом – Ғарбнинг тирик қолишини шубҳа остига қўйган ягона ҳазорат ва у буни икки марта қила олди**», дея унга Ислом тарихини ўргатиб қўяди. Сўнг тўлиқ ишонч билан ва содда қилиб, капиталистик-коммунистик курашдан кейинги босқич ҳақида бундай дейди: «**Тўғри, Ғарб ҳазоратининг қирралари бошқа ҳазоратларга ҳам йўл топди. Бироқ демократия, қонун устуворлиги ва эркин бозор қадриятлари мусулмонлар ақлиятида мантиқий кўринмаслиги мумкин. Шунинг учун бўлажак кураш бир томонда илмоний қадриятларга эга «насроний дунё» билан иккинчи томонда «Ислом дунёси» ўртасида бўлади.**» (Хантингтоннинг «Ҳазоратлар кураши ва дунё тартибини қайта тузиш» номли китобидан. У бу китобни «Форин афферс» журнали нашр қилган ҳазоратлар тўқнашуви муқаррарлиги ҳақидаги ўзининг мақоласини тўлдириб ёзган).

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқсан ҳолда, Америка бошчилигига Исломга қарши Ғарб олиб бораётган ҳазорий кураш босқичларини қўйидаги фикрлар билан қисқача баён қилиш мумкин:

1 – Ғарб Ислом юртларига нисбатан қўллаётган сиёsatларини салиб урушини давом эттириш асосига қуради ва бу курашга Ғарб номидан Америка бошчилик қиласи:

2 – Коммунизм қулаганидан кейинги ҳақиқий хавф Исломдир.

3 – Америка Ислом тўлқини қаршисида ўз ҳазоратининг таназзулга учраб, ортга чекиниши хавфини ҳис қилди ва ҳазоратлар кураши муқаррарлиги ҳақиқатини англаш етди. Шунинг учун энг яхши мудофаа воситаси сифатида ҳужумни танлади. Терроризмга қарши уруш эълон қиласи экан, дунё

Ақсо тұғони... Ҳазоратлар кураши йүлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нүктаси халқарини Ислом ва мусулмонларга қарши гижгіләди. У үзининг барча сиёсий, ҳарбий ва дипломатик саъй-харакаттарини шу йұналишда сарфлади.

4 – Мусулмон юртлар дунёдаги биринчи давлат ташқи сиёсатининг устувор йұналишига айланганидан сүнг, бу сиёсатлар Исломга қарши туришдаги фикрий ва ҳазорий абордик күламини чуқурлаشتырди. Мусулмонларнинг бирлаштирувчи вужуди бўлмасада, демократиянинг жилоси (ялтираши) сўнди, Ғарб қадриятлари тизимига глобал қизиқиш умумий тарзда пасайди ва капиталистик низомнинг инсоният мұаммоларини ҳал қилиш қобилиятига ишонч пасайди.

Ғарб ҳазорати биноси деворларининг ёрилиши

Америка бошчилигидаги Ғарбнинг ушбу барча макр-хийлалари «араб баҳори» босқичидан олдин бўлган эди. Чунки араб баҳори АҚШ маъмуриятида Ислом жинининг кўздан чиқиб кетиши яқинлигига оид туйғуни кучайтирди. Ғарб етакчилари Ислом жинининг муқаррар ва кутилаётган чиқишига йўл қўймаслик учун вақтдан ўзиб кетишга ҳаракат қилишмоқда. Улар мустамлакачилик чангалидан ва Америка бошчилигидаги халқаро тизим зулмидан ҳақиқатан халос бўлишни истаган халқ ҳаракаттарини барча услугуб ва воситаларни ишга солиб бостиришмоқда. Ислом шиорларини аниқ ва равшан тарзда кўтарган қўзғолонлар араб юртлари пойттахтларини айланиб чиқди. Бу қўзғолонлар минтақадаги мустамлакачилик лойиҳаларига зид бўлган эътиқодий исломий мантиқдан келиб чиқиб Шом юртларида Халифаликка чақирди. Бу эса Американи шошилинч чора кўришга ва Исломни мазмунидан буриш учун бир қанча юртларда мўътадил исломчиларни ҳокимииятга олиб келишга мажбур қилди. Булар билан параллел равишда Халифаликнинг ИШИД деб танилган бузиб кўрсатилган версиясидан фойдаланилди. Кейин ИШИДга қарши халқаро коалиция тузилди. Бу Американинг минтақа устидан гегемонлик қилишига замин яратди. У Сурия қўзғолонига яқун ясаш мақсадида салибчиликни ниқоб қилиб Халифаликка душманликни очиқ эълон қилган ҳолда Россияни үзининг ҳарбий ҳаракатларига шерик қилди. Бундан ташқари, мўътадил Ислом либосига бурканган Туркияни ҳам шерик қилди.

Обаманинг сочини оқартырган бу қўзғолонни АҚШ ташки сиёсати доҳийиси Киссинжер ўзининг «Дунё тартиби: халқлар табиати ва тарих йўналиши» номли китобида «Суря тұғони», деб атади. У ўз китобида араб юртларида демократияга қизиқиш пасайганидан ва унинг тарғиботчилари муваффақиятсизликка учраганидан огоҳлантириди. Бироқ Америка, унинг ички муаммолари билан машғул бўлиши тахмин қилинган бир пайтда, Умматнинг иродасини янада синдириш, Ислом асосидаги туб ўзгаришга бўлган умидни сўндириш учун Суря ва Мисрдаги золим режимларни қўллаб-қувватлашдан, Ливия ва Суданни парчалашдан, шунингдек, минтақани ҳарбий келишувлар билан ўраб олишдан бошқа чора топа олмади.

Шу даражада такаббурлик ва золимлик билан, Америка бошчилигидаги ғарб қўзғолонлардан кейинги босқичда ҳазорий захирасининг катта қисмини йўқотди. Америка кўпроқ қон тўкилишига аралашди ва Байденнинг «Ироқ ва Суря Америка учун Афғонистондан кўра кўпроқ хавф туғдиради», деган гапи билан минтақада ўз кучларининг мавжуд бўлиб туришини оқлади. Бошқа томондан, Америка иқтисодиёти корона пандемияси натижасида 2008 йилдаги ипотека инқирозидан бери энг ёмон пасайишга гувоҳ бўлди. АҚШ сиёсати Америка жамиятида ҳақиқий низоларни юзага келтирган аниқ бўлинешига гувоҳ бўлди. Буларнинг барчаси Америка томонидан қўриқланадиган ғарб ҳазорати биноси деворлари ёрилишига олиб келди. Капиталистик мабда урушлар ва инқирозларни келтириб чиқариш билан озиқланаётган бир пайтда унга ва унинг барқарор инвестициявий мұхитни таъминлаш қобилиятига бўлган ишонч сўнди. Россия-Украина уруши ва унинг глобал оқибатлари биздан узоқ эмас. Америка фитнасининг давом этиши олдида Хитой ва Тайван ўртасида нима бўлишини ким билади? Бошқа томондан, ичкаридан емирилиб бораётган ушбу ғарб биносини ёриб кирган кўплаб тешиклар бор. Бу эса ғарб халқларини бир томондан ҳукуматлари билан бўлган муносабатларини, иккинчи томондан Ислом ва мусулмонлар билан бўлган муносабатларини қайта кўриб чиқишига унадади.

Ўтган ўн йилликда ғарб пойтахтларида кузатилган халқ ҳаракатлари ҳазорий таназзул кўринишларидан бошқа нарса

Ақсо тұғони... Ҳазоратлар кураши йүлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нүктаси әмас. Ғарбнинг фикрий тахминлариға шубха қилиш Америка васиғилги мантиқини рад әтадиган, башариятни капиталистик ҳазорат шафқатсизлиги ва зулмидан құтқарадиган янги дунё тартиби пайдо бўлиши умидида халқаро тизимнинг ҳозирги нұсхасига қарши исён күтаришнинг асосий шартларидан биридир. Бу эса Уммат зиммасига улкан масъулият юкламоқда ва үндан катта тайёргарликни талаб қилмоқда. Бу Ақсо Тұғони ҳодисаларидан олдинги вазият әди. Аммо ғазога қарши уруш бошлангач, уруш бу ёриқни катталаштириб, унинг қиёфасини бундан аввал ҳеч ким кўрмаган шаклда ёрқин кўрсатиб берди. Ушбу мұхим глобал ҳодисадан сўнг, инсоният қайта оламшумул тузум барпо этиш сари ҳаракат қиласидими?

Ақсо тұғони янги оламшумул тузумнинг мұқаддимасидир:

Ақсо тұғони бошланганидан атиги икки күн үтиб, Киссинжер Аксель Шпрингер немис медиа компанияси ижроий директори Матиас Дёпфнерга берган интервьюсида: «Яқин Шарқда можаронинг кучайиши ва жамоатчилик босими остида бошқа араб давлатларининг ҳам унга тортилиши хавфи бор», деб огоҳлантирди. Америка сиёсатининг дохийси шундай құшимча қилди: «Украинада давом этәётган Россия агрессияси, Ҳамаснинг (Исройл)га ҳужуми билан бирга, халқаро тизимга асосий ҳужумдир...».

Бу ибора ғарб билан бўлган ҳазорий кураш моҳиятини баён қиласиди. Киссинжернинг фикрича, Ақсо тұғони босқинчинининг армиясини нишонга олган шунчаки қуролли ҳужум әмас. Ёки унинг Фаластин аҳлига қарши 75 йилдан бери давом этиб келаётган жиноятларига қарши реакция ҳам әмас. Балки, у яхудий вужудини яратган халқаро тизимга ҳужумдир. Бу бутун ғарб унга кириб қолган истерик ҳолатни тушунтиради. Чунки таҳдид унинг тизимига, мабдасига ва мавжудлигига таъсир қиласиди.

Ғазо уруши ғарбнинг жиноий ҳазорати ҳақиқатини очиб берди. Чунки унинг тарғиботчилари юзидан ниқоби ва косметик безаклари тушиб кетди. Инсоний қадриятлар, әркинлик ва адолат принциплари каби ғарб давлатлари бошқа халқларни қашшоқлаштириш ва уларнинг авторитар режимлари устидан ўз ҳукмини ўтказиш воситаси қилиб олган шиорлар вақт үтиши билан ғойиб бўлди. Бу қонли жанг давомида «Ноль масофа» операциялари ҳамда кенглиги

Ақсо тұғони... Ҳазоратлар кураши йўлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нүқтаси осмонлару ерча бўлган жаннат учун мусобақа қилаётган Ғазо муроҳидларининг афсонавий сабитқадамлиги олдида кўплаб ҳарбий назариялар қулади, қуролли тўқнашувларнинг барча қоидалари йўқ бўлди, мутлақ ҳарбий устунлик тенгламалари барбод бўлди.

Шунинг учун айтиш мумкинки, технологик тараққиётга ҳамда Американинг қўллаб-қувватлашига ишонган сионист душманга тўқнаш келган Роббисига ишонган мусулмон муроҳид тимсоли ҳазорий кураш моҳиятини ихчам қилиб кўрсатиб беради. Бу курашда мусулмон муроҳид ўз қўли билан ясаган қуроли билан «ноль масофа»дан қилинган ҳужумларни қайташибга – худди уларнинг ақллари самимий муроҳидлар қалбидаги исломий ақиданинг таъсирини англаб етишга ожизлик қилганидек – ожизлик қилган танклар билан ҳимояланган душман устидан ғолиб келади.

Шундай қилиб, Ақсо тұғони, ажойиб номланган катта воқеа бўлишидан ташқари, кучсиз ваҳимачиларнинг шубҳа солишига қарамай, Росулулоҳ нинг жиҳодларидан кучли оқар дарё каби отилиб чиқиб, шаҳарларни фатҳ қилган ва халқларни ҳидоятга бошлаган ўша буюк Ислом оқимининг кичрайтирилган ёрқин тасвири бўлди. У Исломий онгни қайта шакллантириди, Умматнинг ўз динига бўлган ишончини янгилади, шунингдек, уни ўз улуғлигини қайташибга, ўз вўжудини қайта барпо этиш орқали ўзини ва тақдирий масалаларини ҳимоя қилишга унади. Натижада Уммат бор кучи билан шу йўналишда ҳаракатга келди. Ақсо тұғони Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш тушунчасини жонлантириди. Уммат душманларига қарши туриш ва уларнинг шавкатини синдириш учун бирлашиш зарурлиги ҳақида кўп сўз юритиладиган бўлди. Охирзамон жанглари ва Халифалик ҳақида гапириш – ёқимли, орзу қилинган нарсага айланди ва мусулмонлар ўз халифасига байъат бериш учун ҳаракат қиладиган бўлди.

Бошқа томондан, бутун дунё 2023 йил 7 октябрдан бери шундай бир кунлик реалликлар ва руҳий изтироблар тұғонида яшамоқдаки, бу ғарблик халқлар ва улар орасидаги академик элитада сионистлар жиноятларини қўллаб-қувватлаётган ўzlарининг омадсиз ҳазоратлари ҳақида ўзгача тасаввур пайдо қилмоқда. Энди улар айни ҳазоратга мансубликларидан орлик ва шармандаликтини ҳис қилишмоқда, уруш давом этгани сари

Ақсо тұғони... Ҳазоратлар кураши йүлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нүктаси тасаввурлари янада очық үзгармоқда. Бу, шунингдек, ularга позициялари ва баёнотлари чалкашлик ва иккиланишлар билан тұла бўлган ўз раҳбар ва етакчилари яшаётган саросима ҳолатини очиб бермоқда. Бу етакчиларни уруш жиноятчиси бўлган Нетаняху билан суратга тушганига хурсанд бўлишга мажбурлаган, Исломни ёмон кўрадиган, ёш болаларча ақлия бошқармоқда. Ғазо ҳодисалари, шунингдек, Умматнинг ҳам онгини очиб, яҳудий вужуди билан иттифоқчилик қилаётган режимларнинг башарасини янада фош этмоқда. Уни ожизликтан чиқишига ва нафақат ғазода, балки бошқа исломий юртларда ҳам дарё бўлиб оқизилаётган қонни тўхтатадиган туб ечимни қидириб топишга унданмоқда. Айниқса, Уммат ўзининг бевосита озодликка чиқиш имконини берадиган барча куч воситаларидан маҳрум эканини кўргандан сўнг.

Демак, бугунги кунда олдимизда икки қарама-қарши йўл турибди: бир йўлда капиталистик бузук ҳазорат емирилиб, қадриятларини қурт кемиряпти, айниқса, Ақсо Тўфони ортидан ушбу ҳазоратнинг биноси таъмирлаб бўлмайдиган даражада тезлик билан дарз кетмоқда. Унинг қаршисидаги йўлда эса, Ислом ўртага чиқмоқда. Ислом – Умматни қутқаришга ҳамда уни сионистик-салибчилик мустамлака ботқоғидан ва унинг жанговар машинаси жиноятларидан халос этишга қодир сиёсий ғоядир. Айниқса, исломий лойиҳани рўёбга чиқариш ва фаоллаштиришнинг асосий тамал тоши бўлган армияларимиз ўз зиммаларидаги ролни бажаришса. Ақсо тўфони келиб, ушбу тасаввурни ақлларга очық суратда яқинлаштириб қўйди. Шу билан бирга, Ислом дунё миқёсида сиёсий, руҳий ақида ва бутун инсониятни бошқаришга қодир мафкура сифатида намоён бўлди. Ақсо Тўфони бизнинг иймонимизни янгилаш ва бошқаларнинг Исломни қабул қилишларига сабаб бўлди.

Ҳазоратлар ўртасидаги курашнинг ҳал бўлиш вақти келди. Ғарбнинг емирилиши ва қулаши муқаррар бўлган тарихий вақт яқинлашди. Унинг қолганини Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик давлатининг барпо бўлиши тезлаштиради. Чунки Ғарб ғазо аҳли ва мужоҳидларининг сабот-қатъиятда қаҳрамонлик кўрсатишлари олдида яҳудий вужудининг ёлғон ғалабасини тасвиrlашга эришолмагани ортидан, Халифаликнинг барпо бўлганлиги

Ақсо тұғони... Ҳазоратлар кураши йўлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нүктаси тұғрисидаги хабар бутун капиталистик ғарбни ларзага соладиган ҳодиса бўлишига ишонилмоқда.

Ушбу сабот-қатъият фақат битта маънони англатади. У ҳам бўлса, яхудийлар ҳам, улкан куч-қудратлари билан уларнинг орқасида турганлар ҳам бу урушда ғолиб кела олмайди, ўз навбатида, ғазонинг ушбу қатъияти олдида бутун ғарбнинг бели синади, ҳатто яхудий вужудини қўллаб-қувватлаган ҳар қандай куч қақшатқич мағлубиятга учрайди, деган маънодир. Бу нарса мусулмонларга нафақат яхудий вужудига, балки бутун ғарбга қарши курашишга журъат бермоқда. Бу эса глобал тизим учун ҳақиқий таҳдиддир. Шунинг учун кўплаб муфаккирлар бўгунги кунда кўраётган даҳшат олдида бир асрдан бери ораларида кенг тарқалган таклифни кўриб чиқиш кераклиги тұғрисида кўп гапиришмоқда. Бу Немис муфаккири Освальд Шпенглер 1918 йил нашрдан чиқсан ўзининг «Ғарбнинг қулаши» номли китобида ўйлаб топган таклифdir.

Ҳатто айримлар ўзича Армагеддон жангига яқинлашиб келаётгани ҳақида гапирадиган ва ғазо уруши давом этишининг хавфидан огоҳликка чақирадиган бўлди. Жумладан, Эхуд Ольмерт шу ҳақда гапириб, Бинямин Нетаняху ҳукумати Армагеддон жангининг бўлишига ишонади, зеро, бу оламнинг тугашига олиб борадиган жангdir, деди. Бу жангни америкалик истеъфодаги полковник Дуглас МакГрегор ҳам тилга олиб, Нетаняхунинг ғазони забт этишдаги саркашлигига берган ўз изоҳида «менимча, биз Армагеддон сари кетмоқдамиз», деди. Британиянинг «Телеграф» газетаси ўзининг бош мухбири Роберт Мендикнинг яхудий аскарлари бошдан кечираётган руҳий кризис ҳолатига изоҳ бериш учун ёзган мақоласида Армагеддон ҳақида сўз юритди. Ғарбнинг Халифалик ва унинг барпо бўлишидан огоҳлантирувчи баёнотларини санаб тугатиб бўлмайди. Буларнинг барчаси ғарб давлатларининг Британия етакчилигига Халифаликка даъват қилаётгандарга нисбатан муносабатларида, Британиянинг Ақсо Тұғони ҳодисаси ортидан тезда Ҳизб ут-Тахрирни тақиқлаганлигига ўз ифодасини топмоқда.

Исломий Халифалик ўнлаб йиллар, ҳатто асрлар давомида олиб борилган тил бириктирув ва қирғинбарот урушлар, маккорона ўюштирилган инқилоблар ва ўша пайтдаги йирик халқаро кучларнинг бевосита ва билвосита аралашувлари

Ақсо тұғони... Ҳазоратлар кураши йүлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нұқтаси ортидангина йиқилди. Аммо глобал капиталистик түзүм бүгүн шунча йирик армиялари, қирғинбарот қурол-аслахалари, улкан коалициялари, күчли ва ривожланган хавфсизлик хизматлари билан ҳам бизнинг күз ўнгимизда құлаш ёқасига келиб қолди. У ўзининг моддий ва рамзий құдратининг энг юқори чүккисида, ҳарбий үстүнлиги ва инсоний зўравонлигининг авжидә фикрий, ахлоқий ва қадрият жиҳатидан құламоқда. Бу, ўз навбатида, ушбу глобал капиталистик түзүмнинг нафақат замон ва тарихнинг торлиги олдида, балки мусулмонлардаги сиёсий имкониятлар ва ақидавий қатъиятлари қаршиисида кураша олиши ва сабит тұра олиши ҳақида күплаб саволларни келтириб чиқармоқда. Аллоҳ Таоло деди:

(قَدْ مَكَرَ الظَّالِمُونَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَأَتَى اللَّهُ بُنْيَاهُمْ مِنَ الْقَوَاعِدِ فَخَرَّ عَلَيْهِمُ الْسَّقْفُ مِنْ فَوْهِمْ
وَأَتَاهُمُ الْعَذَابُ مِنْ حَيْثُ لَا يَشْعُرُونَ)

«Улардан аввалги (коғири) кимсалар ҳам (үз пайғамбарларига мана шунга үхшаш) макр-ҳийлалар қилишган әди. Шунда Аллоҳ улар (қурған макр-ҳийла) биноларини тағ-туғи билан емириб ташлади. Бас, улар (түқиб олған ёлғон бино-түзүмлари)нинг томи ўзларининг устига қулади ва уларга ўзлари сезмаган-кутмаган тарафдан азоб-ҳалокат келди»

[Наҳл 26]

Ха, Исломий Халифалик күч билан мажбуран құлатилди, аммо капиталистик түзүм ўз-ўзидан құламоқда. Сабаби оддий – унинг фанога юз тутиб, йўқ бўлиб кетиш омиллари ўзининг тузилиш таркибида мавжуд. Аммо унинг Ислом ва мусулмонлар билан тўқнашиши ҳамда бу буюк мабда билан ҳазорий кураши унинг қулашини тезлаштиради, инша Аллоҳ. Бу билан ушбу түзүмнинг ўрнига янги түзүм келмоқда ва ушбу оламшумул түзүм дунё структурасини ва сиёсий анъаналарни сарвари оламнинг минҳожи асосида қайта тузажакдир. Буни сарвари олам нинг

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَا جَ الْتُّبُوَةَ»

«... Кейин Пайғамбарлик минҳожи асосида Халифалик бўлади», деган сўзлари тасдиқламоқда. Аллоҳ Таоло айтади:

(بَلْ تَقْدِفُ بِالْحُقْقِ عَلَى الْبَطْلِ فَيَدْمَعُهُ وَفَإِذَا هُوَ زَاهِقٌ وَلَكُمُ الْوَيْلُ مَمَّا تَصِفُونَ)

Ақсо тұғони... Ҳазоратлар кураши йўлидаги фавқулодда тарихий бурилиш нүктаси «Йўқ, биз ҳақни ботил-жаҳолатнинг устига отурмиз. Бас (ҳақ ботилни) эзиб-янчиб, албатта (ботил) йўқ бўлур. Сизлар учун эса сифатлаганларингиз сабабли ҳалокат бўлур» [Анбиё 18]

Демак, Ақсо Тұғони Ислом билан капитализм ўртасидаги ҳазорат кураши жараёнида мұхим турткы вазифасини ўтади. Ушбу тұғон ўзининг мафкуравий ўлчови ҳамда вақт ва жой рамзи билан ҳазоратлар тўқнашуви жараёнида тарихий бурилиш нүктаси бўлиб қолади. У, шунингдек, ўзгартериш қонунларидан бири ҳамда бошланган оғир тўлғоқнинг ҳам бир қисми бўлиб, унинг ҳодисалари рошид бошқарувга раббоний тайёргарлик ва Уммат тарихида янги саҳифа сифатида келиб, Аллоҳнинг изни ила, келаётган давлатнинг эр кишилари ушбу капиталистик ҳазоратни тарих ахлатхонасига улоқтириб ташлашдек мұхим вазифани ўз зиммаларига олажаклар. Бунга қадар эса, улар дунёда геосиёсий жиҳатдан энг хавфли бўлган ва манфаатларни белгилаш ва стратегиялар ишлаб чиқиш даражасида мұхим бўлган минтақани қайта ўз назоратларига оладилар. Бу ҳақда Бжезинский ўзининг «Стратегик дунёқараш: АҚШ ва глобал ҳокимият кризиси» номли китобида сўз юритиб, оламшумул сиёсий үйғониш кучайиб бораётганидан огоҳлантирган ҳамда бу үйғонишни унинг тили билан айтилган «исломий экстремизм» озуқалантираётганини таъкидлаган.

Шунинг учун ҳозирда ғазо ва минтақага қарши бўлаётган бу уруш шундай бир қулай фурсатки, ундан шахдам қўзғалиб, яхудий вужудини йўқ қилиш ҳамда Америка гегемонлиги ва такаббурлигига чек қўйишда фойдаланиб қолмоқ даркор. Бу билан яхудий вужудини ларзага келтирган ушбу Ақсо Тұғони Уммат тұғонига айланиб, куфрни пуфлаб ташлайди, бутун глобал ғарб тузумини йиқитади, яхудий вужудини илдизи билан қўпориб ташлайди, Ислом Умматининг куч-құдратини, нусрат-ғалабаларини ва улуғлигини қайта тиклайди. Бу эса, яхудийлар билан муносабатларни нормаллаштираётгандар ва Исломни нусратсиз ташлаб қўйғанлар етиша олмайдиган буюк шарафдир. Аллоҳ Таоло айтади:

(وَتُرِيدُ أَن تُؤْمِنَ عَلَى الَّذِينَ أَسْتُعْضِفُوْ فِي الْأَرْضِ وَنَجْعَلُهُمْ أَئِمَّةً وَنَجْعَلُهُمُ الْوَرَثِينَ)

«Биз ер юзида хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни пешво зотларга айлантиришни ва уларни ворислар қилишни истаймиз»

[Қасос 5] □

ҲАРБИЙ ДОКТРИНАДА... МУСУЛМОН АРМИЯЛАРНИНГ ҒАЗОГА ЁРДАМ КЎРСАТИШИГА НИМА ТЎҚИНЛИК ҚИЛАДИ? (1)

**Устоз Бассом Фарҳот
Тунис вилояти**

Яна яҳудий вужуди ўзининг сиёсий ҳисоб-китобини Ғазога тажовуз қилишга қаратмоқда. Буни сиёсий доирани ўзига жалб қиласидиган, унинг барча спектрларини бирлаштирадиган ҳамда яҳудий халқининг диний ва маънавий захирасини тиклайдиган шиор сифатида амалга оширмоқда. Зотан, бу халқнинг қонли хотираси ўзининг бузук эътиқоди, яъни Яшуа, Толут ва Довуднинг Кањон қабилаларига қарши – уларга тарихдан буюк бўлиб келган деб қараб амалга оширган – қирғинлари билан озиқланиб келган.

Ҳарбий операциялар номланиши (ғазаб шингиллари, фурқон уруши, қўйма қўрғошин ва Ғазо пўстлоғи) каби ҳар хил бўлиши мумкин, лекин барчаси битта нарсани англатади: бир тарафдан очилган тенгсиз, шафқатсиз қонли ҳарбий уруш сценарийси. Бу уруш дунёдаги олтинчи ҳарбий куч ва ядрорий қуролга эга давлат томонидан ҳимоясиз, кўчирилган халқقا қарши очилди. (Яқин Шарқдаги ягона демократик давлат) энг шафқатсиз қурол турлари ва геноциднинг энг даҳшатли шаклларидан фойдаланди. Бу эса, яҳудийлар шахсиятида чуқур илдиз отган нафрат, шафқатсизлик, жиноят, ичиқоралик ва бошқа шармандали сифатлар кўламини очиб берди. Кетма-кет еттинчи ойдирки, Ғазо ва унинг ҳимоясиз халқига қарши бошланган очиқ қирғин дов-дараҳтлар, одамлар ва ҳайвонларни омон қолдирмайдиган жирканчли садизм билан давом этмоқда. Ушбу сатрлар ёзилгунига қадар шаҳидлар 40 мингга, яралангандар 80 мингга етди. Уларнинг аксарияти чақалоқлар, болалар, аёллар ва қариялардир. Шунингдек, инфратузилма бутунлай вайрон бўлди. Муаммо шундаки, Ғазо аҳлини ҳаёт учун зарур бўлган барча воситалардан маҳрум қилиш жонли равишда, эркин дунёнинг кўз ўнгидаги ва унинг қўллаб-қувватлаши ҳамда шарманда араб режимларининг тил бириктируви ва маъқуллаши билан юз бермоқда. Бу режимлар Ғазога ёрдам беришдан бош тортибгина қолишимади, балки яҳудий вужудини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уни ҳаётий эҳтиёжлар (озиқ-овқат ва ёқилғи) билан таъминлашдан ҳам уялишмади. Тўғрисини айтганда, ўрмондаги

Йиртқичлар ҳам ўз ўлжасига қарата қилмайдиган бундай хатти-ҳаракатдан ажабланмаса ҳам бўлади. Булар қайта-қайта қирғинлар қилган Бану Исроил жиноятлари денгизидан бир томчи холос. Улар содир этган қирғинлар то Таврот лойиҳасига (буюк Исроил лойиҳасига) – унинг энг муҳим ва энг жирканч бўғинида – улангунига қадар, уларнинг қирғин қилиш маҳорати ошиб бориша давом этди. Бу бўғин кўчириш бўлиб, у (буюк Исроил)нинг марказий нуқтасида, яъни муборак Фаластин заминида этник тозалашни амалга оширишни англатади. Аммо, ёмонлик бор жойда яхшилик ҳам бўлади. Бу шафқатсиз босқин натижасидаги яхшиликлардан бири шундаки, Ислом Уммати билан армиялар ўртасида ўнлаб йиллар давомида бўлиб келган бегоналашув, ишончсизлик ва чуқур душманликдан сўнг, Уммат армияларга бўлган ишончини тиклаб, уларга мурожаат қила бошлади. Мусулмон юртларидағи ҳарбий муассаса бу ишончга лойиқми ва бунга тайёрми? Агар шундай бўлмаса, қандай қилиб уни мустамлака чангалидан қутқариб, Уммат бағрига қайтариш ва унинг масалаларини ҳимоя қилишга сафарбар қилиш мумкин?

Умматни куч-қудратидан ажратиб қўйиш

1 – Тушкунлик ва умидсизликка тушириш:

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб Умматни тушкунликка тушириш ва умидини узишга бўлган чақириқ (хоҳ расмий, хоҳ партиялар ва халқ томонидан қилинган чақириқ бўлсин) Уммат армияларини заиф қилиб кўрсатиш, обрўсизлантириш, жанговар қобилияtlарини, ҳатто уларнинг масъулиятини шубҳа остига қўйишда давом этди. Армиялар, ё ундан ёрдам сўраш ҳаром бўлган кофир золим ёки халқларни бостириш ва малай ҳокимларни ҳимоя қилиш қуроли, шунинг учун улардан яхшиликка умид йўқ, уларни йўқ қилиш орқалигина озодликка эришилади, деб тасвирланди. Шуниси эътиборга лойиқки, бу заҳарли даъво ижтимоий норма ва сиёсий қонунларга зиддир. Озодлик ҳаракати уни қўллайдиган, ҳимоя қиладиган, унга тўсқинлик қилган моддий тўсиқларни олиб ташлайдиган ҳарбий куч томонидан қўллаб-қувватлансагина мустамлака қуллигидан озод бўлиш амалда рўёбга чиқади. Онг ва истакнинг ўзи – куч эгаларидан айри ҳолда – умид қилинган ўзгаришларни амалга ошириш учун етарли эмас. Ҳарбий тузилмаларни айни шу турдаги ҳарбий тузилмаларгина амалда бартараф эта олади. Бу,

шунингдек, ўша армиялар воқеалигига зиддир. Чунки бу армиялар Ислом Умматининг ажралмас қисми бўлиб, улар унинг энг сара қаҳрамонларидан тузилган. Улар Уммат билан унинг ташвиш ва ғалабаларини баҳам кўрадилар, у каби муқаддас нарсалар учун жонсараклик қиласдилар, озодликка ва Аллоҳнинг сўзини олий қилишга ошиқадилар.

Тўғри, мусулмон юртлардаги ҳарбий муассаса динга ниҳоятда душман. У – сиёсий, психологияк ва эътиқодий жиҳатдан – талабун-нусрага ҳам, мусулмонларга ёрдам кўрсатишига ҳам тайёр эмас. Чунки у халқларни бостириш, Аллоҳ ва Унинг Росулига уруш қилиш, шунингдек, мустамлака манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг лойиҳаларини амалга ошириш ва малайлари тахтларини мустаҳкамлаш қуролидир. Лекин расмий ҳарбий муассаса билан Ислом Умматининг бир қисми бўлган ҳарбий кишилар ўртасини фарқлаб олиш лозим. Расмий ҳарбий муассасани мустамлакачилар ташкил қилган ва машғулотдан ўтказиб қуроллантирган. Шунинг учун расмий ҳарбий муассаса мустамлакачиларга содикдир. Ислом Умматининг бир қисми бўлган ҳарбий кишилар эса, уларнинг ақидаси ва дин учун қайғуриши Уммат билан бир хил бўлиб, у каби капитализм оловида қовуриладилар. Шунинг учун улардаги мавжуд Исломий ақидага мурожаат қилиш, мавжуд бўзук вазиятга нисбатан уларда норозилик үйғотиш ва уларни исломий лойиҳага мойил қилиш мумкин.

2 – Мустамлакачилик манёври: шунинг учун мустамлакачи кофир ҳарбий муассасани Уммат ҳаракатидан буришга, шунингдек, халқларни бўйсундириш, жиловлаш ва халқ билан исломий ҳаётни қайта бошлаш ўртасини тўсишда ундан фойдаланишга ҳаракат қилди. Бунинг Умматни куч-қудрати ва армияларидан ажратиб қўйишга ҳамда унинг қарамлигини абадийлаштириш ва ундаги озодликка интилиш руҳини сўндириш учун Умматни қувват манбаидан ажратиб турадиган «психосиёсий» тўсиқни қуришга қаратилган ифлос мустамлакачилик манёври эканлиги аниқ эди. Ғалати жойи шу бўлдики, бу манёвр кутилган натижани берди. Бунга ғазо воқеалари мисол бўла олади. Зеро, яхудийларнинг шафқатсизлиги душманлар режимлари ва халқлари орасида инсонпарварлик туйғуларини үйғотиб, Европа шаҳарларини ҳаракатга келтирганига қарамай, ҳатто сионизмнинг энг

қудратли қалъалари, Америка ва Европа сиёсий элитасининг энг йирик университетларида анъанавий равишда яхудийларга содик бўлган ғарб раъйи омининг тўсиқларини бузиб ташлаганига қарамай, бу ғор тубидаги фарёд бўлиб қолаверди. Бу фарёд мусулмонлар армиялари орасида эшитувчи қулоқ топа олмади. Чунки бу армиялар ўз халқларини бостириш ҳамда ғазоликларни қамал қилиш ва қийноққа солишда яхудий вужуди билан ҳамкорлик қилиш билан машғул эди. Ушбу ҳайратланарли ва ақл бовар қилмайдиган маълумотлар бизнинг эътиқодий тушунчаларимизни силкитади ва бизда кескин саволларни туғдиради: Мусулмон армияларнинг ғазодаги биродарларимизга ёрдам кўрсатишига нима тўқсинглик қилмоқда? Ислом ақидаси уларни бирлаштирмайдими? Уларни ҳатто этник, қабилачилик ва ватанпарварлик ришталари ҳам бирлаштирмайдими? Фарзандини йўқотган аёллар ва бевалар фарёди, зўрланган аёллар ноласи, болалар ва гўдаклар чирқираши уларда мардлик ва жасоратни қўзғамайдими? Қон, сочилган таналар, куйган ва чириган жасадлар кўринишлари ҳатто уларда инсоний туйғуларни ҳам ўйғотмайдими? Америкалик насроний аскар яхудийларнинг шафқатсизликларига норозилик сифатида ўзини ёқиб, ўз жонига қасд қилган бир пайтда, мусулмон аскар мусулмонлар шаъни ва жонини ҳимоя қилишдан тийиладими?

Бошқарув панели

1 – Армиянинг маънавий қиёфаси: Гарчи бу саволлар мураккаб ва ғалати парадоксларга асосланган бўлса-да, уларнинг жавоби оддий, мантиқий ва ҳатто соддадир. Мустамлакачи мусулмон жангчиларнинг бошқарув панелини, яъни жанговар ҳарбий доктринасини назорат қилди. Шунинг учун улар унга бутунлай итоат қиладиган бўлиб қолишибди. Инсоннинг тафаккури, идроки, майллари, турмуш тарзи, манфаатларга қарashi ва тараққиёт даражасини белгилаб берувчи ақлия ва нафсиядан ташкил топган ҳақиқий моддий шахсияти бўлгани каби, халқлар ва армияларнинг ҳам маънавий, фаразий ва нисбий шахсияти мавжуд. Ушбу шахсият инсон шахсиятининг таркибий қисмларига эга ва у ҳам тафаккур, идрок, майллар, турмуш тарзи, манфаат ва тараққиётда улар (халқлар ва армиялар)нинг воқелиги ва сифатига худди шундай таъсир кўрсатади. Сир эмаски, маълумотларни воқеликка ва

турткilarни тушунчаларга боғлаган вақтда суюниладиган фикрий қоида шахсиятни мумтоз вужудга айлантиришда муҳим аҳамият ва самарали таъсирга эга. Ушбу қоида маънони турмуш тарзини белгилаб берадиган ва унга туртки бўладиган тушунчага, турткини ғаризаларни қондириш кайфиятини белгилаб берадиган майлга айлантиради. Қуролли кучлар воқелигига нисбатан қўлланиладиган бу (психо-сақофиий) тенглама «армиянинг ҳарбий доктринаси» деган атама билан таржима қилинади. У армия солишириша қўллайдиган фикрий асос каби бўлиб, унинг нисбий шахсиятининг табиатини ақлия ва нафсия сифатида шакллантиради. Шундай қилиб унга қўшинларнинг турли хил жанговар позицияларда фикрлаш тариқати борасидаги асосий принципларни тақдим этади. Бу эса армиянинг муваффақияти, садоқати, итоати, интизоми ва бўйсунишини кафолатлайди, лекин фақат унинг ҳарбий доктринасини белгилаб берадиган тарафга. Мана шудилемманинг манбаидир.

2 – Армиялар қалитлари: Замонавий армияларда уларни бошқаришга имкон берувчи учта қалит мавжуд. Улар: Иерархик тузилма, қатъий жазо тизими ва ҳарбий доктрина. Бу учлик бошқарув панели ўрнида бўлиб, у ҳарбий муассасани бўйсундириш, бошқариш, йўналтириш, шунингдек, давлатнинг сиёсий мақсадларини амалга ошириш, хавфсизлиги ва олий манфаатларини таъминлаш учун унга вазифа юклаш имконини беради.

Юқори мартабали ҳарбий зобитлар назорат ва етакчиликнинг сеҳрли қўлланмасини (яъни тўла садоқат, кўр-кўрона итоат, тўлиқ бўйсунишни) спекуляция қилиб олишган. Замонавий ҳарбий версияда бу спекуляция мустаҳкам маъмурий тартибга ва қаттиқўл интизомий жазо аппаратига асосланади. Ҳарбий муассасаса юқоридан пастга қараб кетадиган иерархик тузилишга эга. У шохлаган дарахтга ўхшаш тузилмавий ташкилот шаклида бўлиб, бўғинлари турли раҳбарлар ва унвонлар томонидан бошқарилади. Биз даражага тушганимиз сари база (генерал-майор, генерал-лейтенант, полковник, лейтенант... аскаргача) кенгаяди ва аксинча. Бутун муассасани ёки унинг катта қисми (дивизия, бригада ва батальонлар)ни назорат қилиш учун тегишли унвондаги зобитни нишонга олиб, оғдириш кифоя. Бу қўмондонларга қўйи даражадаги зобитларнинг қаттиқ жазо

таъсири остида бўйсуниши мажбурийдир. Бу жазо, айниқса, уруш ҳолатида, яъни итоатсизлик катта хиёнат ҳисобланадиган ҳолатда ўлимгача етиб бориши мумкин. Бу эса, армия ўзаги ва унинг асосий таркибий қисмидаги аскарларнинг исёнкор ниятларини пучга чиқаради ҳамда уларнинг бўйсунишига ва уларга вазифа юкланишига ҳисса қўшади.

3 – Асосий устун: Шубҳа йўқки, бу учликнинг энг муҳим жиҳати ҳарбий доктринадир. Чунки айнан шу ҳарбий доктрина армияларнинг принципиал, фикрий ва маданий жиҳатини шакллантиради. Қолган икки жиҳат фақат ташкилий ва маъмурий тўлдирувчидир. Армия принципи, маданияти ва доктринаси билан унинг итоаткорлиги, бўйсуниши ва мажбурияти ўртасида диалектик ўзаро боғлиқлик мавжуд. Армиянинг содиқлиги ва самарадорлигига ҳарбий доктринанинг таъсири катта, муқаррар ва автоматикдир. Мазкур жиҳатларни айнан ҳарбий доктрина тақозо этади, уларга риоя қилишни талаб қиласди ва бўйсениш даражасини белгилайди. Аскар, қандай унвонда бўлишидан қатъий назар, инсондир ва инсон бўлиб қолади. Унинг хатти-ҳаракати ҳаёт ҳақидаги тушунчалари, ўлчовлари ва қаноатларига боғлиқ. Айнан шулар уни ҳаракатга келтирадиган туйғулар турини ва унинг қандай иш тутишини белгилайди. У шу тушунча, ўлчов ва қаноатларга мувофиқ манфаатларини ва бошқалар билан бўлган муносабатларини тартибга солади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар қандай башарий гурӯҳ (империя-давлат-қабила-тўда)нинг, ривожланган ёки қолоқ бўлишидан қатъий назар, ҳарбий сиёсатини белгилашда ҳарбий доктрина асосий таянч ҳисобланади. Ҳар қандай ҳарбий ташкилот ҳарбий доктринасиз, бу доктрина қанчалик тубан ва ғаризий (талончиликка ва ўч олишга асосланган) бўлишидан қатъий назар, ҳаракат қила олмайди ва ўз мақсадига эриша олмайди.

Муҳими, рўёбга чиқарилиши кўзланган ғоя, қараш, нуқтаи назар ва мақсадга мувофиқ ҳаракат қилинишидир. Акс ҳолда, тартибсизлик ҳукм суради, ҳамжиҳатлик йўқолади, мағлубият ва муваффақиятсизлик бўлади. Демак, армия тузмоқчи бўлган ёки армиянинг садоқати, қўллаб-қувватлови ва ёрдамига эришмоқчи бўлган киши учун бутун эътиборини ҳарбий доктринага – уни тузиш ва шакллантириш биланми, ёки қабул қилиш ва марказлаштириш биланми ёки ўзгартириш ва

кўчириш биланми – қаратишдан бошқа чора йўқ. Бу умумий томони. Аммо бунинг тафсилотига келсак, у биздан қўйидаги саволларга жавоб беришимиизни тақозо этади: ҳарбий доктрина деганда нима тушунилади? Унинг даражалари ва манбалари нима? Ундаги принципиал маданий жиҳатнинг моҳияти нима? Давлатнинг сиёсий доктринасига унинг қандай алоқаси бор? Армияларни назорат қилишга ва уларнинг жанговар самарадорлигини оширишга ҳарбий доктрина қандай ҳисса қўшади? Қандай қилиб унга эришиш ва ундан фойдаланиш мумкин?

Ҳарбий доктрина

1 – Унинг таърифи: ҳар бир муҳим масалага таъриф берилганидек, ҳарбий доктринага ҳам турли таърифлар берилган. Бу таърифларда кўплаб: (техник, процессуал, стратегик, сиёсий, маънавий ва эътиқодий) жиҳатлар эътиборга олинган. Бу таърифлар ҳар хил бўлсада, улар давлатнинг сиёсий доктринаси, унинг миллий хавфсизлиги ва умумий ҳарбий сиёсати атрофида айланадиган умумий чизиқда бирлашади. Шунингдек, қўйидаги асосий саволларга жавоб беришда бирлашади: Қачон жанг қиласми? Кимга қарши жанг қиласми? Ким билан бирга жанг қиласми? Қандай жанг қиласми? Қачонгacha жанг қиласми? Аммо «Давлатнинг сиёсий доктринасини амалга ошириш учун қуролли можароларни бошқариш илми ва фани» деган таъриф ҳарбий доктринанинг энг қисқа ва энг қамровли таърифидир. Бу таъриф ҳарбий доктринани давлатнинг сиёсий доктринаси хизматчиси, ҳимоячиси, сақловчиси ва фидойисига айлантиради. Давлатнинг сиёсий доктринаси – халқ ҳазоратидан келиб чиқкан, унинг ички маънавий дунёсида чуқур илдиз отган, қалби унга боғланган таълимотлар, юксак қадриятлар ҳамда сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий ва руҳий тамойиллар мажмуасидир. Ушбу таърифга кўра, ҳарбий доктрина турли манбалардан озуқа олади. Бу манбаларнинг энг муҳимлари:

- Диний ёки идеологик ёки сиёсий етакчилар ўйлаб топган фикрий мабдаий бўлишидан қатъий назар, давлат доктринаси.
- Давлатда ҳукмрон бўлган ва халқ орасида кенг тарқалган қадриятлар, тамойиллар, урф-одат ва анъаналар.
- Давлатнинг ҳарбий тарихи, жумладан, йиллар давомида тўпланган тажриба ва тадқиқотлар натижалари.

-
- Техник, технологик ва фан соҳасидаги ривожланиш, шунингдек, модернизация ва замон билан ҳамнафас бўлиш.
 - Миллий хавфсизликнинг доимий омиллари, яъни таҳдидлар манбалари, глобал тизимда юзага келаётган ўзгаришлар, кутилаётган урушлар, бу урушларнинг тури, шакли, даражаси ва кўлами.

Шунингдек, ҳарбий доктрина давлатнинг жойлашуви, ресурслари ҳамда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳолати борасидаги геостратегик жиҳатидан озуқа олади. Булар давлатдаги ҳарбий ташкилотларнинг ҳажми ва сифатини, улардан фойдаланиш усулини, уларнинг ички ва ташқи сиёсатдаги таъсири даражасини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, ҳарбий доктрина масаласи маълум бир давлатга тегишли бўлган, бошқа давлатларга алоқадор бўлмаган хос ва суверен масаладир. Шу боис, барча давлатлар учун яроқли бўлган ягона ҳарбий доктрина мавжуд эмас. Аксинча, ҳар бир давлат учун уларнинг воқелиги, шароити ва хусусиятларига кўра фарқ қиласидиган ҳарбий доктрина мавжуд. Қандайдир бир давлат доктринасининг бошқа давлат томонидан белгиланиши энг оғир жиноятдир. Чунки бу ҳарбий доктринани белгиловчи давлат томонидан ўша давлатни мустамлака қилиш ва уни ўз манфаатларига бўйсундириш демакдир.

2 – Унинг даражалари: Ушбу элементлардан келиб чиқиб, биз ҳарбий доктринанинг беш даражасини ажратиб кўрсатишмиз мумкин:

Биринчи: асосий мафкуравий даража. Бу даража армиянинг умумий ҳолатдаги, аскарларнинг эса муфассал ҳолатдаги маданий ва фикрий тузилиши ҳамда мафкуравий асосини белгилайди.

Иккинчи: давлат дуч келган ёки дуч келиши кутилаётган таҳдидлар, хавф-хатарлар ва муаммоларни белгилайдиган стратегик даража. Яъни ҳарбий доктринани мамлакатнинг хавфсизлик доктринасига ва миллий хавфсизлик стратегиясига мослаштириш.

Учинчи: қурол-яроғ ва техникани модернизация қилиш, армияга қурол-яроғ, тайёргарлик ва моддий-техник таъминот нуқтаи-назаридан технологик ўзгаришлар билан ҳамқадам бўлиш имконини берадиган техник ва технологик даража.

Тўртинчи: Давлат ресурслари ва қуролли кучларни урушга сафарбар қилиш учун ҳарбий ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган амалий тактик даража. Яъни армиянинг жанговар доктринасини тартибга солиш, режалаштириш, тайёргарликдан ўtkазиш, жиҳозлаш ва жангга тайёргарлик кўриш жиҳатидан жанг олиб боришга ва ҳарбий мақсадларни амалга оширишга асослаш.

Бешинчи: Ҳарбий доктринадаги инсонпарварлик қадриятлари билан боғлиқ ахлоқий даража. У армияларни юксак қадриятлар билан таъминлайди ва уларни эзгулик сари йўналтиради. Вазифаларни бажариш пайтида уларнинг хатти-ҳаракатларини диний, ахлоқий ва инсонпарварлик қадриятлари билан чеклайди.

Ушбу беш даража бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва уларни бир-биридан ажратиб ёки бирортасини истисно қилиб бўлмайди. Чунки ҳар бир даража бир-бирини тўлдиради. Чунки улар ҳарбий доктринани мукаммал суратда шакллантиради. (Ҳарбий доктрина – ҳарбий фанлар ва уруш санъатини мустаҳкамлашга қаратилган, шунингдек, тинчлик ва уруш ҳолатида қуролли кучларнинг тузилишини ва улардан фойдаланишни давлатнинг олий манфаатлари ва мақсадларини рўёбга чиқарадиган қилиб белгилайдиган фикрий қадрият ва тамоиллар тўпламидир). Бу даражаларнинг аксарияти бадиий ва техник хусусиятга эга бўлса-да, маданий ва мағкуравий жиҳат уларни боғлайдиган ипdir. Улар нафақат қандай жанг қилишни, балки қуролли кучларнинг турли хил жанговар вазиятларда қандай фикрлаши ҳақидаги асосий тамоиллар тўпламини ҳам белгилайди. Улар кимни дўст ва кимни душман тутишни, кимга қарши курашишни, шунингдек, қачон, нима учун ва қай даражада курашишни ҳам белгилайди. Булар ҳарбий муассасанинг ақли, туйғу ва ҳиссиётларидир. Қолаверса, ушбу муассасани жалб этиб, сафарбар қилиш ва унинг қўлловига етишни истаганлар учун асосий дарвозадир, шу шарт биланки, у қўшин ва халқнинг ақидасига асосланган бўлиши керак. Тананинг мусулмон бўлиши, ақл, туйғу ва ҳиссиётларнинг ғарбча насроний ва сионист бўлишига келсак, бу мустамлакачилар лойиҳасидир ва бу фанога юз тутиш, сиёсий жиҳатдан ўз жонига қасд қилиш демакдир. □

ИСЛОМИЙ УММАТДАГИ ВА УНИНГ ҚЎШИНЛАРИДАГИ ҚУВВАТ АҲЛИГА ҚАЙНОҚ НИДО

**Юсуф Абу Ислом
Муборак Фаластин замини**

Ғазо заминида ҳамон мусулмонларнинг қони оқмоқда ҳамда эркаклар, аёллар ва болалар ҳамон ёрдамга чақирмоқдалар.

Бу вайронагарчиликлар, тана аъзоларининг тилка-пора қилиниши ва ёрдамга чақиришлар ҳатто мустаҳкам тоғларни ҳаракатга келтириш учун етарлидир. Нега бу даҳшатли қирғинлар саккиз ойга яқин вақт давом этаётган бўлсада, Уммат армиялари ва тирик кучларини ҳалигача ҳаракатга келтиролмади?

Эй күч ва қувват эгалари:

Аллоҳ Таоло сизларни Умматнинг қўрғони, зарба берувчи кучи ва ҳимоя қилувчи девори қилиб қўйган вақтда, сизларни синади. Бир ҳовуҷ яҳудийларнинг ғазодаги аҳлингизга қўрқмай ҳужум қилаётганини кўриб, нега уларга ёрдам бермай жим ўтиредингиз?! Агар сиз жиддий ҳаракат қилиб, уларнинг юртларига жасорат билан бостириб кирганингизда, улар сизнинг қаршингизда бир соат ҳам туришолмас эди. Ахир сиз 7 октябрда уларнинг аҳволини кўрдингизку. Ўшандада бир гурӯҳ мўминлар озгина тайёргарлик билан уларнинг уйларига бостириб киргандарида, яҳудийлар биродарларингизнинг жасоратини кўриб, қўрққанларидан ҳеч нарсага қарамай қочиб кетишган эди. Хўш, улар билан бирга атрофдаги давлатлардан келган қўшин бўлса қандай аҳволга тушишар эди?! Сизнингча, улар Ғазо сектори чегарасида тўхтаб қолишадими ёки ўтган йиллар давомида учраган муваффақиятсизликларини ювиш учун Қуддус томон юришни давом эттиришадими?!

Эй күч ва қувват аҳли: Сочилиб ётган тана аъзолари ва куйган жасадларни ҳамда босқинчинининг булдозерлари биродарларингизнинг жасадларини ҳурмат қилмай ва қадрламай ахлат уюмларини сургандек, суриб кетаётганини кўриб, нега туйғуларингиз ҳаракатга келмайди?! Нега аёлларнинг дод-фарёди ва ёрдам сўраб ёлворишларини эшитиб туйғуларингиз қўзғалмайди?! Мўътасим, Салоҳиддин Айюбий, Қутз ва Бейбарсларни абадийлаштирганидек, тарих сизни ҳам абадийлаштиришини хоҳламайсизми?!

Эй күч ва қувват эгалари:

Роббингиз сиздан ғазода қавмингизни ташлаб кетганингизни сўрашидан қўрқмайсизми? Ҳолбуки Росууллоҳ шундай деганлар:

«مَا مِنْ أَمْرٍ يَحْدُلُ امْرًا مُسْلِمًا عِنْدَ مَوْطِنٍ يُتَّقْصُ فِيهِ مِنْ حُرْمَتِهِ، إِلَّا حَدَّلَهُ اللَّهُ تَعَالَى فِي مَوْطِنٍ يُحِبُّ فِيهِ نُصْرَتَهُ. وَمَا مِنْ أَحَدٍ يَنْصُرُ مُسْلِمًا فِي مَوْطِنٍ يُتَّقْصُ فِيهِ مِنْ عِرْضِهِ وَيُتَّهَكُ فِيهِ مِنْ حُرْمَتِهِ إِلَّا نَصَرَهُ اللَّهُ فِي مَوْطِنٍ يُحِبُّ فِيهِ نُصْرَتَهُ»

«Кимки бир мусулмонни обрўси тўкилаётган ва ҳуқуқи поймол қилинаётган ўринда ёрдамсиз ташлаб қўйса, у Аллоҳнинг ёрдамига муҳтож бўлган жойда Аллоҳ ҳам уни ёрдамсиз ташлаб қўяди. Кимки бир мусулмонга обрўси тўкилаётган ва ҳуқуқи поймол қилинаётган жойда ёрдам берса, у Аллоҳнинг ёрдамига муҳтож бўлган жойда, Аллоҳ ҳам унга ёрдам беради». Аҳмад ривояти.

Эртага Парвардигорингиз сиздан уларга ёрдам бермай дангасалик қилиб ўтиришингиз ҳақида сўраса, нима узр айтасиз?

Сиз «Бизни ҳукмдорларнинг буйруқлари тўхтатиб қолди» дейсизми? Парвардигорингизнинг Китобида пешво ва эргашувчининг ҳоли ҳақида ҳамда ҳукмдорлар амрига итоат қилувчиларнинг аҳволи ҳақида берган хабарини ўқимаганмисиз? Аллоҳ Таоло айтади:

(وَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطْعَنَا سَادَتَنَا وَكُبَرَآءَنَا فَأَضَلُّونَا الْسَّبِيلُاً ﴿١٠﴾ رَبَّنَا آتَاهُمْ ضِعْفَيْنِ مِنَ الْعَذَابِ وَالْعَنْهُمْ لَعْنَانَا كَبِيرًا)

«Яна улар: «Парвардигоро, дарҳақиқат бизлар бошлиқларимизга ва катталаrimизга бўйсундик, бас улар бизларни (*tўғри*) йўлдан оздирдилар. Парвардигоро, Сен уларга азобни икки ҳисса қилиб бергин ва уларни катта лаънат билан лаънатлагин», дедилар» [Аҳзоб 67-68]

Парвардигорингизнинг китобида

(قَالَ الَّذِينَ أَسْتَكَبُرُوا لِلَّذِينَ أَسْتُضْعِفُوا أَنَّهُنْ صَدَّنَكُمْ عَنِ الْهُدَى بَعْدٍ إِذْ جَاءَكُمْ بِلْ كُنْتُمْ مُجْرِمِينَ ﴿١١﴾ وَقَالَ الَّذِينَ أَسْتُضْعِفُوا لِلَّذِينَ أَسْتَكَبُرُوا بِلْ مَكْرُ أَلَيْلٍ وَالْهَارِ إِذْ تَأْمُرُونَا أَنْ نَكُفْرَ بِاللَّهِ وَنَجْعَلَ لَهُ وَأَنْدَادًا وَأَسْرُوْا الْثَّدَامَةَ لَمَا رَأَوْا الْعَذَابَ وَجَعَلْنَا أَلْأَغْلَلَ فِي أَعْنَاقِ الَّذِينَ كَفَرُوا هُلْ يُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ)

«Мутакаббир кимсалар бечора саналган кимсаларга «Сизларга ҳидоят келганидан сўнг сизларни (ундан) биз тўсдикми? Йўқ, ўзларингиз жиноят қилгувчи бўлдингизлар», дерлар. Бечора саналган кимсалар эса мутакаббир кимсаларга: «Йўқ, кечаю кундуз қилган макр-ҳийла(ларингиз бизларни мўмин бўлишдан тўйсан эди). Ўшанда сизлар (ўз макр-ҳийлаларингиз билан) бизларни Аллоҳга кофир бўлишга ва У зотга (ўзгаларни) тенг шерик қилишга зўрлар эдингизлар», дедилар. Азобни (ўз кўзлари билан) кўрган вақтларида улар (яъни пешволар ҳам, эргашганлар ҳам) ичларида надомат қилдилар ва Биз кофир бўлган кимсаларнинг бўйинларига кишанлар солдик. Уларга фақат ўзлари (ҳаёти дунёда) қилиб ўтган қилмишларининг жазоси берилур»

[Сабаъ 32-33]

деганини ўқимаганмисиз?!

Эй куч ва қувват эгалари:

Аллоҳ Таоло биродарларингизни сизларга фарёд қилаётганларини кўрган ҳолингизда уларни ёрдамсиз қолдиришингиздан қайтарган. Ғазодаги биродарларингиз очликдан ўлаётган ва бир луқма овқат ёки бир қултум сув умид қилиб ўтирган ҳолда қандай қилиб кечалари ухлаб, еб-ичиб роҳатланасиз?!

Сизлар Саъд ибн Омир ҳақида эшиитмаганмисиз. У Хубайб ибн Адийнинг фожиали ўлимига гувоҳ бўлган эди. Ўшанда Макка кофиirlари уни ўз оиласининг кўз ўнгида Бадрда ўлдирилганларнинг ўчини олиш учун осишган эди. Саъд ўшанда ҳали иймон келтирмаган эди. Аллоҳ унга иймон неъматини бергач, Хубайб ибн Адийнинг ўлимини эсласа, худди тутқаноғи бордек ҳушидан кетиб қолар эди. Умар Форук ундан бу ҳақида «Эй Саъд, сенга етган бу бало нима? – деб сўраганида, у, «Аллоҳга қасамки, эй мўминлар амири, ҳеч қандай бало йўқ, лекин мен Хубайб ибн Адий ўлдирилганида унинг ҳузурида бўлганман ва мен унинг дуосини эшиитганман. Аллоҳга қасамки, мен қандай йиғилишда бўлмайин ўша ҳолатни эсласам, ҳушимдан кетаман» деб жавоб берган эди.

Эй Иордания армияси, эй Кинона Мисри армияси:

Сочилиб ётган тана аъзолари, куйган жасадлар ва вайронагарчиликларни кўриб туриб, нега Саъд ибн Амрдек ҳушиングиздан кетмайсиз?! Аллоҳ учун бизга жавоб беринг.

Кечаси аёллар ўзларига ёрдам берилмагани ва эътиборсиз ташлаб қўйилгани учун дуо қилаётган ҳамда уларнинг фарёди қулоқларни кар қилаётган бир пайтда қайдай ухлайсиз?!

Эй Миср, Иордания, Покистон ва Жазоир армиясидаги куч ва қувват эгалари:

Бу дунёда қанча яшайсиз, юз йил ё ундан озроқ ёки кўпроқми? Шундан кейин нима бўлади? Ўлиб, дафн қилинмайсизми? Шунда икки фаришта келиб сўраса, нима деб жавоб берасиз? Сизлар учун ким жавоб беради, ким сизни ҳимоя қиласди, нишонларингизми ёки Парвардигорингизга итоат қилгандан кўра кўпроқ итоат қилаётган етакчиларингизми? Ўша ерда, қабр қарида қилган барча ишларингизни эслайсиз. Мазлумларга работ ерида ёрдам бермаганингизни эслайсиз. Ўшанда, пушаймонлик фойда бермайдиган кунда афсусланасиз. Шундай экан, нега бугун кеч бўлмасдан ўзингизни тузатмайсиз? Ўлим ҳақ эканини билмайсизми ва бунга ишонмайсизми? Ҳеч бир жон ажали келмай туриб ўлмаслигини билмайсизми? Шундай экан, нима учун шаҳидлар саййиди Ҳамза билан бирга бўлмайсиз? Нима учун Халифаликни қайта тиклаш учун фаолият қилаётгандарга нусрат беришга шошилиб, икки Саъд, яъни Саъд ибн Муоз ва Саъд ибн Убода каби бўлмайсиз?

Эй Уммат қўшинларидаги куч ва қувват эгалари:

Сизлар келажак ушбу динники эканини яхши биласиз. Шунингдек, Аллоҳ Таоло Ўзига ёрдам берганларга ёрдам беришини ва динига ёрдам беришдан бош тортган кишилар ўрнига бошқасини алмаштиришини ҳам яхши биласиз. Аллоҳ Таоло айтади:

(وَإِن تَشْوِلُوا يَسْتَبِدُّ قَوْمًا غَيْرَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُونُوا أَمْثَلَكُمْ)

«У зот (ўрнигизга) сизлардан бошқа бир қавмни алмаштириб қўюр, сўнгра улар сизларга ўхшаган бўлмаслар» [Мұҳаммад 38]

Шундай экан, нима учун мана шундай шарафга шошилмайсиз. Парвардигорингизга ёрдам беринг, шунда Авс ва Ҳазраж каби янги ансорлардан бўласиз. Бундай фурсат қайта келмаслиги мумкин. Шундай экан, уни ғанимат билиб, Аллоҳга таваккал қилинг. Чунки сизнинг ажалингиз ва ризқингиз сизларни яратган Аллоҳнинг қўлидадир.

Ҳукмдорларингиздан қўрқманг. Чунки улар сизларнинг ишингиз борасида Аллоҳ тақдир қилгандан бошқа ҳеч нарсага эга эмас. Шундай экан, азму қарорингизни мустаҳкамланг, ҳукмдорларингизга бўйсунманг ва Аллоҳнинг баракоти билан ҳаракатга келинг, шунда Умматнинг барчаси сиз билан бирга юради. Билингки, Аллоҳ Таоло йўз бандалари ва дўстларига ёрдам беришни хоҳлаган вақтда шу яхшиликка лойик бўлган кишиларни юборади. Шундай экан, сизлар ўша яхшилик эгаларидан бўлинг.

Сийрат китобларида шундай келади: Аллоҳ Таоло ўз динини ғолиб қилиш, пайғамбарини қўллаб-қувватлаш ва у кишига берган ваъдасини рўёбга чиқаришни хоҳлагач, Росууллоҳ ҳаж мавсумида ҳар йили ҳаж мавсумида қилганидек араб қабилаларига мурожаат қилди. Росууллоҳ Ақабада турганда Аллоҳ Таоло Хазраж қабиласидан бир гурӯҳни у кишига рўпара қилди. Улар Аллоҳ яхшилик билан сийлашни хоҳлаган кишилар бўлиб, ушбу нурнинг олдинги сафидаги кишилар эди. Аллоҳ Таоло бу нурни Мадинадан чиқишини хоҳлади. Шундай экан, нега сизлар ушбу нурнинг олдинги сафиди бўлмайсиз?! Сўзимиз ниҳоясида биз сизларга Парвардигорингиз хитоби билан хитоб қиласиз. Аллоҳ Таоло ўзининг муҳкам китобида бундай дейди:

(يَأَيُّهَا الَّذِينَ ظَاهَرُوا مِنْ أَنفُسِهِمْ أَسْتَعْجِلُهُمْ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاهُمْ لِمَا يُحِيقُّهُمْ)

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглар» [Анфол 24]

Аллоҳ Таолодан қалбларингизни ушбу нидога очишини, Аллоҳнинг динига ёрдам беришингизни ва сизларни ваъда қилинган Халифаликни қайта тиклашга ҳисса қўшишга мұяссар қилишини сўрайман. Бу иш Аллоҳ учун қийин эмас. □

ПАЙҒАМБАРИМИЗ ҲИЖРАТИ ТАЛАБИ НУСРАНИНГ ВА ИККИНЧИ АҚАБА БАЙЪАТИНИНГ САМАРАСИ БҮЛГАН ЭДИ, УНИНГ НАТИЖАСИ ЭСА, ИСЛОМ ДАВЛАТИНИНГ ТИКЛАНИШИ БҮЛДИ

Пайғамбаримизнинг ҳижрати даъват йўлидаги мұхим чорраҳа бўлган эди. Ўшанда мусулмонлар ва кофиirlар унинг аҳамиятини билишган ва үнга нисбатан шу аҳамиятдан келиб чиқиб муомала қилишган эди. Ҳижрат Росулуллоҳ ﷺ сўраган талаби нусранинг самараси бўлди. Нусрат Росулуллоҳ ﷺ наздида даъватига иймон келтирадиган, у кишини ҳимоя қиласидиган ҳамда Макка раҳбарлари у кишининг қаршисида эшикни ёпиб олганларидан кейин, Макка ташқарисида у кишига ёрдам берадиган кишиларни излаш эди. Нусрат кофир наздида Росулуллоҳ ﷺ иймонга асосланган янги вужуд барпо қилиш учун бошқа жой излаётганини ва бу келажакда уларнинг вужудига ва ярим оролдаги мавқейига хавф туғдиришини англатарди. Шу боис, Росулуллоҳ ﷺ мадиналик мўмин элчиларга иккинчи Ақаба байъати учун вақт ва жой белгилаганларида, Қурайш кофиirlари учрашувдан хабардор бўлиб қолмаслиги учун, уларга: «**Ухлаётган кишини үйғотманглар, йўқ одамни кутманглар**» дедилар. Аммо Макка раҳбарларининг иккинчи Ақаба байъати ҳақидаги хабарнинг тарқалишига муносабати ўта жиддий бўлди. Шунингдек, улар бу байъат содир бўлганини англаганларида, Мадинада Ислом давлатини тиклашга тўсқинлик қилиш мақсадида у зотни ўлдириш учун йиғилишди. Демак Қурайш кофиirlари ҳижратнинг хатарини билишган ва ҳижрат Мадинада Ислом давлати барпо этилиши билан боғлиқ бўлгани учун уни олдини олмоқчи бўлишган.

Ҳижрат Росулуллоҳ ﷺ нинг Маккада Ислом давлатини тиклаш йўлидаги охирги амал эди. Айни пайтда ҳижрат Росулуллоҳ ﷺ Мадинада у билан даъват босқичини бошлайдиган биринчи амал эди. Дарҳақиқат кўпчилик мусулмонлар уни сабрсизлик билан кутдилар ва уни Росулуллоҳ ﷺ мақоми ва даъват мақомига яраша қабул қилдилар. Росулуллоҳ ﷺ Мадинага биринчи келганлариданоқ ўзини элчи, раҳбар, ҳукмдор, масъул ва бошлиқдек тутдилар. У киши масжид ва бозорлар қуравар, ансор ва мұхожирларни бир-бири билан дўстлаштирас, қўшин тузиб, турли томонларга

жўнатар, Мадина ҳужжатини тасдиқлар, одамлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этар ва ҳаёт ишларини бошқарар эдилар.

Ҳижратнинг нусратга, байъатга ва Ислом давлатининг тикланишига боғлиқлиги бир мавзунинг боғлиқлигидир. Ким ҳижратнинг маъносини тушунмоқчи бўлса, Росулуллоҳ ﷺ амалга оширган талаби нусранинг маъносини ўргансин. Шунингдек, қандай қилиб мусулмонлар бу нусрат орқали уларга қарши курашаётган кофир жамиятнинг заиф шахсларидан давлат арбобларига айланганларини ўргансин. Улар шу давлат орқали мусулмонлар ҳаётини Ислом асосида тиклаш ҳамда Исломни даъват ва жиҳод орқали ёйиш билан динни комил қилишга ҳаракат қилдилар. Шундан келиб чиқиб мусулмонларда ҳижратнинг таърифи куфр диёридан мусулмонлар Ислом билан ҳукм юритадиган ва у ердаги сultonлик мусулмонлар учун бўладидиган Ислом диёрига кўчиб ўтишни англатади... Аллоҳ Таолонинг мана бу

(وَقُلْ رَبِّ أَدْخِلِيْ مُدْخَلَ صِدْقٍ وَأَخْرِجِنِيْ مُخْرَجَ صِدْقٍ وَاجْعَلْ لِيْ مِنْ لَذْنَكَ سُلْطَنَا
نَصِيرًا)

«Ва айтиңг: «Парвардигорим, мени ҳаққи-рост дохил қилгин ва ҳаққи-рост чиқаргин ҳамда мен учун ўз даргоҳингдан бир мададкор қувват ато қилгин» [Исро 80]

ояти ҳақида Ибн Қойим Жавзий Зодул Маод китобида Қатодадан шундай келтиради: «Аллоҳ Таоло у кишини Маккадан Мадинага ҳаққи-рост чиқарди. Аллоҳнинг пайғамбари бу иш фақат сulton билангина амалга ошишини билар эдилар. Шунинг учун Аллоҳдан бир мададкор қувват (сultonлик) ато қилишини сўрадилар. Аллоҳ Таоло у киши Маккадалик чоғида ҳижрат жойини кўрсатди ва Пайғамбаримиз ﷺ бу ҳақда **«Менга сизларнинг ҳижрат жойингиз кўрсатилди, у икки тоғ орасидаги хурмоларга тўла шўр ер бўлади»**, дедилар». Ибн Қойим Зодул Маодда Ибн Аббосдан шундай ривоят қиласи: «Росулуллоҳ ﷺ Маккадан чиққач, Абу Бакр «Улар ўз пайғамбарларини ҳайдаб чиқишиди, биз Аллоҳникимиз ва унинг ҳузурига қайтамиз, Аллоҳ уларни ҳалок қилсин» деди. Шунда

(أُذْنَ لِلَّذِينَ يُقْتَلُونَ بِأَنَّهُمْ ظُلْمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَى نَصْرِهِمْ أَقْدِيرُ)

«Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир» [Ҳаж 39]

ояти нозил бўлди. Бу уришиш ҳақида нозил бўлган биринчи оятдир». Бу ҳадиснинг исноди икки саҳиҳ шартига кўрадир. Сўнг уришаётганларга қарши жанг қилишга рухсат берилди ва уришмаётганларга қарши жанг қилишдан қайтарилди. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло айтади:

(وَقَاتُلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُقْتَلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوْا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ أُلُّمُعَنِّيَّدِينَ)

«Сизларга қарши уришувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва тажовузкор бўлмангиз! Шубҳасиз, Аллоҳ тажовузкорларни севмайди» [Бақара 190]

Бугун ҳижратнинг бу маънолари мусулмонлар ва уларнинг уламолари зеҳнидан йўқолганини кўрамиз. Аллоҳ раҳм қилгандаргина бундан мустаснодир. Шунинг учун улар буни байрамлар билан нишонлаш, табриклар юбориш, мақолалар ёзиш, унинг тафсилотларини ташриъ (ундан қонун олиш) асосида эмас, балки ҳикоявий шаклда баён қилиш билан кифояланиб қолиши. Бу муносабат улардан қандай шаръий бурчларни талаб қилиши ҳақида фикрламай қўйишиди. Агар биз аввалгилар шу муносабат ҳақида нима ёзганларига қайтсан, улар уни қандай мақомга қўйганларини билиб оламиз. Қуйида улардан айримларини келтириб ўтамиз:

- Бухорий Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Муҳаммад ﷺ қирқ ёшида пайғамбар бўлдилар, Маккада у кишига 13 йил ваҳий тушиб турди, сўнг Аллоҳ у кишини ҳижрат қилишга буюрди. Ҳижратда 10 йил яшаганларидан кейин 63 ёшида вафот этдилар». Росулуллоҳ ﷺ нинг ҳижрати пайғамбарликнинг ўн учинчи йили, робиулаввал ойи, душанба кунида бўлган эди. Бу ҳақда имом Аҳмад Ибн Аббосдан шундай ривоят қиласи: «Пайғамбарингиз душанба куни туғилдилар, душанба куни Маккадан чиқиб кетдилар, душанба куни пайғамбар бўлдилар, Мадинага душанба куни кирдилар ва душанба куни вафот этдилар...». Ибн Саъд бу ҳадисни Тобақотда айрим ихтилофлар билан келтирган. Имом Муслим ҳам бу ҳадисни ўз саҳиҳида чиқарган.

• Ҳижрий сана Исломнинг бошланишида мавжуд бўлмаган, лекин Умар ибн Хаттоб رض даврида содир бўлган ҳодисадан кейин пайдо бўлди, яъни Умар رض ҳижрий санани биринчи бўлиб қўллади. Бу шундай бўлган эди: ҳижратнинг 17 йилида Абу Мусо Ашъарийга шаъбон санаси ёзилган хат келди. Абу Мусо халифа Умар رضга йиллар кўрсатилмай, фақат ойлар ёзилиб келган мактублар ҳақида сўраш учун одам юборди. Чунки бу хабарлар орасида чалкашликка олиб келиши мумкин эди. Шунда Умар ечим топиш учун саҳобаларни тўплади. Баъзилар бу борада Росууллоҳнинг таваллуд санасига таянишни таклиф қилса, баъзилар у кишининг вафоти санасига таянишни айтдилар, яна айримлари Форс ёки Румнинг санасини таклиф қилдилар. Натижада саҳобаларнинг муҳокамаси исломий давлат тарихидаги муҳим воқеа сифатида Пайғамбаримизнинг ҳижрат санасини тасдиқлаш билан якунланди. Бу ҳақда Умар رض шундай деган эди: «Ҳижрат ҳақ ва ботилни ажратди, шундай экан, саналарни шунга кўра қўйинглар».

• Аммо Қурайшнинг кофир раҳбарлари иккинчи Ақаба байъати билан қандай муносабатда бўлганликларига келсак, улар Росууллоҳ صل ва саҳобаларининг Ислом давлатини барпо этиш учун Мадинага ҳижратидан кейин нима бўлишидан қўрқиб жуда ҳушёр эдилар. Росууллоҳ صلнинг Мадина вакиллари билан ҳажда учрашишлари ҳақидаги хабар уларга етиб келганда, бир қанча Қурайш раҳбарлари уларнинг олдига келиб, шундай дейиши: «Бизга етиб келишича, сиз бизнинг дўстимизни орамиздан олиб кетиш учун келибсиз ва унга бизга қарши урушга байъат берибсиз. Аллоҳга қасамки, араб қабилалари орасида ҳаммадан кўра кўпроқ сизлар билан орамизда уруш чиқишини истамаймиз!» дейишиди. Шунда сони беш юздан ортиқ, ҳали байъат бермаган, ясириблик мушриклар туриб, бундай иш бўлгани йўқ ва бу ҳақда ҳеч нарса билмаймиз, дейишиди. Улар тўғри айтишган эди, чунки улар бу ҳақда ҳеч нарса билишмасди. Мусулмонлар сукут сақлаб бир-бирларига қарадилар. Вакиллар Ясирига қайтиб кетдилар ва Қурайш Ясириб аҳлидан бир неча киши Исломга кирганини билиб, шубҳалари тасдиқланди. Сўнг мусулмонларга босим қилиб, озорни кучайтиришди, ясирибликларга етиб олмоқчи

бўлишди, лекин улар аллақачон Маккадан чиқиб кетган эдилар».

• Албатта ҳижрат буюк янгилик эди. Мусулмонлар ўз тарихларидағи бу воқеани яхши англашлари, у ўз ичига олган маънони ва у талаб қиласидиган мажбуриятларни үнумасликлари керак. Агар унинг тафсилотига қайтадиган бўлсак, у Аллоҳга бўлган даъватнинг замирида ётгани, ваҳий унинг воқеаларига яқин бўлгани ва уни ташкил этишда иштирок ётгани аён бўлади. Ибн Касир «Бидоя ва Ниҳоя» китоби, «Маккадан Мадинага ҳижрат» номли учинчи бўлимида ҳижрат ва унинг қайси жойлиги Аллоҳдан ваҳий билан бўлганини нақл қиласи: Зуҳрий Урвадан, у Оишадан ривоят қилишича, Росулуллоҳ ﷺ Маккада турганларида шундай дедилар: **«Менга ҳижрат ҳовлингиз кўрсатилди, мен икки тоғ орасидаги хурмолари кўп шўр ерни кўрдим»**. Росулуллоҳ шундай деганларида мусулмонлар Мадинага ҳижрат қилдилар. Мусулмонлардан Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар Мадинага қайтди, Бухорий ривояти. Абу Мусо ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ дедилар: **«Тушимда Маккадан хурмозор ерга ҳижрат қилдим, хаёлимда бу Ямома ёки Ҳажар деб ўйлаган эдим, лекин у Ясриб шаҳри экан»**.

Ушбу китобнинг «Росулуллоҳ ﷺ»нинг ҳижрат қилиш сабаблари» номли бўлимида Ибн Касир ҳар бир фикр ва ҳар бир қадам шариат кўрсатмаси билан бўлганлигини очиб берадиган воқеаларнинг тўлиқ тафсилотини айтиб ўтган. Бу нарса бугунги кунда мусулмонларни бу ҳодисага жиддийлик ва масъулият билан ёндашишга ва ундан ибрат олишга ундайди. Ибн Касир (роҳимаҳуллоҳ) ёзган нарсалардан келтириб ўтамиз:

— «Аҳмад ибн Ҳанбал Ибн Аббосдан ривоят қиласи: Росулуллоҳ ﷺ Маккада турган пайтда ҳижрат қилиши ҳақида амр қилиниб, қуийидаги оят нозил бўлди:

(وَقُلْ رَبِّ أَدْخِلْنِي مُدْخَلَ صِدْقٍ وَأَخْرِجْنِي مُخْرَجَ صِدْقٍ وَاجْعَلْ لِي مِنْ لَدُنْكَ سُلْطَنَةً نَّصِيرًا)

«Ва айтинг: «Парвардигорим, мени ҳаққи-рост доҳил қилгин ва ҳаққи-рост чиқаргин ҳамда мен учун Ўз даргоҳингдан бир мададкор қувват ато қилгин» [Исро 80]

Қатода айтади: Мени ҳаққи-рост дохил қилгин, яъни Мадинага. Мени ҳаққи-рост чиқаргин, яъни Маккадан ҳижрат қилиш. Мен учун Ўз даргоҳингдан бир мададкор қувват ато қилгин, яъни Аллоҳнинг китоби, фарзлари ва ҳадлари.

— Ибн Исҳоқ айтади: Росулуллоҳ  муҳожир саҳобалардан кейин ҳижрат қилишга рухсат берилишини кутиб турдилар. Муҳожирлардан фақат қамоқقا тушган ва фитнага учраганлар ҳамда Али ибн Абу Толиб ва Абу Бакр ибн Абу Қаҳофа қолди. Абу Бакр Росулуллоҳ дан ҳижрат қилишга кўп рухсат сўрар эди. Росулуллоҳ , «Шошилманг эҳтимол Аллоҳ сизга ҳамроҳ берар» дер эдилар. Абу Бакр эса Росулуллоҳга ҳамроҳ бўлишни умид қила бошлади.

— Қурайш Росулуллоҳ нинг Қурайш диёридан бошқа жойда тарафдорлари борлиги ва саҳобалари уларга ҳижрат қилиб кетғанларини кўргач, уларнинг осойишта жойга тушганларини, у ердагилар уларни ҳимоя қилганларини билишди. Шу боис Росулуллоҳ нинг уларга бориб қўшилишларини олдини олишга қарор қилишди. Чунки Мұхаммад нинг уларга қарши жанг қилишга қарор қилганларини билишарди. Қурайш Росулуллоҳ нинг ишларидан қўрққани сабабли бунга қарши нима қилиш кераклиги ҳақида кенгашиш учун Дорун-Надвада тўпланди (Дорун-Надва Қусай ибн Килобнинг уйи бўлиб, Қурайш ҳар қандай ишни фақатгина ўша ерда кенгашарди). Бу кун Явмуз Захма (гавжум бўлиш куни) деб номланди. Иблис қария кўринишида уларнинг олдига келди. Уни Надва эшиги олдида турганини кўришгач: «Ким бу мўйсафи?» деб сўрашди. У: «Мұхаммад ҳақида йиғилишингиздан хабар топган наждлик мўйсафи. Айтадиган гапларингизни эшитишга сизлар билан бирга ҳозир бўлганлардан бири. Умид қиласманки, фикр ва насиҳатларимдан бебаҳра қолмассиз», деди. Иблис улар билан Надвага кирди... Улар маслаҳатлашиди ва уларнинг фикрлари турлича бўлди. Наждлик мўйсафи у ердаги фикрларни – то Абу Жаҳл ибн Ҳишом айтган фикр қарор топгунича – бошқарди. Абу Жаҳл: «Ҳар бир қабиладан бақувват, насабли, ўрта ёшдаги йигит танлаб оламиз. Сўнгра ҳар бир йигиттга ўткир қилич берамиз. Улар эса Мұхаммаднинг устига бостириб бориб, ҳаммаси тенг қилич солиб уни ўлдиришади. Шундай қилиб биз

ундан қутуламиз. Агар улар шундай қилишса унинг қони барча қабилаларга ёйилиб кетади ва Бану Абдуманоф барча қабилаларга қарши уриша олмайди. Охир оқибат биздан товон олишга рози бўлишади, биз эса товонини берамиз», деди. Шунда наждлик мўйсафид: «Гап деган мана бу одамнинг гапидай бўлибди. Бундай фикр бошқа бўлмайди», деди. Қавм шу фикрга келишган ҳолда тарқалди... Жаброил ﷺ Росулуллоҳ ﷺ нинг олдилариға келиб «Бу кеча ҳар доим ётиб ухлайдиган тўшагингизда ётманг», деди. Қоронғи тушгач, ёлланган йигитлар Росулуллоҳ ﷺ нинг эшиклари олдида йиғилиб, ҳужум қилиш учун у кишининг ухлашларини кутишди. Росулуллоҳ ﷺ уларнинг турган жойини кўргач, Али ибн Абу Толибга «Менинг жойимда ёт. Мана бу хазрамий яшил хирқамга ўраниб ухла. Сенга улардан ҳеч қандай ёмонлик келмайди», дедилар. Росулуллоҳ ﷺ ташқарига чиқдилар ва қўлларига бир ҳовуҷ тупроқ олдилар. Аллоҳ келган йигитларнинг кўзини тўсиб қўйгани туфайли у зотни кўра олишмади. Ушбу оятларни ўқиб қўлларидағи тупроқни уларнинг бошлари узра соча бошладилар:

(يَسْ وَالْقُرْءَانِ الْحَكِيمِ إِنَّكَ لِمَنِ الْمُرْسَلِينَ عَلَىٰ صِرَاطِ مُسْتَقِيمٍ تَنْزِيلٌ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ لِتُنذِرَ قَوْمًا مَا أُنذِرَ إِبْرَاهِيمُ فَهُمْ غَفِلُونَ لَقَدْ حَقٌّ الْقَوْلُ عَلَىٰ أَكْثَرِهِمْ فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ إِنَّا جَعَلْنَا فِي أَعْنَاقِهِمْ أَغْلَلًا فَهِيَ إِلَى الْأَذْقَانِ فَهُمْ مُقْمَحُونَ وَجَعَلْنَا مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ سَدًا وَمِنْ خَلْفِهِمْ سَدًا فَأَغْشَيْنَاهُمْ فَهُمْ لَا يُبَصِّرُونَ) ﴿١﴾

«Ё, Син. (Эй Мұхаммад, ушбу) ҳикматли Қуръонга қасамки, ҳеч шак-шубҳасиз сиз Тўғри йўл (яъни ҳақ дин) устидаги пайғамбарлардандирсиз. (Бу Қуръон) ота-боболари (бирон пайғамбар орқали охират азобидан) огоҳлантирилмасдан, ғофил бўлиб қолган бир қавмни огоҳлантиришингиз учун қудратли ва меҳрибон зот томонидан нозил қилингандир. Аниқки уларнинг кўпларига сўз (яъни азоб ҳақидаги ҳукм) ҳақ бўлгандир. Бас улар иймон келтирмас. Дарҳақиқат Биз уларнинг бўйинларига то иякларигача (етадиган) кишанларни уриб қўйдик, бас улар ғўдайиб қолишади (яъни улар Ҳаққа эгилмас). Ва Биз уларнинг олдиларидан бир тўсиқ-парда қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас улар кўра олмас»

[Ёсин 1-9]

Росууллоҳ ﷺ улардан бирор кишини қолдирмай бошига тупроқ сепиб, кейин ўзлари хоҳлаган томонга кетдилар. Ибн Исҳоқ айтади: Аллоҳ ўша кунда мушрикларнинг ҳамфирлик билан қилган қарорлари ҳақида Қуръонда шу оятларни туширди:

(وَإِذْ يَمْكُرُ بِكَ الَّذِينَ كَفَرُوا لِيُثْبِتُوكَ أَوْ يَقْتُلُوكَ أَوْ يُخْرُجُوكَ وَيَمْكُرُونَ وَيَمْكُرُ اللَّهُ وَاللَّهُ خَيْرُ الْمُنْكِرِينَ)

«Коғир бўлғанларнинг сизни асир олиш ё ўлдириш ёки (юртдан) чиқариб юбориш учун қилган макрларини эсланг! (Улар) макр қилишади, Аллоҳ (ҳам) макр қиласади. Аллоҳ макр қилувчиларнинг яхшисидир» [Анфол 30]

(أَمْ يَقُولُونَ شَاعِرٌ تَتَرَبَّصُ بِهِ رَبِّ الْمُئْنَونِ ﴿١٧﴾ قُلْ تَرَبَّصُوا فِيٰ مَعَظِّمٍ مِّنَ الْمُتَّبِصِينَ)

«Балки, улар (мушриклар): «(Муҳаммад), бир шоирдир. Бизлар унга замон ҳодисот балолари (етиши)ни кутурмиз», дейишар?! Айтинг: «Кутаверинг! Мен ҳам сизлар билан бирга кутгувчиларданман. (Қани балога ким йўлиқар экан)» [Тур 30]

Ибн Исҳоқ айтади: Аллоҳ Пайғамбари ﷺга ана шунда ҳижрат учун рухсат берди. Ибн Касир тафсиридан келтирилган иқтибос тугади.

Бу кофиirlарнинг ҳижратга нисбатан тутган позицияси ҳамда ҳижратдан қандай хавф ва хатарда бўлғанлари ҳақидаги гаплар эди. Улар Росууллоҳ ﷺга нисбатан у киши нусрат, байъат ва ҳижрат орқали фақат давлат тиклашни хоҳляяпти деган асосда муносабат билдиришди. Шунинг учун у кишини таъқиб қилиб, босим ўтказишида ва у кишини ҳатто ғоргача қувиб боришиди. Бу ишда бирор натижага эришмагач, Пайғамбаримиз бошига мукофот тайинлашди ва Суроқа у кишига етиб борди, лекин Аллоҳ Таоло уни ҳам Росууллоҳ ﷺдан чалғитиб қўйди. Бу ерда Аллоҳ Таоло ўз пайғамбарини ундан ҳимоя қилгандан сўнг, Росууллоҳ ﷺнинг Суроқага Кисронинг билагузуғи ҳақида берган ваъдаси муҳим маънога эга бўлгани ва бутун манзарани қисқача тасвиrlагани зикр қилинади. Дарҳақиқат Росууллоҳ ﷺ Суроқага Кисронинг билагузуғини ваъда қилар экан, Пайғамбар ва давлат раҳбари сифатида гаплашган эди. Бу эса ушбу саҳнадаги кураш ҳақиқати Қурайшнинг Росууллоҳ ﷺни

Ислом давлатини барпо этишига тўсқинлик қилишга уриниши атрофида айланганини кўрсатади. Шунингдек, у яқин келажакда Ислом динининг давлати бўлишини, бу давлат Кисро империясидан каттароқ бўлишини ва унинг қўшинини енгиб, ҳукмдорини ўлдирадиган қўшини бўлишини ҳамда Ислом бу империяга меросхўр бўлишини очиб беради.

Бу ерда жавоб талаб қилинадиган савол туғилади: мусулмонлар бу воқеага талаб даражасида эътибор бермаганликлари учун ким жавобгар? Жавоб: уламолар жавобгар. Чунки мусулмонлар ҳақиқатан ҳам ўз уламоларига тобедирлар. Аллоҳ Таоло уламоларга мусулмонлар устидан тожиз салтанат берган. Чунки мусулмонлар уларнинг фатволарига эргашадилар. Шунингдек, уламоларга ҳукмдорлар устидан ҳам салтанат берган, чунки улар мусулмонлар билан бирга ҳалқ ҳокимиятини шакллантириб, мусулмонларни қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳукмдорларга босим ўтказиш имконига эга. Ресулуллоҳ ﷺ нинг қуидаги ҳадиси уларга мос келади:

«كَلَّا وَاللهِ، لَتَأْمُرُنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَلَا تَنْهَوُنَّ عَنِ الْمُنْكَرِ، لَتَأْخُذُنَّ عَلَى يَدِ الظَّالِمِ وَلَتَأْطُرُنَّهُ عَلَى الْحَقِّ أَطْرًا، وَلَا تَقْصُرُنَّهُ عَلَى الْحَقِّ قَسْرًا، أَوْ لَيَضْرِبَنَّ اللَّهُ بِقُلُوبِ بَعْضِكُمْ عَلَى بَعْضٍ ثُمَّ لَيَلْعَنُنَّكُمْ كَمَا لَعَنَنَّهُمْ»

«Йўқ, Аллоҳга қасамки, сизлар албатта маъруфга буюриб, мункардан қайтарасизлар, золимнинг қўлидан ушлаб, уни мажбуран ҳаққа бўйсундириб, ҳаққа чеклаб қўясизлар. Ёки Аллоҳ айримингиз билан айримларингизнинг дилларига зарба беради. Сўнgra уларни лаънатлагандек, сизларни ҳам лаънатлади!».

Бу ерда яна бир савол бор: тафсилотлари уламолар эътиборидан четда қолмайдиган бу маънолар бизнинг давримизда зарур бўлса-да, нима учун уларни ўқилганда улардан ибрат олинмайди?! Жавоб шуки, бунинг биргина сабаби бор, бу мавзу ва шунга ўхшаш масалаларни ҳал қилишдаги бундай бепарволик учун уламолар бошқалардан кўра кўпроқ жавобгардир. Сабаби, улар Ғарб мусулмонларга ўрнатган ва юклаган қонуний таълим дастурлари бўйича таълим олиб, битиргандар. Бу уламолар Исломни Ғарб тариқати асосида ўргандилар. Бу тариқат динни давлатдан

ажратади ҳамда мусулмонларни ўз динларини фақат ақида ва шахсий аҳкомларгагина чеклайдиган қилиб қўяди. Давлат ва жамоат аҳкомлари эса бу уламолар зеҳнларидан узоқлаштирилди ва улар бу аҳкомларга эргашмайдиган бўлиб қолди. Гўё бу аҳкомлар уларнинг маъруфга буюриб, мункардан қайтаришдаги масъулиятларидан ташқарида бўлиб, уларнинг эътибор доираларидан чиқиб кетди. Одамлар ўз уламоларига тобе бўлганликлари учун омма улар ҳақида сўрамайдиган бўлиб қолди. Шундай қилиб, ҳукмдорлар Исломдан бошқаси билан бошқарадиган бўлиб, бу ҳақда улардан на уламо, на омий сўрамай қўйди. (Аллоҳ раҳм қилганлар бундан мустасно).

Бу ерда яна бир савол туғилади: Уламоларнинг бу позицияси исломий ҳукмлар кенг қамровли бўлиб, барча алоқаларни, жумладан, Ислом давлатини барпо қилишни ҳам ўз ичига олишини инкор қилишларини англатадими?! Уламолар дин ишларидан бирортасини ҳам инкор этмайдилар. Бунга далил улар барча нусусларни ҳамда пайғамбар, халифалар ва саҳобалар позициясини далил қиласдилар. Улар ўз тарихлари, жумладан халифалар, жиҳод ва фатҳлар тарихи билан фахрланадилар. Лекин улар унга фақат ўқиб қўйиладиган тарих сифатида қарайдилар. Шунинг учун ўзларининг ёмон воқеликларига дуо билан ёндашиб, Аллоҳнинг ғалаба беришини кутадилар. Шундай экан, уларни даъват қилиш лозим!!

Ҳа, пайғамбаримиз ҳижрати нусратга, иккинчи Ақаба байъатига ва Исломий давлатни барпо қилишга боғлиқ бўлган эди. Қурайш кофиirlари унга шу тўғри тушунча асосида мумомала қилишган эди. Бугун мусулмонлар, айниқса уларнинг уламолари фақат душманлари фойдаланаётган бу маъноларга беларвоник қилиш ғафлатидан уйғониши керак. Шунингдек, улар динни тушунишда ўзларидан олдингилар каби бўлишлари керак. □

Франция ва Германия етакчилари Европага таҳдид солаётган «ҳалокатли» хавф ҳақида огоҳлантиримоқда

Германия канцлери Олаф Шольц ва Франция президенти Эммануэль Макрон ўзларининг 2024 йил 26 майда Британиянинг «Financial Times» газетасида чоп этилган қўшма мақоласида Европа Россия тажовузи қаршисида «ҳалокатли» хавфга дучор бўлишидан огоҳлантириб, биз бу чақириқни қабул қилишимиз керак, деган эди. Макрон Германияга ташриф буюрган чоғда чоп этилган мақолада икки етакчи «Биз ўзимизнинг европача турмуш тарзимиз ва дунёдаги ролимизни қурган асосларимизни табиий деб ҳисоблай олмаймиз» дейишган. Улар яна шундай қўшимча қилишди: «Охирги беш йилдаги қийинчиликларга назар солсак – у пандемиями, Россиянинг Украинага қарши давом этаётган босқинчилик урушими ёки тобора кучайиб бораётган геосиёсий силжишми, бундан қатъий назар – Европа ўзининг zeitenwende (бурилиш нуқтаси)ни бошидан кечирмоқда». Бу Шольц илгари Германия сиёсатидаги тарихий бурилишни, хусусан, Россия босқинидан кейин мудофаа харажатларининг ошишини тасвирлаш учун ишлатган сўздир. Макрон ва Шольц тақдим этган элементлар орасида Европа иттифоқининг ягона бозорини кучайтириш, сармояларни кўпайтириш, шу билан бирга блокнинг асосий таъминотларга эга бўлишда савдо ҳамкорларига боғлиқлигини камайтириш зарурати бор.

Эътиборлиси, Макрон 2024 йил 25 апрелда Европанинг ўлими ҳақида огоҳлантириб, ислоҳот таклифларини илгари сурган. Германия канцлери Шольц эса бу таклифларни мабдаи жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, «Франция ва Германиянинг муштарак мақсади Европанинг кучли бўлиб қолиши» деган, эди. Франция президенти Европанинг хавотирли манзарасини тасвирлаб, унинг «ўлим билан таҳдид қилинаётгани», «ўраб олингани» ва бошқа йирик давлатларнинг рақобати олдида «таназзул» хавфига дуч келаётганини таъкидлади. У яна «ўз ҳурматини ўрнатиш», «ўз хавфсизлигини таъминлаш», ва «стратегик мустақиллигини тиклаш»га қодир «кучли Европа»га чақирди.

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْرَجُوا﴾ «Мұмінлар хеч шак-шубхасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Геосиёсий контекстда Россиянинг Украинага бостириб киришидан кейинги хатти-харакатларини «қайсарона» деб таърифлар экан, Москванинг «чегаралари» қаерда эканлиги энди аниқ эмас деган. Унинг айтишича, Европа хавфсизлиги учун «Россия Украинадаги босқинчилік урушида ғолиб чиқмаслиги» шарт. Савдо жабхасида Макрон, Европа савдо сиёсатини «күриб чиқыш»га чақырар экан, савдо сиёсати Европа принципларини ҳурмат қилмайдиган Хитой ва Америка савдо амалиётлари қаршисида «бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қилиши керак», деди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бу янгилик бир қанча фактларни тасдиқлади. Яъни Европа қариб қолганини ва ўлим хавфига дуч келганини, бу ҳар бир давлат ўз улушкини олишга интилаётган катта ўзгаришлар даври эканлигини тасдиқлади. Бу яна Америка Европа-Европа можаросини қўзғатувчи энг катта ўйинчи бўлиб, унинг атрофларини заифлаштириш ва катта ҳуқуқ даври келганда ўз тасаввурларини уларга юклаш учун ҳаракат қилаётганини тасдиқлади. Ҳар бир инсоннинг аҳволини ўзгарирадиган бу ўзгаришда мусулмонларнинг ҳам ҳиссаси бўлишини Аллоҳдан сўраймиз.</p>		
<p>Босқинчи вужуд штаб бошлиғи бешта араб қўшинлари қўмондонлари билан учрашмоқда: Миср, Саудия Арабистони, Иордания, Бирлашган Араб Амирлиги ва Баҳрайн</p>		
<p>Американинг «Axios» сайти (Исройл) вужуди армияси бош штаб бошлиғи Херци Ха-леви Баҳрайнда беш араб давлатлари қўшинлари қўмондонлари билан учрашганини маълум қилди. Йиғилиш АҚШ марказий қўмондонлиги (CENTCOM) бошлиғи генерал Эрик Курйлла етакчилигига бўлиб ўтди. Унда (Исройл) Саудия Арабистони, Баҳрайн, Миср, Бирлашган Араб Амирлиги ва Иордания армиялари қўмондонлари иштирокида «минтақавий хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик» масалалари муҳокама қилинди. Учрашув ғазодаги уруш билан боғлиқ минтақавий сиёсий нозиклик туфайли эълон қилинмади ва диққат марказидан узоқда бўлиб ўтди. Чунки у босқинчи вужуд армияси 250 кун давомида ғазо секторида содир этаётган тажовуз ва қирғин авжига чиққан пайтда бўлди. Хабарда</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَحْرُمُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>айтилишича, учрашув – ғазодаги (Исройл) ҳарбий амалиётларига қарши ушбу араб давлатлари томонидан очик танқид ва кескин қоралашлар содир бўлганига қарамай – (Исройл) ва улар ўртасидаги ҳарбий мулоқот ва ҳамкорлик АҚШ армияси марказий қўмондонлиги сояси остида давом этайдан тасдиғи ҳисобланади.</p> <p>Ҳисоботда таъкидланишича, «Ҳаво ҳужумига ва ракетага қарши мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик АҚШ армияси марказий қўмондонлиги ва Пентагон сўнгги йилларда минтаقا қўшинлари билан ишлаган асосий масалалардан биридир». Унда айтилишича, Вашингтон Эроннинг апрел ойидаги босқинчи вўжудга қилган ҳужумини қайтаришни катта ютуқ ва бунга ушбу ҳаракатсиз эришиб бўлмас эди, деб ҳисоблади. Америка расмийларининг билдиришича, (Исройл) ва минтақадаги араб давлатлари билан бўлаётган ҳамкорлик ҳужум ҳақида разведка маълумотларини тўплаш ҳамда дрон ва ракеталардан эрта огоҳлантириш имконини берганини маълум қилди. Уларнинг қўшимча қилишича, ушбу ҳамкорлик Иордания ва Саудия Арабистонининг Эрон, Ироқ ва Ямандан (Исройл) томон учирилган ва уларнинг ҳаво ҳудуди орқали ўтаётган ракета ва дронларни қайтаришда самарали иштирокини ҳам ўз ичига олади.</p> <p>Ал-Ваъй: Бу хабар мусулмонларга қарши содир этилган энг катта жиноятлардан бирида иштирок этайдан мазкур давлатлар ҳукмдорларининг малайлиги ва разилликларини фош қиласди. Шунингдек, бошқа араб ва (исломий) давлатлар ушбу босқинчиликда Америка ва (Исройл) билан бирга – гарчи бошқа йўллар билан бўлсада – иштирок этайдан ҳақида ҳам хабарлар бор. Бу Америка ғазодаги воқеаларда кучли таъсирга эга эканлигини ва бу борада ўз сиёсатига эга эканлигини очиб беради. Нетаняху бу сиёсатда у билан рақобатлашмоқда ва бу иши учун кўпроқ товон тўлаш керак бўлади. Бу қандай қилиб Америка Эронга (Исройл) ва мазкур араб давлатлари учун қўрқитувчи ролини берганини очиб беради. Бу яна Америка ғазода содир бўлаётган воқеалардан ўзининг минтаقا борасидаги ечимининг бир қисми сифатида фойдаланаётганини очиб беради. Бу мусулмонларни Америка</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْرَجُوا﴾ «Мұмінлар хеч шак-шубхасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>ролига (Исроил) ролидан күпроқ әътиборли бўлишларига ҳамда Америка тақлиф қилаётган (икки давлат ечими) қабул қилиш ҳаром бўлган ечим эканлигини билишга чақиради. Қолаверса, Аллоҳ Таоло Фаластин масаласини энг мухим исломий масалалардан бирига айлантирган ва уни ҳеч қандай шароитда ҳам зое қилиш жоиз эмас. Мусулмонлар яна Эроннинг яқинлашиб келаётган ролидан әҳтиёт бўлишлари керак. Чунки бу Американинг энг зўр ролидир.</p>		
<p>Нафтали Беннет (исроил)ликларни «мамлакатдан чиқиб кетманглар» деб қолишга чорламоқда</p>		
<p>(Исроил)нинг собиқ бош вазири Нафтали Беннет ғазо секторига қарши тажовуз давом этаётган ва (Исроил) муваффақиятсизликка учраётган бир пайтда (исроил)ликларни 1948 йилдан бери энг оғир дамларни бошдан кечираётган давлатни тарк этмасликка чақиради. «Х» платформасидаги постида Беннет (исроил)ликларга мурожаат қилиб «Мамлакатни тарк этманг» деган. У қўшимча қилиб «Кеча ажойиб дастур мұхандислари жорий ўқув йили бошланишидан олдин (Исроил)ни тарк этиб Европадаги бир мамлакатга кетиши ҳақида айтишди ва бу мени жуда хафа қилди», деган. У давом этиб айтди «Биз мустақиллик урушидан бери (1948 йилги накба) энг оғир даврни бошдан кечирмоқдамиз. Халқаро бойкот, жиловлаш стратегиясининг муваффақиятсизликка учраши, 120та (исроил)ликнинг асирикда қолиши, минглаб боқувчисини йўқотган оиласлар, кимсасиз қолган Шимолий Жалил, минглаб кўчирилганлар, фақат ўзини ўйладиган вазирлар, иқтисод устидан назоратни йўқотиш ва дефицит кабилар шулар жумласидандир». У қўшимча қилиб шундай деди: «Бу мутлақо тўғри. Лекин биз бу ботқоқдан тезда чиқамиз ва бунга кучимиз етади». Унинг айтишича, мамлакатни тарк этиш ҳақидаги гап-сўзлар содир бўлмаслиги керак ва «бу ботқоқдан чиқиш учун (Исроил) халқининг барча истеъдоди ва фидоийлиги керак». Замон (Исроил) сайти урушнинг дастлабки 6 ойи давомида ярим миллиондан ортиқ (исроил)лик кетиб қайтмаганини эълон қилган эди.</p>		

Ал-Ваъй: Бунинг ажабланарли жоий йўқ. Чунки яҳудийлар уруш аҳли эмас, балки улар энг разил ҳаёт аҳлидир. Улар ўта қўрқоқликлари туфайли хавфни бошқаларга қараганда кўпроқ ҳис қилишади. Улар мусулмонларга қарши содир этаётган жиноятлари туфайли минтаقا улардан қаттиқ қасос олишга тайёрланаётгани ҳамда мусулмонларга берилган илоҳий ваъда рошид Халифаликни тиклаш, яҳудийлар билан жанг қилиш ва уларнинг давлатини йўқ қилишни тақозо этиши ҳақида ўйлашларида шак-шубҳа йўқ.

**Босқинчи армияси 7 октябрда қўлга тушган барча
маҳбусларни ўлдириш ҳақида буйруқ берганини ҳужжатлар
тасдиқламоқда**

Гаарец газетасининг маълум қилишича, босқинчи армияси 7 октябр куни Ганнибал протоколини амалга оширишга буйруқ берган ва (исроил)лик асирларини уларни асир олган қаршилик ҳаракатидагилар билан бирга Ғазога кетаётганда ўлдирган. Газетанинг таъкидлашича, улар кўриб чиқкан ҳужжатларга кўра, биринчи зарба протоколга мувофиқ Байт Ханун «Эрез» ўтиш жойида амалга оширилган, сўнгра Раим ҳарбий участкаси, Наҳал Ўз ва ажратувчи деворлар минтақаларида асирларни олиб кетаётган машиналарга ҳужум ўюштирилган.

Газетанинг айтишича, Ақсо тўғонининг дастлабки соатларида босқинчи армия сафида тартибсизликлар юзага келиб, алоқа узилиб қолган. Етказилган хабар даҳшатли воқеага ишора қилаётган эди. Нима бўлаётгани ҳақида ҳисобот олган аскарлар бу хабарларни етказишмади. Соат 11:22да Ғазо бўлимининг алоқа тармоғида барча кучларга «ҳеч қандай машина Ғазо секторига қайтмаслиги» ҳақида кўрсатма келган. Кўрсатмалар келгунига қадар, босқинчи армия Ғазо секторида бўлиб ўтган асирга олиш операциялари кўлами ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эди. Лекин у кўп нарса бўлганини билар эди ва ҳаммадан қутулиш ҳақида кўрсатма берганида, талаб қилаётган нарсасини биларди. Ҳужжатлар ҳужумнинг дастлабки соатларида ганнибал протоколидан фойдаланиш кўлами ва Ғазодаги минтақаларнинг қайси нуқталарида бўлгани ҳақидаги тафсилотларни очиб берган.

Газета бу кўрсатмалар натижасида қанча аскар ва кўчиб ўтганлар жабрланганини билмасада, бироқ газета томонидан тўплангандан маълумот ва хабарлардан кўриниб турибдики, жуда кўп (исроил)лик фуқаро ва ҳарбийлар хавф остида қолиб, (Исройл)нинг ўт очишига дучор бўлган. Газетанинг ёзишича, эрталаб соат 6:43да босқинчиларга ракеталар отилганда ва минглаб Қассам жангчилари ғазо минтақасидаги аҳоли пунктларига ҳужум қилиб, ғазо бўлинмасининг кузатув ва алоқа имкониятларига зарар етказганида, ғазо бўлинмаси қўмондони, бригада генерали Ави Розенфельд «босқин ўюштирилди» деган ҳисоботни эълон қилди.

Газетанинг таъкидлашича, бу чора бўлинма қўмондони ҳужум ва босқинни тўхтатиш учун одатдагидан кенгроқ ваколатларни, жумладан, Ганнибал протоколини ижро қилишга буйруқ берилганда босиб олинган ҳудудлар ичида шиддатли ўқ отишни ўз зиммасига олганини англатади. Ammo газетанинг ёзишича, бу буйруқ ғазо бўлинмаси қўмондони томонидан берилмаган. Газета 7 октябр куни эрталаб ғазо бўлинмасида содир бўлган воқеалардан хабардор бўлган (Исройл) хавфсизлик хизмати ходимининг сўзларидан иқтиbos келтириб ёзишича, «Ҳеч ким ташқарида нима бўлаётганини билмас эди. Розенфельд эса ташқарида уруш бўлаётганида ташқарига чиқмай тез ёрдам бўлимида бўлган. Хавфсизлик ходими шундай тушунтиради: «Ҳаммани ичкарига кирган жангчилар сони ҳайратга солди, бундай ҳолатни тушимизда ҳам кўрмаган эдик. Лекин бизда бундай ҳужумга қарши ҳеч қандай режа йўқ эди. Биз асиirlар сонини ҳам, кучларнинг жойлашишини ҳам билмасдик. Шунда ақлсиз жазава ҳолати ҳукм суриб, ҳеч қандай маълумотсиз қарорлар қабул қилина бошлади».

Ал-Ваъй: Бу ўзини ҳимоя қила олмайдиган (Исройл), Ғарбнинг барбод бўлган мустамлака лойиҳаси. Унинг ҳалокат куни яқинлашмоқда. Бу хабар бизга Бану Назир яҳудийларини эслатмоқда:

(هُوَ الَّذِي أَخْرَجَ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ مِنْ دِيْرِهِمْ لِأَوَّلِ الْحَسْرِ مَا ظَنَنْتُمْ أَنْ يَخْرُجُوا وَظَنَنْتُمْ أَنَّهُمْ مَا يَنْعَثُمْ حُصُونُهُمْ مِنَ اللَّهِ فَأَتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ حَيْثُ لَمْ يَحْتَسِبُو وَقَدَّافٌ فِي قُلُوبِهِمُ الرُّعْبُ يُخْرِبُونَ بُيُوتَهُمْ يَأْيُدِيهِمْ وَأَيْدِيَ الْمُؤْمِنِينَ فَاعْتَرُرُوا يَا أُولَئِكَ الْأَبْصَرِ)

«У аҳли китоблардан (яхудийлардан) кофир бўлган кимсаларни биринчи тўплашдаёқ ўз диёрларидан ҳайдаб чиқарган зотдир. (Эй мўминлар), сизлар уларнинг чиқиб кетишларини ўйлаган ҳам эмас эдингиз. Улар ҳам ўзларининг қўрғон-қалъаларини Аллоҳ(нинг азобидан) тўсгувчи деб ўйлаган эдилар. Бас, Аллоҳ(нинг азоби) улар ҳисобга олмаган томондан келди ва дилларига қўрқинч солди. Улар уйларини ўз қўллари ва мўминларнинг қўллари билан бузурлар. Бас, эй ақл эгалари, (уларнинг аҳволидан) ибрат олингиз!»

[Ҳашр 2]

Эй ақл эгалари ибрат олингиз. □

ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

(إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَاءُوا وَنَصَرُوا
 أُولَئِكَ بَعْضُهُمُ أُولَئِكَ بَعْضٌ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَلَمْ يُهَاجِرُوا مَا لَكُمْ مِنْ شَيْءٍ حَتَّى
 يُهَاجِرُوا وَإِنَّ أَسْتَنْصَرُوكُمْ فِي الَّذِينَ فَعَلَيْكُمُ التَّصْرُّ إِلَّا عَلَى قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ مِيشَقٌ وَاللَّهُ
 يَعْلَمُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ)

«Албатта, иймон келтирган, ҳижрат қилган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилган зотлар ва (Маккадан ҳижрат қилиб келган муҳожирларга) уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар – ана ўшалар, бир-бирларига дўстдирлар (яъни, тириклари бир-бирига ҳамкор, ўрталарида ўлим бўлса, бир-бирларига меросхўрдирлар). Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаган (яъни ҳали-ҳануз Маккада яшаб турган) кишилар эса то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар (яъни, бир-бирларингизга ҳамкор, меросхўр бўла олмайсизлар). Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир. Магар уларга, ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳд-паймон бўлган қавмга зарар етказиш билан ёрдам қилмайсизлар. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчи» [Анфол 72]

Тафсир Васитда шундай дейилган:

Аллоҳ Таборака ва Таоло Анфол сурасини якунлаган бу оятлар Пайғамбар давридаги мўминларнинг бир неча қисмга бўлинганини очиқ-оидин кўрсатиб, ҳар бир қисмнинг ҳукмини айтиб ўтган. Биринчи қисм – биринчи ҳижратда ҳижрат қилган муҳожирлар. Иккинчи қисм – Мадиналик ансорлар. Учинчи қисм – ҳижрат қилмаган мўминлар. Тўртинчи қисм – Ҳудайбия сулҳидан кейин ҳижрат қилган мўминлар. Аллоҳ Таоло биринчи ва иккинчи қисм ҳақида:

(إِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَاءُوا وَنَصَرُوا)
(Албатта иймон келтирган, ҳижрат қилган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилган зотлар ва уй-

жой беріб, ёрдам қылған зотлар...), дейди. Яғни Аллоҳ Таолога ҳақиқий иймон келтирған ва ҳижрат қылғанлар, бошқача айтганда үз динлари билан мушрикларнинг фитнасидан қочиб, Аллоҳнинг динини ер юзида ёйиш учун ватанлари, юртлари ва дунё ҳәётидаги қимматбаҳо нарсаларини ташлаб, ҳижрат қылғанлар. Молу жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қылғанлар. Яғни улар содиқ иймонардың бўлишлари билан бир қаторда ҳаққа ёрдам бериш учун жонларини янада кўпроқ қийнадилар, дунё матоҳи учун эмас, балки Аллоҳни рози қилиш ва динига ёрдам бериш мақсадида моллари ва жонларини фидо қилдилар. Кўряпсизки, Аллоҳ Таоло ҳижрат қилишда биринчилардан бўлган мўминларнинг бу қисмини энг улуғ, энг олийжаноб фазилатлар билан сифатлади. Уларни содиқ иймон, үз динлари билан фитналардан қочиб ҳижрат қилиш ва Аллоҳнинг калимасини олий қилиш йўлида мол ва жон билан жиҳод қилиш сифатлари билан сифатлади. Ушбу улуғ сифатлар воқе бўлиш тартибида жойлаштирилган. Биринчи ҳосил бўлган нарса бу иймон, сўнг ҳижрат ва ундан кейин жиҳод. Бу ерда мол билан жиҳод қилишни жон билан жиҳод қилишдан олдин келтирилган. Чунки мол билан жиҳод қилиш воқеликда кўпроқ ва эҳтиёжни тўлиқроқ қондиради. Зоро, жон билан жиҳод қилишни мол билан жиҳод қилишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оятдаги (*Аллоҳнинг йўлида*) ибораси (*жиҳод қылғанлар*) иборасига мутааллиқ (боғланган) бўлиб, уларнинг жиҳоди бирор дунёвий мақсад учун эмас, балки ҳаққа ёрдам бериш ва Аллоҳнинг калимасини олий қилиш учун бўлганини кўрсатиб беради.

﴿إِذَا وَأَوْتَنَّا مُصْرِفًا﴾

(Й-жой беріб, ёрдам қылған зотлар) ибораси Пайғамбаримиз давридаги иккинчи тоифа мўминларнинг таърифидир. Улар Мадиналик ансорлар бўлиб, муҳожирларга бағрини очдилар ва уларни яхши кутиб олдилар. Уларни үз уйларига киритдилар, улар учун молларини аямай сарфладилар, уларни ўзларидан устун кўрдилар ва душманларига қарши ёрдам бердилар. Ояти карима ансорларни икки сифат билан сифатлади. Биринчиси: хавф-хатардан хотиржам қилиш маъносидаги бошпана бериш. Чунки

бошпана бу хавфсиз жойдир. Дарқақиқат Мадина мұхожирлар үчүн бошпана бўлиб, аҳолиси саҳийлик ва ийсор (ўзидан устун кўриш)нинг намунаси бўлди. Иккинчиси: нусрат. Чунки Мадина аҳли Росууллоҳ  ва мұхожирларга ўзлари эгалик қилган барча воситалар билан ёрдам бердилар. Мұхожирларга қарши уришганларга қарши уришдилар ва уларнинг душманларига душманлик қилдилар. Шунинг үчүн Аллоҳ Таоло анзорлар ҳукмини мұхожирлар ҳукми билан бир хил қилиб шундай деди:

﴿وَلِلَّٰهِ بَعْضُهُمْ أَوْلَىٰءِ بَعْضٍ﴾

(Ана ўшалар бир-бирларига дўстдирлар). Бу ердаги исми ишора (ана ўшалар) аввалги мұхожирлар ва анзорларни билдиради.

أولياء کالimasи  калимасининг кўплек шакли бўлиб, бу сўз ёрдам берувчи, қўллаб-қувватловчи, дўст, яқин киши... кабиларга ишлатилади. Бу ерда дўстликдан мурод ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва меросхўрлик кабиларни ўз ичига оладиган умумий дўстликдир. Яъни бу фазилатли сифатлар билан сифатланган кишилар ёрдам, ҳамкорлик ва меросхўрликда бир-бирига дўстдирлар деганидир. Чунки уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари муштаракдир. Бу ҳақда Улусий шундай дейди: «Ибн Аббосдан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз мұхожир ва анзорларни бир-бирига биродар тутиндирдилар. Агар бирор мұхожирнинг Мадинада валийси бўлмаса, анзор биродаридан мерос оладиган ва бунинг акси (яъни бирор анзорнинг валийси бўлмаса мұхожирдан мерос оладиган) бўлди. Уларнинг ҳоли Макка фатҳигача шундай давом этди. Сўнгра улар наسابга кўра мерос оладиган бўлдилар, чунки фатҳдан кейин ҳижрат йўқ. Шунга кўра ушбу оят Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَأُولُو الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَىٰ بِبَعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّٰهِ﴾

«Аллоҳнинг китобида қон-қариндошлар бир-бирига (меросхўр бўлишга) ҳақдорроқдир» [Анфол 75] ояти билан насх бўлди. Асом айтади: ушбу оят муҳкам оятдир, дўстликдан мурод нусрат ва ёрдамда дўст деганидир. Бизнингча бу ердаги дўстлик умумий бўлиб, мусулмонлар мұхтож бўладиган ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ўзаро кафолат, ўзаро мерос ва бошқаларни ўз ичига олади.

Аллоҳ Таолонинг:

(وَاللَّذِينَ ءامَنُوا وَلَمْ يُهَاجِرُوا مَا لَكُمْ مِنْ وَلَيْتَهُمْ مِنْ شَيْءٍ حَتَّىٰ يُهَاجِرُوا۝)

(Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаган (яғни ҳали-ҳануз Маккада яшаб турган) кишилар эса то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар (яғни, бир-бирларингизга ҳамкор, меросхўр бўла олмайсизлар...) қавли Пайғамбаримиз давридаги учинчи қисм мўминлар ҳукмининг баёнидир. Яғни оятда сизларга юқорида айтиб ўтганим бу аввалги муҳожирлар ва уларга бошпана бериб, ёрдам қилган ансорларнинг ҳукмидир. Аммо иймон келтириб, ҳижрат қилмаганларнинг ҳукмига келсак, улар ширк ерида мушриклар бошқаруви ва ҳукми остида қолганлари учун улар билан муҳожир ва анзорлар ўртасида – улар Мадинаға ҳижрат қилмагунларича – мерос дўстлиги йўқ. Эй мўминлар улардан ҳамкорлик ва ёрдам кутманг. Чунки улар ширк ери ва унинг ҳукмронлиги остида қолганлари учун сизларга ёрдам бериш воситаларидан маҳрумдирлар.

Сўнг Аллоҳ Таоло:

(وَإِنْ أُسْتَنَصِرُوكُمْ فِي الَّذِينَ فَعَلَيْكُمُ النَّصْرُ إِلَّا عَلَىٰ قَوْمٍ بَيْتَهُمْ مَيْتَقُونَ۝)

(Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зимманигиздадир. Магар уларга ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳд-паймон бўлган қавмга зарар етказиш билан ёрдам қилмайсизлар) деди. Яғни агар ўша ҳижрат қилмаган мўминлар диндаги душманларингизга қарши сизлардан ёрдам сўрасалар, уларга ёрдам бериш зимманигиздадир. Чунки улар сизларнинг ақидадаги биродарларингиздир. Фақат бир шарт билан, яғни сиз билан ўша душманлар ўртасида уришмаслик аҳди бўлмаслиги керак. Агар шундай аҳд бўлса, ҳижрат қилмаган мўминларга ёрдам беришингиз мумкин эмас. Чунки сиз билан уришмаслик аҳди бўлган қавмга қарши уларга ёрдам беришингиз ўртангиздаги аҳдни бузиш бўлади. Яғни сизлар уришмаслик аҳди бўлган кофирларга қарши эмас, балки уришаётган кофирларга қарши ёрдам беришингиз зарур. Бу – Ислом аҳдларга риоя қилиши, шартнома ва келишувларни ҳурмат қилишига далолат қиласи. Жамал айтади: Аллоҳ Таоло аввалги икки қисм ўртасида ўзаро ёрдам ва меросхўрлик бўлишини қайд қилган бўлса, учинчи

тоифаны меросдан маҳрум қилиб, ёрдам беришни қайд қилди.
Аллоҳ Таолонинг:

(وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ)

(Аллоҳ қилаётган амалларингизни күргувчиidir) қавли хотима бўлиб, ундан Аллоҳга итоат қилишга тарғиб ва исёндан қўрқитиш мақсад қилинганд. Яъни Аллоҳ Таоло барча амалларингиздан хабардор. Шунинг учун Унга итоат қилинг ва бўйруқларига қарши чиқманг. □

АЛЛОҲ ТАОЛО ЎЗ РОСУЛИГА ҲИЖРАТ ЖОЙНИ БИЛДИРИШИ

Пайғамбаримиз ﷺ нинг ҳижрати ҳақида олдинги
умматлардаги хабарлар:

– Насронийларнинг китобида келишича, Росууллоҳ үккі
тошлоқ орасидаги ерга ҳижрат қиласы. Имом
Ахмад айтади: Ибн Аббос Салмон Форсийдан ривоят
қилишича у Исломга киришдан олдин түғри динни излаб
бир неча руҳоний ҳузурига боради. У охирги руҳонийга
боргач, руҳоний унга Ислом пайғамбарини тавсия қилиб
шундай дейди: «Яқинда чиқажак пайғамбарнинг вақти
келиб қолди. У Иброҳим ﷺ дини билан юборилиб,
Араб ерларидан чиқади. У икки ҳарра (қора тошли жой)
оралиғидаги хурмозор ерга ҳижрат қиласы. Унинг ўзига
хос белгилари бўлиб, ҳадя қилинган нарсани ейди, аммо
садақани емайди. Унинг икки кураги орасида
пайғамбарлик муҳри бор. Агар қодир бўлсанг, шу шаҳарга
бор».

– Яҳудийлар китобида Росууллоҳ үлкен Тоба деган жойга
ҳижрат қилиши ҳақида айтилган: Доримий ривоят
қилишича Ибн Аббос ﷺ Каъбул Ахбордан Тавротда
Росууллоҳ үлкен қандай сифатланган деб сўради. Шунда
Каъб, унда Мұхаммад ибн Абдуллоҳ Маккада туғилади,
Тобага ҳижрат қиласы ва унинг мұлки Шомда бўлади. У
фаҳш билан шуғулланмайди, бозорларда шовқин сурон
қилмайди ва ёмонликни ёмонлик билан жазоламайди,
балки афв этиб, кечиради. Унинг Уммати ҳар бир
хурсандчиликда Аллоҳга ҳамд айтади, Аллоҳ ёрдам
бергани учун уни улуғлайдилар. Улар қўл-оёқларини
ювадилар ва изор киядилар, жангда қандай саф
тортсалар, намозда ҳам шундай саф тортадилар. Уларнинг
масжидлардаги шовқинлари асаларининг шовқинига
ўхшайди ва уларнингnidosi осмонда эшитилади...».

Бошқа ривоятда «У Маккада туғилади, Тойбага ҳижрат қиласы ва мулки Шомда бўлади», дейилган.

— Аллоҳ Таоло Росулига ҳижрат жойини билдириши: Бухорий ривоят қилган ҳадисда Оиша ﷺ айтади: Пайғамбаримиз ﷺ мусулмонларга шундай дедилар: «Менга ҳижрат қиласидиган ерларингиз кўрсатилди, у икки тошлоқ орасидаги хурмозор экан. Шунда Мадинага ҳижрат қилувчilar у ерга ҳижрат қилдилар. Ҳабашистонга ҳижрат қилган гуруҳ ҳам Мадинага келди».

— Насоий Анас ибн Моликдан ривоят қилишича, Росууллоҳ ﷺ дедилар: «Менга эшакдан баландроқ ва хачирдан пастроқ ҳайвон келтирилди, унинг ҳар бир қадами кўзи тушган ернинг охирига тушар эди. Мен унга Жаброил ﷺ билан бирга миндим ва юрдим. Шунда Жаброил тушиб намоз ўқинг деди ва мен тушиб намоз ўқидим. У, қаерда намоз ўқиганингизни биласизми? – деб сўради. Мен, Тойбада ўқидим ва ўша жойга ҳижрат қиласман, дедим. Сўнгра у, тушиб намоз ўқинг, деди. Мен намоз ўқидим. Шунда у, қаерда намоз ўқиганингизни биласизми? – деб сўради. Мен, Аллоҳ Мусо билан гаплашган Сино тоғида, дедим. Сўнгра у, тушиб намоз ўқинг, деган эди, мен намоз ўқидим. Шунда у, қаерда намоз ўқиганингизни биласизми, деди. Мен Исо туғилган Байтул Лаҳмда дедим. Сўнгра Байтул Мақдисга кирдим, у ерда пайғамбарлар йиғилди. Жаброил мени олдига ўтказган эди, мен уларга имомлик қилиб намоз ўқидим. Кейин мен дунё осмонига кўтарилидим...».

— Росууллоҳ ﷺ ниңг саҳобаларига Мадинага ҳижрат қилишга рухсат беришлари: Ибн Саъд Табақотда Оиша ﷺ дан ривоят қиласи: «Росууллоҳ ﷺ ҳузуридан етмиш киши (Ҳабашистонга) ҳижрат қилгач, хурсанд бўлдилар. Чунки Аллоҳ Таоло у кишини уруш, тайёргарлик ва ёрдамга қодир қавм билан қувватлаган эди. Мушриклар мусулмонларнинг ҳижрат қилишини билганликлари учун улар томонидан мусибат янада қаттиқроқ бўлди. Мушриклар уларга босим қилиб, қийнашди. Мусулмонлар

олдин йўлиқмаган ҳақорат ва азиятларга йўлиқдилар. Мусулмонлар Росууллоҳ ﷺ га бундан шикоят қилиб, ҳижратга рухсат сўрадилар. Шунда Росууллоҳ ﷺ:

«قَدْ أُخْرِتُ بِدَارِ هَجْرَتْكُمْ وَهِيَ يَئْرَبُ، فَمَنْ أَرَادَ الْخُرُوجَ فَلِيَخْرُجْ إِلَيْهَا»

«Менга сизларнинг қаерга ҳижрат қилишингиз ҳақида хабар берилди, у Ясирибдир. Ким ҳижрат қилишни хоҳласа Ясирибга борсин» дедилар. Шундай қилиб одамларни тайёргарлик кўриш, муроса қилиш, бир-бирига тасалли бериш ва яширин ҳолда чиқиб кетишга буюрдилар».

— Аллоҳ Таолонинг Ўз Росулига ҳижрат қилишига рухсат бериши: Росууллоҳ ﷺ мұхожир саҳобалардан кейин ҳижрат қилишга рухсат берилишини кутиб турдилар. Мұхожирлардан фақат қамоққа тушган ва фитнага учраганлар ҳамда Али ибн Абу Толиб ва Абу Бакр қолди. Абу Бакр Росууллоҳ ﷺдан ҳижрат қилишга кўп рухсат сўрар эди. Росууллоҳ ﷺ, «Шошиманг эҳтимол Аллоҳ сизга ҳамроҳ берар» дер эдилар. Абу Бакр эса Росууллоҳга ҳамроҳ бўлишни умид қиласар эди.

— Ҳижратни мұҳокама қилиш учун кенгаш ўтказилиши: Муборакфурий Роҳиқул Махтумда айтади: Мушриклар Росууллоҳ ﷺ саҳобаларининг тайёрланиб, йўлга чиқанлари ҳамда болалари, гўдаклари ва молмулкларини Авс ва Хазражга олиб кетишганини кўргач, тушкунликка тушиб, ғамгин бўлишди. Улар ҳеч қачон бўлмаган ташвиш ва қайғуга тушишди. Дарҳақиқат улар олдида уларнинг иқтисодий ва бутпарастлик вужудига таҳдид қилувчи ҳақиқий, катта хатар пайдо бўлган эди. Улар Мұхаммад ﷺнинг шахсиятидаги комил раҳбарлик ва тўғри йўлга етаклаш билан бирга таъсир қилиш кучини, саҳобаларидағи азму-қарор, тўғрилик ва у кишининг йўлида жонларини фидо қилиш сифатларини билишар эди. Шунингдек, Авс ва Хазраж қабилаларидағи куч ва қудратни, уларнинг оқилларидағи тинчлик ва эзгулик туйғуларини, айниқса, йиллар давомида ички урушлар аламини тотганларидан кейин бир-бирларини хусумат

қилмасликка чақиришларини билишар эди. Бундан ташқари, мушриклар Мадинанинг Қизил денгиз соҳиллари орқали Ямандан Шомга ўтадиган савдо йўлига нисбатан стратегик жойлашувини билишар эди. Дарҳақиқат Макка аҳли ҳар йили Шомда Тоиф ва бошقا жойлардан ташқари чорак миллион динор миқдорда олтин билан савдо қилар эди. Маълумки бу тижоратда асосий эътибор ўша йўлда хавфсизлик барқарорлиги эди. Ясирида исломий даъватнинг марказлашиши ва ясирибликларнинг уларга қарши бўлишида Қурайш учун катта хатар борлиги аниқ эди. Мушриклар ўзларининг вужудига таҳдид solaётган хатарнинг кattалигини ҳис қилишди. Улар бу хатарни қайтаришнинг энг муваффақиятли воситаларини излай бошлишди. Бу хатарнинг асосий манбаи исломий даъват байроғини кўтарувчи Мұхаммад ﷺ эди. Пайғамбарликнинг 14 йили 26 сафар пайшанба, милодий 622 йил 12 сентябр куни, яъни катта Ақаба байъатидан тахминан икки ярим ойдан кейин Макка парламенти (Дорун Надва) эрта тонгда ўз тарихидаги энг хавфли йиғилишни ўтказди. Ушбу мажлисга Қурайш қабилаларининг барча вакиллари тўпланишди. Улар Ислом даъватининг байроғини тезда йўқ қилишни таъминлаш ва унинг нурини умуман ўчириш учун ҳал қилувчи режани кўриб чиқишиди. Бу хатарли йиғилишда кўзга кўринган шахслар Қурайш қабиласидан эди: 1-Абу Жаҳл ибн Ҳишом, Бану Махзум қабиласидан. 2, 3, 4-Жубайр ибн Мутъим, Туайма ибн Адий, Ҳорис ибн Омир, Бану Навфал ибн Абдуманоффдан. 5, 6, 7-Робианинг икки ўғли Шайба ва Утба, Абу Суфён ибн Ҳарб, Бану Абдушамс ибн Абдуманоффдан. 8-Назр ибн Ҳорис, Бану Абдулдордан. 9, 10, 11-Абул Бахтарий ибн Ҳишом, Замъа ибн Асвад, Ҳаким ибн Ҳизом, Бану Асад ибн Абдулззодан. 12, 13-Ҳажжожнинг икки ўғли Нубайҳ ва Мунаббиҳ, Бану Саҳмдан. 14-Умайя ибн Халаф, Бану Жумаҳдан. Улар белгиланган вақтда Дорун-Надвага келишгач, муҳтарам оқсоқол кўринишдаги иблис улар олдига келди. Унинг эгнида қалин кийим бор эди. У Дорун-Надва эшигига келиб

түхтади. Ундан «Ким бу мўйсафид?» деб сўрашди. У «Йиғилишингиздан хабар топган наждлик мўйсафид. Айтадиган гапларингизни эшлишга сизлар билан бирга ҳозир бўлганлардан бири. Умид қиласманки, фикр насиҳатларимдан бебаҳра қолмассиз», деди. Улар, «Албатта, келинг, киринг», дейишди. Иблис улар билан бирга парламент баҳс-мунозараси ва Пайғамбар  ни қатл қилиш учун шафқатсиз қарор йиғилишига кирди. Шунда турли таклиф ва ечимлар ўртага ташланди ва баҳс-мунозара узоқ давом этди. Абул Асвад айтди: «Уни орамиздан чиқариб юборайлик ва юртимиздан қувғин қилайлик. Шундан кейин қаерга кетса кетаверсин, шунда ишларимизни олдингидек ислоҳ қиласми». Шунда наждлик мўйсафид: «Йўқ, асло, Аллоҳга қасамки, бу фикр бўлмайди. Сиз унинг гўзал сўзи, ширин тили ва олиб келганлари билан одамлар қалбини ром этаётганини кўрмаяпсизми? Аллоҳга қасамки, агар шундай қилсангиз унинг араблардан бир қабилага бориб, уларнинг ҳимоясига кирмаслигидан амин бўлмайсиз. Сўнгра унга эргашадилар ва улар билан сизнинг устингизга юриш қилиб, ўз шаҳрингизда сизларни тор-мор қилиб, сизлар билан хоҳлаганини қиласди. Унга қарши бундан бошқа чорани ўйланг», деди. Абул Бахтарий: «Унга темирдан киshan уриб, бир уйга қамаб қўйинг. Сўнгра ундан олдин оқибати шундай бўлган Зухайр, Нобиға ва бошқа шоирларга етган ўлим унга ҳам етишигача кутинг», деди. Шунда наждлик мўйсафид: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, бу фикрингиз ҳам бўлмайди. Қасам ичиб айтаманки, айтганингиздек қамаб қўйилса, саҳобаларига бу хабар етиб боради. Улар устингизга бостириб келиб, уни қутқаради, кўпчилик бўлиб сизни енгадилар. Шундай экан, бу фикр ноўрин. Бунга бошқа чора топинг», деди. Парламент ушбу икки таклифни рад этгач, бошқа бир таклиф тақдим этилди ва унга барча рози бўлди. Бу таклифни Макканинг энг катта жиноятчиларидан бири Абу Жаҳл ибн Ҳишом тақдим этди. У айтди: «Аллоҳга қасамки, у ҳақида менда ҳақиқатан зўр

фикр бор. Ундаини ҳали топганингизни кўрмадим». Улар «Нима экан, у эй Абул Ҳакам?», деб сўрашди. У «Ҳар бир қабиладан ёш, матонатли, насабли ва шарафли йигит танлаб оламиз. Сўнгра ҳар бир йигитга ўткир қилич берамиз. Улар Мұхаммаднинг устига бостириб бориб, барчаси тенг қилич солиб уни ўлдиришади. Шундай қилиб биз ундан қутиламиз. Агар улар шундай қилишса унинг қони барча қабилаларга ёйилиб кетади ва Бану Абдуманноф барча қабилаларга қарши уриша олмайди. Охир оқибат биздан товон олишга рози бўлишади, биз эса товонини берамиз», деди. Шунда наждлик мўйсафид «Гап деган мана бу одамнинг гапидай бўлиби. Бундай фикр бошқа бўлмайди», деди. Макка парламенти шу таклифга рози бўлган ҳолда тарқалди. Улар бу қарорни зудлик билан амалга оширишга аҳд қилишди.

– Али пайғамбаримизнинг ётоқларида тунаб қолиши: Ибн Касирнинг «Бидоя ва Ниҳоя» китобида шундай дейилади: «Жаброил  Росулуллоҳ  олдиларига келиб «Бу кеча ҳар доим ётиб ухлайдиган ўрнингизда ётманг», деди. Кеча зулмати бостиргач, ёлланган йигитлар Росулуллоҳ  эшиклари олдида йиғилиб, ҳужум қилиш учун у кишининг ухлашларини кутишди. Росулуллоҳ  уларнинг турган жойини кўргач, Али ибн Абу Толибга: «**Менинг жойимда ёт. Мана бу хазрамий яшил хирқамга ўраниб ухла. Сенга улардан ҳеч қандай ёмонлик етмайди**», дедилар. Росулуллоҳ  ухлаганларида ана шу хирқаларига ўраниб ухлар эдилар. Ибн Исҳоқ айтади: Язид ибн Зиёд менга Мұхаммад ибн Каъб Қуразийдан ривоят қилди: «Мұхаммад  ўлдириш учун йиғилганда у ерда Абу Жаҳл ҳам бор эди. Улар Росулуллоҳ  эшиги олдида турганда у айтди: «Дарҳақиқат Мұхаммад, сиз унга эргашсангиз, араблар ва ажамларнинг подшоҳи бўласиз. Сўнгра ўлгандан кейин қайта тириласиз. Сизга Урдун жаннатларидек жаннатлар берилади. Агар эргашмасангиз, унинг амири билан бўғизланасиз. Ўлгандан сўнг қайта тирилтириласиз. Кейин

сизга дўзах ҳозир қилиниб унда ёнасиз дейди». Ровий деди: «Росууллоҳ  ташқарига чиқдилар ва қўлларига бир ҳовув тупроқ олиб: «Ҳа, мен шундай дейман, сен улардан (дўзах аҳлидан) бирисан», дедилар». Аллоҳ уларнинг кўзини тўсиб қўйгани туфайли у зотни кўришмади. Ушбу ояларни ўқиб қўлларидағи тупроқни уларнинг бошлари узра соча бошладилар:

(يَسْ وَالْقُرْءَانُ الْحَكِيمُ إِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ عَلَىٰ صَرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ
تَنْزِيلُ الْعَزِيزِ الرَّحِيمِ لِتُنذِرَ قَوْمًا مَا أَنذَرَ إِبْرَاهِيمَ فَهُمْ غَفِلُونَ لَقَدْ حَقَّ
الْقَوْلُ عَلَىٰ أَكْثَرِهِمْ فَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ إِنَّا جَعَلْنَا فِي أَعْنَاقِهِمْ أَغْلَالًا فَهُنَّ إِلَىٰ
الْأَذْقَانِ فَهُمْ مُّقْمَحُونَ وَجَعَلْنَا مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ سَدًّا وَمِنْ خَلْفِهِمْ سَدًّا
فَأَعْشَيْنَاهُمْ فَهُمْ لَا يُصْرُونَ)

«Ё, Син. (Эй Мұхаммад, ушбу) ҳикматли Қуръонга қасамки, ҳеч шак-шубҳасиз сиз Тўғри йўл (яъни ҳақ дин) устидаги пайғамбарлардандирсиз. (Бу Қуръон) отабоболари (бирон пайғамбар орқали охират азобидан) огоҳлантирилмасдан, ғофил бўлиб қолган бир қавмни огоҳлантиришингиз учун қудратли ва меҳрибон зот томонидан нозил қилингандир. Аниқки уларнинг кўпларига Сўз (яъни азоб ҳақидаги ҳукм) ҳақ бўлгандир. Бас улар иймон келтирмаслар. Дарҳақиқат Биз уларнинг бўйинларига то иякларигача (етадиган) кишанларни уриб қўйдик, бас улар ғўдаиб қолдилар (яъни улар Ҳаққа эгилмаслар). Ва Биз уларнинг олдиларидан бир тўсиқ-парда қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас улар кўра олмаслар» [Ёсин 1-9]

Росууллоҳ  улардан бирор кишини қолдирмай бошига тупроқ сепиб, кейин ўзлари хоҳлаган томонга кетдилар. Улар орасида бўлмаган бир киши келиб «Бу ерда кимни кутиб турибсизлар?» деди. Улар: «Мұхаммадни», дейишди. У эса: «Аллоҳ сизни балога гирифтор қилсин, Аллоҳга қасамки, Мұхаммад сизнинг

олдингиздан чиқиб кетди. Сүнгра орангиздан бошига тупроқ сочмаган бирон киши қолдирмасдан йўлида давом этди. Бу ҳолингизни кўрмаяпсизми?» деди. Шунда ҳар бир киши қўлини бошига тегизганда тупроқни сезди. Сүнгра улар уй ичига қараши ва у ерда Алини Росууллоҳ, ﷺнинг хирқаларига бурканган ҳолда тўшакда ётганини кўришди. Шунда «Аллоҳга қасамки, анави ётган шубҳасиз Мұхаммаддир. Устида хирқаси ҳам бор», дейишди. Тонг отгунча шундай деб жойларида тураверишди. Тонгда Али тўшакдан тургач: «Аллоҳга қасамки, бизга кеча хабар берган кишининг сўзи тўғри экан», дейишди.

Пайғамбаримизнинг Маккадан Мадинага ҳижратлари: Росууллоҳ, ﷺнинг Маккадан Мадинага ҳижратлари ҳақида Оиша رض айтади: «Мен ақлимни танибманки, ота-онам динда бўлганлар. Росууллоҳ бизникуга ҳар куни эрталаб ва кечки пайт келардилар... Ўша куни Пайғамбар ﷺ Маккада эдилар, мусулмонларга шундай дедилар:

«إِنِّي أُرِبِتُ دَارَ هِجْرَتِكُمْ، ذَاتَ نَخْلٍ يَمِّنَ لَا يَبْيَنِ»

«Менга ҳижрат қиласидиган ерларингиз кўрсатилди, у икки тошлоқ орасидаги хурмозор экан». Шунда Мадинага ҳижрат қилувчилар у ерга ҳижрат қилдилар ва Ҳабашистонга ҳижрат қилган гурӯҳ Мадинага қайтиб келди. Абу Бакр Мадина томонга боришга тайёргарлик кўрди. Росууллоҳ ﷺ унга дедилар: Шошилманг, чунки менга ҳижратга рухсат берилишини умид қиласман. Шунда Абу Бакр رض: отам сизга фидо бўлсин, шуни умид қиласизми? – деди. Росууллоҳ ﷺ: Ҳа, дедилар. Абу Бакр Росууллоҳ ﷺга ҳамроҳ бўлиш учун ҳижратдан ўзини тийди ва ўзидаги икки туюни акация барги билан тўрт ой боқди. Бир кун биз чошгоҳ вақтидан бир оз ўтганда Абу Бакрнинг уйида ўтирган эдик. Шунда кимдир, Росууллоҳ ﷺ бошларини ўраган ҳолда одатда бизникуга келмайдиган бир вақтда келяптилар, деди. Абу Бакр, Ота-онам у зотга фидо бўлсин, агар зарур иш бўлмаса бу вақтда

келмасдилар, деди. Росууллоҳ ﷺ келиб, изн сўрадилар. Абу Бакр изн берди. У зот кириб, Ҳузурингиздагиларни чиқариб юборинг, дедилар. Абу Бакр, булар аҳлингиз, отам сизга фидо бўлсин, ё Росууллоҳ ﷺ, деди. У зот, менга йўлга чиқишга рухсат берилди, дедилар. Абу Бакр, сизга ҳамроҳлик қилишни хоҳлайман, отам сизга фидо бўлсин, ё Росууллоҳ ﷺ, деди. Росууллоҳ ﷺ, ҳа, дедилар. Абу Бакр, отам сизга фидо бўлсин, мана бу икки туюмдан бирини олинг, деди. Росууллоҳ ﷺ, пулга оламан, дедилар. Сўнг биз отам ва Росууллоҳ ﷺ учун тезда сафар тадоригини кўриб, бир хуржунга озиқ-овқат солдик. Шунда Асмо бинт Абу Бакрнинг камаридан бир бўлак йиртиб олиб, у билан хуржуннинг оғзини боғлаб қўйди. Шу сабабли у икки камарли деб аталадиган бўлди. Сўнг Росууллоҳ ﷺ ва Абу Бакр Савр тоғидаги ғорга етиб бордилар. У ерда уч кеча яшириниб ётдилар. Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ ҳам уларнинг ҳузурида тунади. У ёш йигитча бўлиб, зийрак, чаққон эди. У тонг саҳарда уларнинг ҳузуридан чиқардида, тезда Маккага бориб, худди шу ерда тунагандек Қурайш билан тонг оттиарди. Росууллоҳ ﷺ ва Абу Бакрга қарши бўлаётган фитналарни эшитиб, фаҳмлаб олиб, қоронғи тушганда бориб уларни бундан воқиф қиласди. Абу Бакрнинг озод қилган қули Омир ибн Фуҳайра бир қўйни яшириб қўйиб хуфтондан кейин уларнинг олдига ҳайдаб бориб ташлаб келарди. Икковлари то Омир ибн Фуҳайра саҳарга яқин келиб қўйни чақирмагунча, уни соғиб кундузи қизиб қолган тош чуқурчасида пишириб ичиб, жимгина тунни ўтказар эдилар. Омир ибн Фуҳайра ўша уч кеча давомида шундай қиласди. Кейин Росууллоҳ ﷺ ва Абу Бакр Бану Дийл қабиласидан бир моҳир йўл кўрсатувчини ёлладилар. У асли Бану Дийл қабиласидан ажраб чиқсан Бану Абд ибн Адий қабиласига мансуб эди. У Ос ибн Воил Саҳмий хонадонининг иттифоқчиси бўлиб, Қурайш кофирлари динида эди. Росууллоҳ ﷺ ва Абу Бакр туяларини унга ишониб топширдилар ва уларни уч кечадан кейин Савр тоғидаги ғорга олиб келишига ваъдалашдилар.

У учинчи кече тонгидат түяларни олиб келди. Кейин Омир ибн Фуҳайра ва йўл кўрсатувчи икковлари билан бирга йўлга тушдилар. Йўл кўрсатувчи уларни соҳил томон бошлаб кетди.

— Пайғамбар ﷺ ва Абу Бакрнинг ғорга етиб боришлиари: Ибн Исҳоқ айтади: Сўнг Савр (Макканинг қўйисидаги тоғ)даги ғор сари йўлга чиқдилар ва ғорга кириб олдилар. Абу Бакр ўғли Абдуллоҳга кундузи одамлар улар ҳақда нималар деяётганига қулоқ тутиб, кеч тушганда келиб ўша кунлик хабарларни уларга етказиб туришни буюрган эди. Озод қилган қули Омир ибн Фуҳайрага кундузи қўйини боқиш, кейин эса уларни турган жойларига дам олиш учун ҳайдаб келишини тайинлаган эди. Абдуллоҳ ибн Абу Бакр кундузи Қурайш билан бирга бўлиб, уларнинг фитналари ҳамда Росууллоҳ ﷺ ва Абу Бакр ҳақида айтаётган гапларини эшитиб, кеч кирганда икковларининг олдига келиб, бунинг хабарини берарди. Омир ибн Фуҳайра қўйларини Макка аҳлининг чўпонларининг олдида боқар, кеч кирганда икковларининг олдига Абу Бакрнинг қўйларини дам олиш учун ҳайдаб келарди. Росууллоҳ ﷺ ва Абу Бакр бир қўйни соғиб сутини ичдилар ва ўзини сўйиб едилар. Абдуллоҳ ибн Абу Бакр эрталаб икковларининг олдидан чиқиб Маккага кетганда Омир ибн Фуҳайра унинг ортидан қўйларини ҳайдаб, изини йўқотарди... Ибн Исҳоқ айтади: Асмо бинт Абу Бакр кеч кирганда уларга керакли бўлган озуқани олиб келар эди. Асмо айтади: Росууллоҳ ﷺ ва Абу Бакр ﷺ йўлга чиққанларида бизникига Қурайшдан бир гурӯҳ кишилар келди, улар орасида Абу Жаҳл ибн Ҳишом ҳам бор эди. Улар Абу Бакрнинг эшиги олдида тўхташди. Шунда мен уларнинг олдига чиқдим. Улар «Эй Абу Бакрнинг қизи, отанг қани?» дейишиди. Мен «Аллоҳга қасамки, отам қаерда эканини билмайман», дедим. Шунда бузуқи ва ифлос Абу Жаҳл юзимга бир тарсаки туширди. Калтак зарбидан қулоғимдаги сирға учиб кетди. Сўнг улар қайтиб кетишиди.

— Росууллоҳ ﷺнинг ҳижрат олдидан қилган дуолари:

Абу Нуайм Иброҳим ибн Саъддан, у Мұхаммад ибн Исҳоқдан ривоят қиласы: Менга етиб келишича Росууллоҳ ﷺ Маккадан Мадинага ҳижрат қилиши олдиdan шундай дуо қилдилар:

«الْحَمْدُ لِلّهِ الَّذِي خَلَقَنِي وَلَمْ أَكُ شَيْئًا، اللَّهُمَّ أَعْنِي عَلَى هُوْلِ الدِّينِ، وَبَوَاقِ الدَّهْرِ،
وَمَصَابِ الْلَّيَالِي وَاللَّيَامِ. اللَّهُمَّ اصْبِنْنِي فِي سَفَرِي، وَاخْلُفْنِي فِي أَهْلِي، وَبَارِكْ لِي فِيمَا
رَزَّقْنِي، وَلَكَ فَذَلِيلِي، وَعَلَى صَالِحِ خُلُقِي فَقَوْمِي، وَإِلَيْكَ رَبَّ فَحْشِنِي، وَإِلَى النَّاسِ فَلَا
تَكْلِنِي. رَبَّ الْمُسْتَضْعِفِينَ وَأَنْتَ رَبِّي أَعُوذُ بِوْجَهِكَ الْكَرِيمِ الَّذِي أَشْرَقْتَ لِهِ السَّمَاوَاتِ
وَالْأَرْضَ، وَكُشِّفْتَ بِهِ الظُّلُمَاتِ، وَصَلَحْ عَلَيْهِ أَمْرُ الْأَوَّلِينَ وَالآخِرِينَ، أَنْ تُحَلِّ عَلَيَّ غَضَبَكَ،
وَتُنْزِلَ بِي سَخْطَكَ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ رَوَالِ نِعْمَتِكَ، وَفَجَاهَةِ نِعْمَتِكَ، وَتَحْوُلِ عَافِيَتِكَ وَجَمِيعِ
سَخْطِكَ، لَكَ الْعُقْيِ عَنِّي خَيْرٌ مَا اسْتَطَعْتُ، لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِكَ»

«Мени йўқдан яратган Аллоҳга мақтоворлар бўлсин. Аллоҳим мени дунё даҳшатлари, замон балолари ва кечаю кундуз мусибатларидан сақла. Аллоҳим, йўлимда менга Ўзинг ҳамроҳ бўл, оиласини Ўзингга топширдим. Менга берган ризқингда баракот бер, мени Ўзингга бўйсунувчилардан қил, мени яхши хулқ томон йўлла, мени ўзингга суюкли бандаларингдан қил, мени одамларга ташлаб қўйма. Эй заиф ва бечораларнинг Роббиси, сен менинг Роббимсан. Еру осмонларни ёритган, зулматларни йўқ қилган, аввалги ва охиргиларнинг ишларини ислоҳ қилган азиз юзингдан менга ғазабинг тушишидан паноҳ беришини сўрайман. Аллоҳим мен сендан неъматларинг йўқолишидан, тўсатдан нафратинг тушишидан, оғиятинг ўзгаришидан ва барча ғазабингдан паноҳ сўрайман. Ҳар қандай машаққатга кучим етганича сабр қиласман. Ҳеч қандай куч ва қувват йўқ, магар Сен билангина бор»... Охирги дуоимиз оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамдайтмоқлиkdir.

НУАЙМ ИБН МАСЪУД «УРУШ ҲИЙЛА ЭКАНИНИ БИЛАДИГАН КИШИ»

Нуайм ибн Масъуд ҳушёр қалбли, фаросатли, заковатли, тадбирли ва доно йигит бўлган. Ҳеч қандай муаммо уни ташвишга сололмас, ҳар қандай қийинчилик қаршисида довдираб қолмас эди. Аллоҳ Таоло топқирлик, уддабуронлик ва соғлом фикр ато қилган чин саҳро ўғлони эди. Бироқ унинг битта камчилиги бўлган. У ўйин-кулгини ҳаддан зиёд севар, дунё лаззатларини яхши кўрар эди, кўпроқ яҳудийлар билан айш-ишрат қиласр эди. Ҳар сафар кўнгли оромбахш қўшиқ ё мафтункор мусиқа истаб қолса, у Наждни тарк этиб Ясирига жўнар, яҳудийлар уни кўнглини кўтариши учун улардан пулинни аямас эди. Нуайм мана шу сабабга кўра Ясирига кўп келар, бу ердаги яҳудийлар, айниқса Бану Қурайза қавми билан ошқатиқ бўлиб кетган эди. Аллоҳ Таоло Ўз Пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан юбориб инсониятни азиз-мукаррам қилганида ва Макканинг ҳамма бурчакларини Ислом нури билан мунаvvар этганида Нуайм ибн Масъуд аввалгидай дунё лаззатларига бўлган истагини жиловлай олмай юрган кезлар эди... Нуайм одатий хурсандчилик ва лаззатлардан маҳрум қилишидан қўрқиб янги диндан юз ўғирди. Кейин у тез орада Ислом душманлари сафига қўшилиб, унга қарши қилич қўтарди.

Аммо Нуайм ибн Масъуд Аҳзоб ғазоти куни ўзи учун Ислом даъвати тарихида янги саҳифа очди ва бу саҳифада уруш ҳийла найранглари ҳақидаги ҳикоялар дурдоналаридан бирини ёзди... Бу шундай ҳикоя эдики, тарих уни ҳалигача ўзининг аниқ бобларида доно ва зукко қаҳрамонидан ҳайратланиб ҳикоя қиласди.

Нуайм ибн Масъуднинг ҳикоясини тушуниш учун бироз орқага қайтиш керак. Аҳзоб ғазоти бошланишидан бироз аввал Ясиридаги Бану Назир яҳудийларининг бир гурухи қўзғалди ва уларнинг бошлиқлари Росулуллоҳ  қарши жанг қилиш ва унинг динини йўқ қилиш учун бирлаша бошлашди... Улар Маккага Қурайшнинг олдига бориб, уларни мусулмонларга қарши жанг қилишга ундашди ва Мадинага келишганда уларга қўшилишга ваъда беришди. Кейин Нажддаги Ғатафон қабиласига бориб, уларни Ислом ва унинг Пайғамбарига қарши гижгижлашди. Уларни янги динни илдизи билан қўпориб

ташлашга чақириб, ўзлари билан Қурайш ўртасида содир бўлган келишув ҳақида хабар беришди. Қурайшга ваъда қилган нарсани уларга ҳам ваъда қилиб, келишилган сана ҳақида хабар беришди.

Қурайш ўз бошлиғи Абу Суфён ибн Ҳарб етакчилигига ўз кишилари, отлари ва кўч-кўрони билан Маккадан чиқиб, Мадина томон йўл олди. Ғатафон ҳам Уяйна ибн Ҳисн Ғатафоний етакчилигига кўп сонли қўшини ва тайёргарлиги билан Наждан жўнаб кетди. Ғатафон кишиларининг олдинги сафида ҳикоямиз қаҳрамони Нуайм ибн Масъуд бор эди. Уларнинг хабари Росулуллоҳ  етиб келгач, саҳобаларни тўплаб, улар билан шу иш хусусида маслаҳат қилдилар. Улар ушбу улкан босқинни Мадинадан қайтариш учун унинг атрофига хандақ қазишга келишдилар. Шунда хандақ қуюқ душман қархисида тўсиқ бўлади.

Макка ва Наждан чиқсан икки қўшин Мадина чегарасига яқинлашгач, Бану Назир яҳудийларининг бошлиқлари Мадинадаги Бану Қурайза яҳудийларининг бошлиқлари ҳузурига боришди. Улар Бану Қурайзани Пайғамбарга қарши урушга кириш ҳамда Макка ва Наждан келаётган қўшинни қўллаб-қувватлашга қизиқтиришди. Бану Қурайза қабиласининг бошлиқлари уларга: «Сизлар бизни ўзимиз хоҳлаган ва қизиқсан ишга чақирдингиз. Лекин биласизки, биз билан Мұҳаммад ўртасида Мадинада омонлик ва хотиржамлиқда яшаш эвазига муросасозлик келишуви мавжуд. Биласизки у билан тузган аҳдимизнинг сиёхи ҳали қуrimаган. Агар Мұҳаммад бу урушда ғалаба қозонса, бизга шафқатсизларча муюмала қилишидан ва унга қарши хиёнатимиз учун жазо сифатида бизни Мадинадан бутунлай йўқ қилишидан қўрқамиз» дейишди. Лекин Бану Назир етакчилари уларни келишувни бузишга қаттиқ қизиқтиришди ва Мұҳаммадга хиёнат қилишни чиройли қилиб кўрсатишиди. Улар бу сафар ғалаба мүқаррар улар томонда бўлишига ишонтиришди ва икки катта қўшин келиши билан ўз қарорларини мустаҳкамлашини айтишди. Шундай қилиб Бану Қурайза яҳудийлари уларга мойил бўлиб, Мұҳаммад  билан тузган келишувларини бузишди... Кейин ўрталаридаги келишув ҳужжатини йиртиб урушда гуруҳларга қўшилганини эълон қилишди. Бу хабар мусулмонларга чақмоқдек таъсир қилди...

Душман қўшинлари Мадинани қамал қилиб, унинг аҳолисини озиқ-овқат ва ёрдамдан узиб қўйди. Шунда Росууллоҳ  икки душман ўртасида қолганини ҳис қилдилар... Чунки Қурайш ва Ғатафон Мадина ташқарисидан мусулмонларга қарши қароргоҳ қурган бўлса, Бану Қурайза Мадина ичида мусулмонлар орқасида ҳушёр турган эди... Мунофиқлар ва қалбларида мараз бор кимсалар ўз қалбларида яширинган нарсани ошкор қилиб «Мұхаммад бизга Кисро ва Қайсарнинг хазиналарига эгалик қилишимизни ваъда қилган эди. Мана биз бугун қазои ҳожат учун ҳожатхонага боришни хавфсиз ҳис қила олмаяпмиз!» дейиши. Сўнгра аёллари, болалари ва уй-жойларига Бану Қурайза ҳужум қилишидан қўрқишлигини баҳона қилиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб Пайғамбаримиз ҳузуридан тарқала бошлашди. Пайғамбаримиз атрофида эса бир неча юзта содиқ мўминлардан бошқа ҳеч ким қолмади. Йигирма кунга яқин давом этган қамалнинг бир кечасида Росууллоҳ  Парвардигорига дуо қилиб, ушбу ибораларни кўп такрорладилар:

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَشْدُكَ عَهْدَكَ وَوَعْدَكَ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَشْدُكَ عَهْدَكَ وَوَعْدَكَ»

«Аллоҳим, мен Сенинг аҳдингни ва ваъдангни сўрайман, Аллоҳим, мен Сенинг аҳдингни ва ваъдангни сўрайман».

Уша кечаси Нуайм ибн Масъуд тўшагида тўлғаниб, киприк қоқмади. Шундай қилиб, у мусаффо осмонда сузуб юрган юлдузлар ортидан кеза бошлади ва узоқ тафаккур қилди... У ўзига ўзи шундай савол берди: «Эй Нуайм эsingни йиғ! Нуайм, сени бу ерга олис Нажддан нима етаклаб келди? Ҳақ динни олиб келган Пайғамбар ва унинг тарафдорлари билан уришиш учун қандай баҳона топасан? Сен у билан тортиб олинган ҳуқуқни қўлга киритиш ёки шарафни ҳимоя қилиш учун курашмаяпсан. Сен ҳеч бир сабабсиз уришяпсан. Сендек ақлли кишига сабабсиз уришиш ярашадими?! Эsingни йиғ, эй Нуайм... Ўз издошларини адолатли ва мурувватли бўлишга, қариндош-уруғларга эҳсон қилишга амр қилаётган бу солиҳ зотнинг юзига қилич кўтаришга сени нима мажбур қилди?! У келтирган ҳидоят ва ҳақиқатга эргашган саҳобаларнинг қонини тўкишга сени нима үндади?!! Нуайм ўзи билан кечган бу шиддатли мулоқотдан кейин у ўзи амалга оширишни кўзлаган қарор учун ўрнидан турди.



Ярим тунда Нуайм қўшинни тарк этиб, Пайғамбар ҳузырига келди. Уни кўриб Росулуллоҳ дедилар: Нуайм ибн Масъудми?

- Ҳа, эй Аллоҳнинг Росули, – жавоб қилди Нуайм.
- Ярим тунда сени бу ерга нима бошлаб келди? – сўради Росулуллоҳ.

– Мен Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, сиз Унинг бандаси ва элчиси эканингизга ва сиз олиб келган нарса ҳақ динлигига гувоҳлик бериш учун келдим. Исломни қабул қилдим, аммо қабиладошларим буни билишмайди. Нима истасангиз менга буюринг... деди Нуайм.

– «Сен бизларга халоскор бўлдинг, қавминг олдига қайтиб бор, агар қўлингдан келса, уларни ҳимматини синдириб, қувватини заифлаштири. Чунки уруш ҳийладир, деди Росулуллоҳ.



– Эй Аллоҳнинг элчиси... Аллоҳ хоҳласа яқинда хурсанд бўласиз, деди Нуайм.

Шундан кейин Нуайм ибн Масъуд Бану Қурайзага борди, у билан Бану Қурайза ўртасида дўстлик алоқалари бор эди. Нуайм уларга, Эй Бану Қурайза, менинг сизларга дўстлигим ва холис насиҳат қилишимни биласиз, деди.

- Сен ҳақингда биз яхши гумондамиз, деди Бану Қурайза.
- Бу урушда Қурайш ва Ғатафоннинг иши сизницидан фарқ қиласди, деди Нуайм.
- Қандай қилиб?
- Бу сизларнинг шаҳрингиз, унда аёлларингиз, болаларингиз ва мол-мулкингиз бор. Сизлар бу юртни ташлаб бошқасига кета олмайсиз... Аммо Қурайш ва Ғатафонга келсак, уларнинг аёллари, болалари, уй-жойлари ва мол-мулки бошқа юртда... Улар Мұхаммад билан уришиш учун келди ва сизларнинг у билан бўлган аҳдларингизни бузишга чақирди, сизлар эса буни қабул қилдингиз. Агар улар Мұхаммад устидан ғалаба қилса, ўлжаларни қўлга киритади. Агар мағлубиятга учраса уйларига тинч-омон қайтишади ва сизларни унга ташлаб кетишади. Шунда Мұхаммад сизлардан қаттиқ ўч олади ва биласизки, агар у сиз билан ёлғиз қолса, сиз унинг устидан ҳеч қандай кучга эга бўлмайсиз, деди Нуайм.

– Түғри айтдинг, сенинг фикринг қандай, деди Бану Қурайза.

– Менинг фикрим шуки, сиз уларнинг зодагонларидан бир гурӯҳини гаровга олмагунингизча улар билан бирга уришманг. Шундай қилиб, сиз уларни то Мұхаммад устидан ғалаба қилгунингизча үнга қарши уришишга мажбур қиласиз. Ёки сизлардан ва улардан бирорта ҳам киши қолмагунича уришасиз, деди Нуайм.

– Түғри айтдинг, деди Бану Қурайза. Шундан кейин Нуайм уларнинг олдиdan чиқиб, Қурайшнинг қўмондони Абу Суфён ибн Ҳарб ҳузурига бориб, Эй Қурайш жамоаси, менинг сизларга дўстлигимни ва Мұхаммадга душманлигимни биласиз... Менга шундай хабар етиб келдики, уни сизларга ошкор қилишни зиммамдаги бурч деб биламан. Сизлар уни сир туting ва бошқасига тарқатманг деди.

– Қандай хабар экан, деди Қурайш.

– Бану Қурайза Мұхаммад билан жанжаллашганидан пушаймонда экан, шунинг учун улар Мұхаммадга элчи юбориб, биз қилган ишимиздан пушаймонмиз. Биз сен билан дўстона муносабатда бўлиш ва ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Қурайш ва Ғатафоннинг шарафли кишиларидан бир нечтасини сен учун гаровга олсак розимисан. Биз уларни сенга топширамиз, сен эса уларни ўлдирасан. Кейин сен уларни йўқ қилишинг учун сенга қўшиламиз, дейишибди. Мұхаммад эса розилик билдирибди. Агар яҳудийлар эркакларингиздан бир нечтасини гаровга сўраса, уларга ҳеч кимни берманг, деди Нуайм.

– Ҳа, сен қандай ҳам яхши иттифоқчисан. Бу ишинг учун мукофотга сазоворсан, деди Абу Суфён.

Нуайм Абу Суфённинг ҳузуридан чиқиб, ўз қавми Ғатафон олдига келди ва уларга ҳам Абу Суфёнга айтган гапни айтиб, уларни огоҳлантирди. Шунда Абу Суфён Бану Қурайзани синаш учун уларга ўғлини юборди. Ўғли бориб уларга, отам сизларга салом юбориб айтдики, Мұхаммадни узоқ қамал қилиб чарчадик. Энди үнга уруш қилиб, ундан бира тўла қутилишимиз керак. Шунинг учун мени сизларга эртага уруш бошлаш хабарини етказиб қўйиш учун юборди.

Улар эса, эртага шанба куни, биз бу кунда ҳч қандай иш билан шуғулланмаймиз. Бундан ташқари, биз сиздан ўзингизнинг ва Ғатафоннинг зодагонларидан етмиш кишини

гаровга беришингизни сўраймиз. Чунки биз агар уруш чўзилиб кетса, сиз бизни ташлаб юртингизга кетиб қолишингиздан қўрқамиз. Сиз биласизки, бизни унга кучимиз етмайди дейишди.

Абу Суфённинг ўғли қавмига қайтиб, Бану Қурайзадан эшишганларини айтиб бергач, улар бир овоздан, йўқолсин, маймун ва чўчқаларнинг авлоди. Агар улар биздан битта қўйни гаровга сўрашса ҳам уни бермаймиз, дейишди.

Шундай қилиб, Нуайм ибн Масъуд гуруҳларнинг сафини парчалаб, ўрталарига тафриқа солди. Аллоҳ Таоло Қурайш ва унинг иттифоқчиларига қаттиқ шамол юборди. Шамол уларнинг чодирларини учириб, қозонларини ағдариб ташлади, уларнинг оловларини ўчириб, юзларига тарсаки туширди, кўзлари эса қумга тўлди... Натижада кетишдан бошқа чоралари қолмади ва зулмат остида ортига қайтишди... Тонг отгач, мусулмонлар Аллоҳнинг душманлари ортига қарамай қочганини кўрдилар ва «Ўз бандасига нусрат берган, қўшинини кучли қилган ва гуруҳларни мағлуб қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин» дея қичқирдилар.

Шу кундан бошлаб Нуайм ибн Масъуд Росулуллоҳ ﷺ нинг ишончига кирди. Росулуллоҳ ﷺ унга вазифалар берар, у эса Росулуллоҳ ﷺ юкини ва байроқни кўтарар эди. Макка фатҳи куни Абу Суфён ибн Ҳарб мусулмонлар қўшинини кузатиб турар экан, Фатафон қабиласи байроғини кўтариб келаётган кишини кўриб қолиб, анави ким бўлди, деб сўради?

– Нуайм ибн Масъуд, деб жавоб қилишди.

У Хандақ жангигида бизга шунақсанги катта зарар келтирган эди! Аллоҳга қасамки, у Мұхаммаднинг ашаддий душмани эди. Энди эса унинг қўшинида ўз қабиласи байроғини кўтариб, Мұхаммаднинг байроғи остида биз билан уришиш учун келяпти... □

Ўзини Саудия ва Арабистон Ярим ороли бош раввини деб атаган Якоб Исаэл Герцог «Х» ижтимоий тармоғидаги саҳифасида Мисрда Сисийга қарши ҳарбий түнтариш юз беришидан огохлантириши билан баҳс-мунозараларни қўзғади. «Афсуски, президент Сисий ҳавф остида», деди Герцог унга мурожаат қилиб. У бу хавфнинг ҳарбийлар томонидан бўлишини айтди ва «сокин оловда тўнтариш тайёрланаётгани» ҳақида огохлантириди. Саудияда мусулмонларнинг муқаддас жойларидачи чиқишилари билан мунозараларга сабаб бўйлангравин, «Мисрга барқарорлик тилайман», деди. «Бу йил Иттиҳодия саройидаги сўнгги сокин йил бўлишидан кўрқаман. Келгуси йил Ироқдаги Риҳоб саройидаги воқеалар каби бўлиши мумкин», деб сўзини якунлади. Бу билан у 1958 йилда Абдулсалом Ориф ва Абдулкарим Қосим бошчилигидаги «озод зобитлар» ташкилоти томонидан Ироқдаги хукмрон оила ва қирғинга ишора қилди.

Сисийнинг Мисрнинг Сисий давридаги ахволига келсак, Миср улкан молиявий босим ва қийинчиликларга дучор бўлди. Ўтган йил охирида унинг ташки қарзи қарийб 168.034 миллиард долларга етди. Кейин, қарз фоизлари ва тўловларнинг навбатдаги қисми 97 миллиард доллардан ошиб кетди. Хорижлик таҳлилчиларга кўра, (Исройл)нинг Рафаҳ қуруқлик ўтиш жойи ва Филадельфия коридорини босиб олиши, Фазо чегарасида Миср аскарларини ўлдириши ғазаб ҳолатининг армия сафларида тарқалиши сабабларидан бири бўлди. «Арабий 21» билан суҳбатлашган кузатувчилар (Исройл) раввини гапининг оқибатлари, ундан кўзланган мақсадлар, айтилган вақти, унинг айтганларини жиддий қабул қилиш керакми, у сионистлар ва Ғарбни Сисийни яна қўллаб-қувватлашга жалб қилишга уриняптими ёки армия ичидаги ҳақиқатдан Сисийга қарши ҳаракат ва ғазаб, шунингдек, қарама-қарши кучлар борми, шуласр ҳақида фикр билдиришади.

Мисрда «Сисий амалга оширган тўнтариш ва унинг бошқарувининг расмий ҳомийси сионистлардир. Улар Сисийга энг катта араб давлати президенти бўлиш, сўнгра Америка ва Ғарбда унга тарғиб қилиниб, қўллаб-қувватланишига имкон беришган. Шунинг учун улар унинг бошқаруви давом этишини хоҳлашади. Чунки у (Исройл) манбаатларига аъло даражада хизмат қиласди. Ғазода юз берадётган воқеалар туфайли, шунингдек, Рафаҳ ўтиш жойи эгаллаб олиниб, Мисрнинг ҳеч қандай тўхтатувчи реакциясиз у ерда (Исройл) байроғи кўтарилиганидан кейин ҳарбий муассасада ғазаб ҳолати пайдо бўлган. Айниқса мисрлик аскар ўлдирилганидан кейин бу ҳолат кучайган» деб ҳисоблайдиганлар бор.

Ал-Ваъй: Бу хабар Сисийни ҳокимииятга олиб келиш (Исройл) ва Кўрфаз давлатлари учун қанчалик зарур бўлганини кўрсатади. Шунинг учун бу давлатлар Мисрнинг молиявий инқизоризида унга ёрдам беришини ўз зиммасига олишди. (Исройл) халқаро молия институтларига Сисийга босимни камайтириш учун кўрсатма бериш орқали унга ёрдам беради... Раввининг Сисийга нисбатан бундай позицияси унга нисбатан хавотирини кўрсатади. У Сисийга ҳавф келиши мумкин бўлган тарафга, яъни армияга юзланмоқда...

Бу ерда Миср армияси ролини бажариши, яъни унинг сафидаги қувват ахли Аллоҳнинг ҳукмини ўрнатиша ансорлар бўлиши керак. Бу – Аллоҳнинг улардан талаб килган бўйруғидир. Агар улар ансор бўлмасалар, улардан бошқа ким бўлади? Сисийнинг малайлиги, ўз ҳалқига душманлиги ва яхудийларни қўллаб-қувватлаши шу даражада билиндики, унга қарши ўзгаришлар юз беришидан энг кўп яхудийлар қўрқишлоқда. Аллоҳнинг

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ عَمَلُوا كُلَّنَا أَنْصَارٌ لَّهُ﴾

«Эй мўминлар, сизлар ҳам худди (ҳаворийлар каби) Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлингиз»

[Соф 14]

деган бўйруғига итоат этиб қўзғалинг. Мадинада давлат барпо этилишида Росулуллоҳ Ҳизб ёрдам берган Саъд ибн Муоз каби бўлинг... Ваъда қилинган иккинчи рошид Халифалик давлатини барпо этиш ва бутун Умматни ушбу оғир қайғудан чиқариш шарафига Ҳизб ут-Таҳрир билан бирга эришиш учун унга ёрдам беринг. □

ЭРДОГАН: ТУРКИЯ-СУРИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ УЧУН АСАДГА ЎЗ ТАКЛИФИМИЗНИ ЮБОРАМИЗ

2024 йил 7 июлда Туркия президенти ўз мамлакатининг Сурия билан муносабатлари қайта тикланиши ҳақида «Биз ҳозир шундай босқичга етиб келдикки, Башар Асад Туркия билан муносабатларни яхшилаш учун қадам ташлаши биланоқ, биз муносиб жавобни қайтарамиз», деди. Унинг изоҳ беришича, Эрдоган билан Асад ўртасидаги учрашувга Россия президенти Путиннинг, шунингдек, Ироқ Баш вазири Мұхаммад Шайяъ Суданийнинг ҳиссаси бор. У «Биз бу ерда воситачилик ҳақида гапирияпмиз, нега буни құшнимиз билан қылмаслик керак?», деб құшымча қилди. Сүнг, сўзини давом эттириб: «Биз таклифимизни Асадга юборамиз ва бу ҳар қандай вақтда бўлиши мумкин. Туркия-Сурия муносабатларини ўтмишдагидек тиклашга умид қиласмиз», деди. Эрдоган ўтган ойда Туркиянинг Сурия билан муносабатларни ривожлантиришга тайёрлигини билдирган эди. Туркиянинг Анадолу ахборот агентлигига кўра, у ўшандада: «Сурия билан дипломатик муносабатларни ўрнатмаслик учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Ўтмиша қандай ҳамкорлик қилган бўлсан, муносабатларни ривожлантиришга биргаликда ҳаракат қиласмиз. Суриянинг ички ишларига аралашиш мақсадимиз йўқ», деб айтганди. Бошқа томондан, Сурия президенти ўз мамлакатининг Сурия ва Туркия ўртасидаги муносабатларга оид барча ташаббусларга очиқлигини тасдиқлагани диққатга сазовордир. Бу ташаббуслар, бир томондан, Сурия давлатининг бутун ҳудуди устидан суверенитетига, бошқа томондан, терроризмнинг ҳар қандай қўринишига ва террорчи ташкилотларга қарши курашишга асосланади.

Ал-Ваъй: Эрдоганнинг ўз позициялари ва баёнотларида фақат Америка манфаатларини ҳисобга олиши кундан-кунга фош бўлиб бормоқда. У ўз позицияларида мусулмонларни алдаган ва душманлари билан бирга уларни қонга ботирган ёлғончи бўлди. Американинг Афғонистонни босиб олишида у кўп миллатли босқинчи халқаро кучлар таркибида бўлди. Ироқ босиб олинганида унга зарба бериш учун Инжирликдаги ҳарбий базадан фойдаланишига рухсат бериш орқали Америкага ёрдам берди. Сурия режимига Ҳалаб, Фута ва бошқа шаҳарларни босиб олишига ёрдам берди... Бугун у Сурияда (шу билан бирга Ғазода) Америка режаси бўйича ҳаракат қилмоқда. Афтидан, Америка мінтақада Америка ечимини татбиқ этиш учун (Ливан, Фаластин ва Суриядаги) барча файлларни ишга туширган кўринади. Эрдоганнинг бу баёноти мінтақада суряликларга қарши ҳужум, суряликларни кўчириш масаласининг кўтарилиши ва бир неча мамлакатда уларни сиқувга олиниши билан бир вақтда бўлиб, бу Американинг мінтақа учун белгилаган ечими поезди ҳаракатга кела бошлаганига далолат қиласди.

Айтилишича, Хьюман Райтс Вотч ташкилоти ўтган йил давомида Туркия ҳукумати ўзининг чегара пунктлари орқали 57 мингдан ортиқ сурялилар ва бошқаларни депортация қилганини эълон қилган. Сурялилар қочқинлар сайловлардан кейин Туркиядан депортация қилиниб, режимга топширилишидан қўрқиб қолишган. Туркияда суряликларга қарши «миллатчилик» оҳангидан кўтарила бошлади ва уларга нисбатан хавфсизлик масаласида таранглик пайдо бўлди. Ливандада ҳам шундай аҳволнинг кузатилиши маэстронинг битта эканлигини кўрсатади. □